

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ  
ХАЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“ИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАРНИ  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИНГ  
ИНОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”  
модули бўйича**

**ветеринария**



**ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Самарқанд 2020**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7-декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

**Д.И.Сайдалиев** - ветеринария фанлари номзоди, доцент

**Тақризчи:**

**Қ.Норбоев** – в.ф.д. профессор.

**Г.Мамадуллаев** - ветеринария фанлари доктори

**Ўқув -услубий мажмуа СамВМИ хузуридаги ПКҚТУМО тармок марказининг 2020 йил 29-декабрдаги 5-сонли қарори билан тасдиқка тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА		
I	ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ	4
II	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III	МАЪРУЗА МАТНЛАРИ	12
IV	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР	72
V		117
VI	КЕЙСЛАР БАНКИ	118
VII	ГЛОССАРИЙ	130
VIII	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	
	МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ	

## **I. ИШЧИ ДАСТУРИ.**

### **Кириш**

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди ва Республикализнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларининг чорвачилик ва ветеринария истиқболига таъсири, ҳайвонлар ва паррандаларда учрайдиган хавфли юқумли касалликларни аниқлаш, улорни олдини олиш ва маҳсус профилактикаси ҳақидаги мавзуларни қамраб олади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** юқумли касалликларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, уларнинг классификацияси, инфекция қўзғатувчисининг ҳайвонларга юқиш йўллари, инфекцион жараённинг ривожланиши ва кечиши, иқтисодий зарари, эпизоотологияси, патогенези, клиник белгилари, патолого-анатомик ўзгаришлари ташхиси ва қиёсий ташхиси, даволаш, олдини олиш ва қарши кураш чораларининг илмий ва амалий аҳамиятини ўргатишдан иборат бўлиб, бу олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билим, қўникма ва компетенцияларини ошириш.

**Модулнинг вазифалари:** тингловчиларга ҳайвонлар орасида учрайдиган инфекцион касалликлар, уларнинг қўзғатувчилари, ривожланишини, эпизоотологияси, клиник белгилари, ташхис қўйиш усуллари, даволаш, олдини олиш ва қарши кураш чора-тадбирларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда тадбиқ этиш қўникмасини хосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабарини назарий билимлар, амалий күнікмалар, ҳайвонлар организмиға инфекцион агентнинг тушиш үйларини, юқумли касалликларнинг кечиши, тарқалиши, клиник белгилари, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чораларини билиш ва уларни аниклашга услубий ёндошув ҳамда илмий дунё қарашини янада көнгайтириш ҳамда таълимдаги имкониятлари ва амалиётда құллаш усуллари ҳақида назарий ва амалий билимларни, күнікма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

### **Модул бүйича тингловчиларнинг билими, күнікма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- инфекцион касалликларга лаборатория ва дала шароитида ташхис қўйиш, эпизоотологик маълумотларни таҳлил қилиш, касал ва ўлган ҳайвонлардан патологик намуна олиш, лабораторияга юбориш, бактериологик, биологик, серологик, аллергик ва бошқа текшириш усуллари, ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олишда ишлатиладиган асбоб ускуналар, реактивлар, диагностикумлар, даволаш воситалари ва препаратлардан самарали фойдаланишни **билиши** керак.

- юқумли касалликлар қўзғатувчиларининг турлари, чидамлилиги, систематикадаги ўрни, қўзғатувчиларни тоза қултурасини ажратиб олиш ва бир-биридан фарқлаш, уларга қарши кураш олиб бориш **күнікмаларига** эга бўлиши лозим.

- Ҳудудларнинг эпизоотик ҳолатини таҳлил қилиш, мавжуд инфекция ўчоқлари, касалликларнинг инсон ва ҳайвонларга етказиладиган заарини аниклаш, юқумли касалликларнинг мавсумийлиги, тарқалиш хусусиятлари, уларни олдини олиш, хўжаликни соғломлаштириш, маҳсус профилактика ҳамда қарши курашиш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш **малакаларига** эга бўлиши керак.

- ҳайвонлар касалликларига ташхис қўйишда, самарали даволаш усуллари ҳамда замонавий ва инновацион манбалардан фойдалана олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ўқитиши маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул ўқув режадаги “Ветеринария фундаментал фанларида замонавий ва инновацион технологиялар”, “Ветеринарияда юқумсиз касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш, акушер гиникологик ва ҳирургик потологияларнинг диагностикаси ва даволашдаги замонавий инновацион технологиялар”, “Инвазион касалликларни диагностикаси ва даволашнинг инновацион технологиялари” ва “Олий таълим муассасаларининг электрон ахборот таълим мухитини шакллантириш” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга ва касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ҳайвонлар ва паррандалар орасида учрайдиган инфекцион касалликлар қўзғатувчиларининг хусусиятларини, юқиши йўллари ва манбаларини, инфекцион жараённинг ривожланишини, касалликларнинг кечишини, тарқалишини, келтирадиган иқтисодий ва ижтимоий заарларини, ҳар бир касалликни аниқлаш, даволаш, олдини олишда зарурый билимларни амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Кўчма машғулот		
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Назарий			
			Жами	Жумладан	Назарий	Амалий машғулот			
1.	Бактерия ва вируслар томонидан чақириладиган инфекцион касалликларга иммунологик ва серологик диагноз қўйишнинг илмий асослари.	4	2	2			2		
2.	Бир неча тур ҳайвонлар учун умумий бўлган юқумли касалликларнинг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуслари.	2	2	2					

3.	Ёш ҳайвонлар ва паррандаларнинг инфекцион касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари.	2	2	2		
4.	Паррандаларнинг юқумли касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.	2	2	2		
5.	Инфекцион касалликларга иммунологик ва серологик диагноз қўйишнинг илмий асослари.	2	2		2	
6.	Куйдирги ва Оқсил касалликларининг замонавий диагностикаси ва олдини олиш усуллари.	2	2		2	
7.	Туберкулёз ва Бруцеллёз касалликларининг замонавий диагностикаси ва фермани ушбу касалликлардан соғломлаштириш.	2	2		2	
8.	Колибактериоз ва салмонеллез касалликларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.	2	2		2	
9.	Паррандаларнинг инфекцион касалликларининг замонавий диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий инновацион усуллари.	2	2		2	
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	<b>2</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Мавзу: Бактерия ва вируслар томонидан чақириладиган инфекцион касалликларга иммунологик ва серологик диагноз қўйишнинг илмий асослари (2соат).**

1.1 Бактериялар, замбуруглар чақирадиган юқумли касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчиларининг хусусиятлари, замонавий диагностикаси.

1.2. Вируслар томонидан чақириладиган касалликларнинг характеристикаси, иқтисодий зарари диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий гуллари.

1.3. Бактерияларга қарши иммунитетнинг вирусларга қарши иммунитетдан фарқи.

### **2-Мавзу: Бир неча тур ҳайвонлар учун умумий бўлган юқумли касалликларнинг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари (2 соат).**

2.1. Куйдирги ва оқсил касаллигининг замонавий диагностикаси ва олдини олиш усуллари.

2.2. Туберкулёз ва бруцеллёз касалликларнинг замонавий диагностикаси ва фермани ушбу касалликлардан соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш.

2.3. Кампилобактериоз ва трихофития касалликларнинг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари.

### **3-Мавзу: Ёш ҳайвонлар ва паррандаларнинг инфекцион касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари (2соат).**

3.1. Колибактериоз касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.

3.2. Салмонеллез касаллигининг диагностикаси даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари

3.3. Пуллороз касаллигининг диагностикаси даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари

### **4-Мавзу: Паррандаларнинг юқумли касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари (2соат).**

4.1. Паррандаларнинг Ньюкасл ва Грипп касалликларнинг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари

4.2. Паррандаларнинг Марек касаллигининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари

4.3. Паррандаларнинг юқумли бронхит ва ларинготрахеит касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот. Инфекцион касалликларга иммунологик ва серологик диагноз қўйишининг илмий асослари (2соат).**

**2-амалий машғулот. Кўйдирги ва Оқсил касалликларининг замонавий диагностикаси ва олдини олиш усуллари (2соат).**

**3-амалий машғулот. Туберкулёз ва Бруцеллёз касалликларининг замонавий диагностикаси ва фермани ушбу касалликлардан соғломлаштириш (2соат).**

**4-амалий машғулот. Колибактериоз ва салмонеллез касалликларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари (2соат).**

**5-амалий машғулот. Паррандаларниң инфекцион касалликларининг замонавий диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий инновацион усуллари (2соат).**

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТ**

1. Юқумли касалликларни олдини олишнинг замонавий усуллари.

Ветеринария илмий тадқиқот институтининг вирусология ва бруцеллез касаллигига қарши кураш лабораторияларида юқумли касалликларга қарши диагностикум ва биопрепаратлар тайёрлашнинг илмий асослари билан танишилади ҳамда хавфли штаммлар билан ишлашда шахсий гигиена қоидалари ўрганилади

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi bўyicha daliillar va aсосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар echimini topish қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ

Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўнималарини ривожлантиради. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида гурухларда жадвални расмийлаштирадилар.

**КЛАСТЕР**  
(Кластер-тутам, боғлам)-  
ахборот харитасини тузиш  
йўли- барча тузилманинг  
моҳиятини марказлаштириш  
ва аниқлаш учун қандайдир  
бирор асосий омил атрофида  
гояяларни йигиш.  
Билимларни  
фаоллаштириши  
тезлаштиради, фикрлаш  
жараёнига мавзу бўйича янги  
ўзаро боғланишли  
тасаввурларни эркин ва очик  
жалб қилишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қофоз варагининг ўргасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлик сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзаб қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиклар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки гоялар тугагунича давом этиши мумкин.

Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

14

**Кластерни тузиш қоидаси**

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Гоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишини тўхтатманг.  
Агарда ақлингизда гоялар келиши бирдан тўхтаса, у холда қачонки янги гоялар келмагунча қофозга расм чизиб туринг.

15

## **CWOT- ТАХЛИЛ ЖАДВАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

CWOT термини инглизча кучли, кучсиз, имконият, ҳавф сўзларининг бош ҳарфларидан тузилган. Бу технологиядан ташкилот ёки бирор корхонанинг келгусидаги стратегик ривожланиш механизмларини таҳлил этишда фойдаланиш қулай.

**С-** корхонанинг ички ривожланиш имкониятлари;

**W-** корхонанинг ички муаммолари; .

**O-** корхонанинг ташқи ривожланиш имкониятлари;

**T-** корхона учун ташқи ҳавфлар.

Дарсда шакллантирилган муаммо юзасидан тўпланган маълумотлар пакети ўқитувчининг тренерлигида талаба-ўқувчилар томонидан ўрганилиб бўлингач гуруҳлар ёки кичик гуруҳлар ҳамкорликда қуидаги жадвални тўлдириб, охир оқибатда тегишли оптимал ечимга келишадилар:

<b>C:</b> 1. 2. 3.	<b>W:</b> 1. 2. 3.
<b>O:</b> 1. 2. 3.	<b>T:</b> 1. 2. 3.

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу: Бактерия ва вируслар томонидан чақириладиган инфексион касалликларга иммунологик ва серологик диагноз қўйишнинг илмий асослари (2соат).**

1.1 Бактериялар, замбуруглар чақириладиган юқумли касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчиларининг хусусиятлари, замонавий диагностикаси.

1.2. Вируслар томонидан чақириладиган касалликларнинг характеристикаси, иқтисодий зарари диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий гсувлари.

1.3. Бактерияларга қарши иммунитетнинг вирусларга қарши иммунитетдан фарқи.

#### **1.1 Бактериялар, замбуруғлар чақириладиган юқумли касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий зарари, қўзғатувчиларининг хусусиятлари, замонавий диагностикаси.**

**Таянч иборалар.** Микроорганизм, бактерия, умумий, хусусий, тиббиёт, санитар микроблар, микроорганизм оқсилари, бактериология, микоплазматология, риккетсиология, микология, вирусология, соф культура, касаллик қўзғатувчиси, иммунология, вакцина, зардоб, ген инженерияси. Вириодлар, вирусларнинг экологияси, онкоген, тиббиёт, трипсинизация, фибробласт, ситопатоген таъсир, адсорбсия, Броун харакати, депротеинизация, репликация, ассамбелирование, нуклеокапсид, латент, сурункали, ДИ-бўлакчалар, дефектли вирус, псевдовируслар.

**1. Бактериал инфексия** - бактериялар қўзғатадиган инфексия. *Белгисиз (латент)* инфексия - (лот. латента, ae, ф - яширин) - клиник намоён бўлмайдиган инфексия.

У иммунологик реаксиялар, бактериологик, вирусологик ва патоморфологик текширишлар орқали аниқланади. Бундай яширин инфексияли ҳайвонлар касаллик юқтирувчи хавфли манба бўлиб хизмат қиласди. Яширин инфексия натижасида организмда иммунитет вужудга келиши мумкин. *Жароҳат инфексияси* - яраларга, айниқса, чуқур яраларга айrim касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар кириши натижасида юқтирилган инфексия. Бу ҳолат кўпроқ қотма, чечак касалликлари мисолида намоён бўлади. *Замбуруғли инфексия* - патоген замбуруғлар пайдо қиласдиган инфексия. *Йирингли инфексия* - йиринг ҳосил қилувчи микроорганизмлар инфексияси. *Оддий инфексия*, монинфексия - вирус ёки микроорганизмнинг бир тури пайдо қилган инфексия. Агар қўзғатувчининг организмга кирган жойи аниқланмаса, унга *криптоген инфексия* дейилади. *Регионал инфексия* (лот. *регион* - маълум жой) - айrim касаллик қўзғатувчилари (туберкулёз, бруцеллёз, туляремия қўзғатувчилари ва бошқ.) Организмга киргандан кейин дастлаб лимфа йўллари билан лимфа тугунларига жойлашиб, *бирламчи инфексия* ўчони пайдо қиласди. Натижада лимфа тугунлари жароҳатланади. Айrim ҳолларда организм тўла тузалгандан ва қўзғатувчидан қутилгандан кейин яна ўша қўзғатувчи билан заарланиши мумкин.

Бундай ҳолат дизентерия, туберкулёзда кузатилади ва унга *реинфекция* дейилади. Агар организм бутунлай тузалмасдан яна ўша қўзғатувчи билан зааралсанса ва касаллик оғирлашса, унга *суперинфекция* дейилади. *Респиратор инфекция* (лот. *респираториус-нафас* орқали) - ҳаво орқали юқадиган инфекция.

*Секин кечувчи инфекция* - касал қўзғатувчиси организмга киргандан кейин яширин даври жуда узоқ бўладиган, секин ривожланадиган инфекцион касаллик (лейкоз, висна ва меди, скрепи, аденоатоз ва х.к.). *Секундар инфекция* (лот. *сесундарус* - иккиламчи) - бирламчи (асосий) инфекция устига қўшилган иккиламчи инфекция.

Бу биринчи инфекция ўтишини оғирлаштиради. Масалан, пастерелла ва салмонелла бактериялари чўчқаларда ўлат касаллиги ўтишини оғирлаштиради. Одатда, иккиламчи инфекция қўпроқ шартли патоген қўзғатувчилар гурухига кирувчи микроорганизмларга алоқадор бўлади. Улар тери ва шиллиқ пардаларда яшаб, фақат организмнинг касалликларга чидамлилиги пасайган пайтда ўз фаоллигини оширади ва касаллик қўзғатадиган бўлиб қолади. *Спонтан инфекция* (лот. *спонтанеус* - ўз-ўзидан) - табиий шароитда ўз-ўзидан юзага келадиган инфекцион касаллик. *Сунъий инфекция* - касаллик қўзғатувчисини сунъий равишда ҳайвонга юбориш йўли билан пайдо қилинган инфекция. *Томчи инфексияси* - касаллик қўзғатувчисининг касал ҳайвондан ажralган шилимшиқ, суюқлик заррачалари билан қўшилиб, соғ ҳайвоннинг нафас йўлларига тушиши натижасида ҳосил бўлган инфекция. *Трансмиссив инфекция* (лот. *трансмиссибилис* - берилувчи) - қон сўрувчи бўғин оёқлилар, кемиравчилар ва бошқа вирус, микроорганизм ташувчилар томонидан тарқатиладиган инфекцион касалликлар. *Чанг инфексияси* - касаллик қўзғатувчилари юқсан чанг заррачалари билан нафас олиш натижасида ҳосил бўлган инфекция. *Эндоген инфекция* (лот. *ендон* - ичкари, *генес* - ҳосил бўлиш ёки *аутонинфекция*) - ҳайвон организмнинг умумий чидамлилиги пасайиши натижасида организмда мавжуд микроорганизмларнинг кучайиши эвазига юзага келадиган касаллик. Айрим ҳолатда касаллик ланж, клиник белгиларсиз кечиб, организмнинг резистентлиги пасайгандан кейин бирдан ўткирлашади ва оғирлашади.

Бундай ўткирлашган ҳолатни *рецидив* ва рецидивлар орасини *ремиссия* (меъёрга яқинлашиш) ҳолати деб юритилади. Рецидив ҳолатлар барча сурункали кечадиган касалликларга (лейкоз, туберкулёз, бруцеллёз, инфекцион анемия, манқа) хос. Одатда ушбу касалликларга қарши иммунитет ҳам мустаҳкам бўлмайди.

Инфексиянинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тақдири фақатгина организмга кирган микроорганизм ва вирусларнинг вирулентлиги ва микдорига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки организмнинг ушбу патогенларга қарши табиий чидамлилигига ҳам боғлиқ.

Шунинг учун барча эътиборни фақатгина патогенларга қаратмасдан макроорганизмнинг химоя воситаларини мустаҳкамлашга (табиий резистентликни кучайтириш) ва касалликни ривожланишига қўмаклашувчи ташқи муҳит омилларига ҳам қаратиш зарур.

**2.** Вируслар организмга ҳар хил йўллар билан тушади. Масалан: Нюкасла, чечак, чўчқаларнинг ўлат, товуқларнинг юқумли бронхит, парагрипп-3, респиратор синситиал инфексия, йирик шохли ҳайвонларнинг юқумли ринотрахеит вируслари организмга бурун-томуқ бўшлиғи орқали тушади.

Полиомиелит, чўчқаларнинг энтеровируслари, коксаки, оқсили, чўчқаларнинг везикуляр экзантема, нюкасла, товуқларнинг грипп, товуқларнинг адено-вируслари, йирик шохли ҳайвонларнинг диарея вируси организмга овқат ҳазм қилиш тракти орқали тушади. Тери орқали юқадиган параваксина вируси (сут, соғувчилик кўлида) венерик лимфагранулема, товуқларнинг чечак вируси, қўй ва эчкиларнинг чечак вируси, юқумли контагиоз эктима вируслари маълум. Арбовирусларнинг катта гурухи қишлоқ хўжалик ҳайвонларига бурга, кана ва пашшалар орқали узатилади.

### **1.2. Вируслар томонидан чақириладиган касалликларнинг характеристикиси, иқтисодий зарари диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий гсуллари.**

Вирусларнинг организмда кўпайиши – вирус организмга тушгандан сўнг ўша тушган жойидан бошлаб кўпаяди сўнгра маълум органларда ва тўқималарда кўпайиб бутун организмга тарқалади. Организмда вирусларнинг тарқалиши ҳар хил йўллар билан бўлиб асосан қон ва лимфа суюқлиги орқали тарқалади. Кутуриш вирусини организмга тарқалиши нерв толалари орқали бўлишини 1887 йилда Бабеш исботлади. Вируснинг марказий нерв системасига бориши марказга интилувчи ҳаракат натижасида содир бўлади. Вируснинг геноми орқали мияга етиб боргунча ҳужайраларда кўпайиши шарт бўлмай улар ҳатто тўқималарда заҳар қандай тарқалгандек ёки инерт модда сўрилгандек тез марказий нерв системасига етиб боради. Вируснинг тишланган жойга тушиш миқдори, сўлак таркибидаги гиалуронидаза ферментининг активлигига ва қон зардоби таркибидаги гиалуронидаза ферментининг антогонистлари борлигига боғлиқ. Махсус антирабик гамма-глобуллин қутуриш вирусини нейтраллайди. Вируснинг марказига интилувчи ҳаракатини Николай-септиневрит деб атади, чунки бактериологияда бактерияларни қон таркибида учраши сепсис тушунилади. Баъзи бир нейротроп вируслар герпес, полиомиелит, нейроваксина, қутуриш вирусларини организмга нафас йўли орқали, тери остига, шиллик пардаларга оғиз орқали ва нерв орқали юборилганда вирусни марказий нерв системаси томонга ҳаракат йўналиши қузатилади.

Вирусни организмдан ажратиб чиқариш – Ҳар хил йўллар билан бўлади. Пандроп вируслар чақирадиган касалликларда чўчқаларнинг Европа ва Африка ўлати, ауески касаллиги, йирик шохли ҳайвонларнинг ўлат касаллиги, юқумли анемия касаллигига вирус фекалий, сийдик, бурун ва кўздан ажралаётган экссудат, сут, сўлак орқали ажралиб туради. Чўчқаларнинг, отларнинг, йирик шохли ҳайвонларнинг грипп касаллигига юқумли ринотрахеит касаллигига вирус бурун-томуқ бўшликлари орқали ажралиб туради.

Бу ажралиб турган суюқликда вирус борлигини аниқлаш учун сезгирик системаларга юқтириш натижасида билиш мумкин. Ентеровирус касаллигига (тешен касаллиги, трансмиссив гастроентерит, вирусли диарея, ротавирус инфексиясида товуқларнинг енсефаломиелит касаллигига) вирус фекалий орқали ажралиши аниқланган. Терининг жароҳатланиши билан кечадиган касалликларда оқсил, товуқларнинг чечак, қўй ва эчкиларнинг чечак, параваксина, контагиозли ектима ва бошқаларда заарланган жойдан вирус ажралиб туради. Қутуриш касаллигига вирус сўлак орқали ажралиб туради. Сўнги йилларда вирусларни уруғ орқали бир ҳайвондан иккинчи ҳайвонга ўтиши кузатилган. Оқсил, лейкоз, юқумли ринотрахеит, диарея, ефемер иситма, параваксина касалликлари бунга мисол бўла олади. Олдинги вақтда бунга аҳамият берилмай келинган еди. Кўпчилик ҳолда уруғни вирус билан контаминацияланиши натижасида уруғни оталантириш хусусияти анча пасайиб кетишига сабабчи бўлган. Вирус касаллиги юқган организмда вирусларнинг ўрнашиши. 1921 йилда франсуз вирусологи, Бюррел биринчи бор вирусларнинг тропизмни ўрганган. Итларнинг ўлат касаллиги 4-хил клиник шаклда ўтишини: нерв, пневмония ўпкада, виссерал (ентерит) ва тери шакллари бор. Кўпчилик ҳолда бу шакллар якка ҳолда учрамай ҳамма шакли бирданига бир организмда учраши мумкин. Вирусларни қонга таъсири – Эритроцит тропизм герпес вирусларда, чўчқаларнинг ўлат вируси эритроцит ва гранулоцитларни ишлаб чиқариш хусусиятига ега. Касалликнинг клиник белгилари пайдо булгунга қадар қон ишлаб чиқарувчи системаларни структурасини бузишга, эритроцитларни етилишига кучли таъсир қиласи аплазия. Бир қанча сурункали кечадиган вирус инфексияларда лейкоцитларнинг заарланиши келажакда интерферон синтезлашнинг пасайиб кетишига сабабчи бўлади. Вирусларни ҳужайранинг генетик аппаратига таъсири. Бир қанча миксовирус инфексияларда (қизамиқ, паратип, Сендай ва бошқалар чақиради). Хромосомаларда бузилишлар. Бу ҳол касалликни ўткир кечаётган даврида кузатилади.

### **1.3. Бактерияларга қарши иммунитетнинг вирусларга қарши иммунитетдан фарқи.**

Вируснинг вирулентлиги – Вирулентлик бу патогенлик даражасидир. Бу вируснинг штамми ва сақлаш шароитига, ва организмга юбориш усулига боғлиқдир. Масалан: бир хилдаги вирусни ҳар хил вирулентли даражаси бўлиши мумкин. Нијасла касаллигининг вируси велогенн (юқори вирулентли), лизоген (ўртacha вирулентли), лентоген, ва апатоген штаммлари мавжуд. Бир суткалик ҳужайраларга патоген бўлмаган ва вирусология практикасида кўп ишлатилаётган тирик ваксиналар (*Ла-сота, Би, Бор/ВТНКИ/74, ФР* ва *Ф* – штаммлари бор)

3. Вирусларга қарши иммунитетнинг ўзига хос хусусиятлари. Вирусларга қарши иммунитет ҳам бактериал касалликларга қарши иммунитетга ўхшайди, аммо вирус репродуксияси ҳужайраларда ўтгани ва унинг метаболитлари заарланган ва ўлган ҳужайралар метаболитлари билан боғлиқ бўлгани учун *иммунитетнинг* ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

1. Вирусга қарши *туғма иммунитетда* касал бўлмаслик – *номойиллик* вирус репродуксияси амалга ошиши керак бўлган ҳужайраларда рецепторлар бўлмаслиги сабабли вируслар ҳужайрага кирмайдилар, адсорбсия босқичи амалга ошмайди.

2. Вирусга қарши иммунитетда бактериал касалликларга қарши иммунитетдагига нисбатан номахсус иммунитет омиллари – *ингибиторлар* катта аҳамиятга ега, улар вирусларни ҳужайраларга *адсорбсия* – киришига тўсқинлик қиласди. Улар барча суюқликларда мавжуд бўлади ва антителодек хизмат қиласди, аммо номахсусдир.

3. Организмнинг сийдик ажратиш тизими ва тана ҳароратини кўтарилиши билан биргаликда вирусга қарши иммунитетда муҳим рол ўйнайди.

4. *Интерференсия* ҳодисаси - бир вируснинг 2- вирус репродуксиясини йўқотиши (м: герпес-чечак; грипп-энцефаломиелит; оқсил – чечак ва ҳ-зо). Интерференсия фақат тирик емас, балки фаолсизлантирилган вирус ваксина билан ҳам пайдо бўлади. *Интерференсия* ҳодисасини ўрганишда Айзек ва Линдеман (1957) жуда кучли номахсус ҳимоя воситаси – *интерферонни* кашф етдилар. Интерферон вирусни адсорбсиясига, виропексис, депротенизациясига, нуклеин кислоталар ажралишига, вирусни ҳужайрадан чиқишига таъсир етмайди. У фақат вирусга сезгир ҳужайра орқали таъсир этиб, вирус репродуксиясига йўл қўймайди.

5. Вирусга қарши *иммунитетда* ҳосил бўладиган антителолар фақат вирионларга (ҳужайрадан ташқарида) таъсир қиласди, ҳужайра ичидағи вирусга таъсир қилмайди. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, вирусга қарши барча турдаги антителолар ҳам вирусга қарши ҳимоя воситасини ўтамайди, фақат *вирусни нейтралловчи антителолар* ҳимоя хусусиятига ега.

Улар *вирионнинг* ташки корпускуляр антигенига таъсир қилиб, уни адсорбсия бўлишига, яъни ҳужайрага киришига йўл қўймайди ҳамда унинг токсик таъсирини нейтраллайди. Вирусни нейтралловчи антителолар фагоцитозни ҳам фаоллаштиради. Натижада макрофаглар таъсирида фагоцитозга учраган вирусли ҳужайралар, вирус токсинлари билан бирга макрофаг ситоплазмасида заарсизланади.

6. Вирусга қарши иммунитетда фагоцитоз бактериал касалликлардагидек бўлмаса-да, барибир муҳим рол ўйнайди. Фагоцитозга учраган вирусли ҳужайраларда вирус ўлмаса ҳам улар токсинлари билан бирга макрофаг ситоплазмасида заарсизланади. Вирус антигенига қарши микрофагал реаксия умуман кузатилмайди.

7. Вирусга қарши иммунитетда *маҳаллий секретор антителолар* мұхим рол үйнайды. Пневмоентеритларда чидамлилик ҳолати қон зардобидаги антителолар титрига емас, балки ушбу аъзоларнинг шиллиқ пардаларидан ажралған махсус секретор антителоларга боғлиқлиги аниқланған. ИГА антителолари фақатгина нафас олиш ва овқат ҳазм қилиши аъзолари шиллиқ пардаларидан емас, сүлакда, күз ёшида, бурун ва бронх суюқликларыда, ўтда, увоз сутида, ичақда, конъюнктивада, сийдик ажратиши тизими аъзолари шиллиқ пардаларидан аниқланған. Тузилиши бўйича ушбу секретор ИГА қон зардобидаги иммуноглобулин А дан фарқ қилиши аниқланған. Ушбу ИГА да қўшимча антиген детерминанти борлиги аниқланған ва унинг молекуляр массаси каттароқдир. ИГА вирус билан шиллиқ пардада учрашиб, вирусни организмга киришига йўл қўймайди, асосан барер вазифасини бажаради.

Иммунитет турлари ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик. Келиб чиқишига кўра ирсий – *түгма*, табиий ва орттирилган; йўналиши бўйича антибактериал, антивирус ва антитоксик иммунитетга; жойлашиш жойига нисбатан гуморал ва хужайрали; қўзғатувчига таъсири бўйича стерил ва ностерил; шаклланиш механизми бўйича фаол ва пассив; организмга таъсир қилган антиген ёки қўзғатувчига нисбатан инфексия ва вакцинациядан сўнгги иммунитет турларига бўлинади.

*Ирсий иммунитет* – шу тур ҳайвонга генетик хос, у кейинги наслига берилади (м: от оқсилга, қорамол манқага табиий чидамли). *Орттирилган (фаол) иммунитет* - касалланиб тузалгандан ёки вакцина юборилгандан кейин шаклланған иммунитет. Ушбу иммунитетнинг муддати организмда ҳар хил бўлади. *Антибактериал иммунитет* - касалланиб тузалиш ва емлаш натижасида юзага келган, бактериал касалликларга нисбатан чидамлилик, организмнинг умумий (гуморал моддалар, фагоцитоз) ва махсус ҳимоя воситалари (антителолар) бирлигига шаклланади. *Антитоксик иммунитет-токсин ишлаб чиқарувчи касаллик* қўзғатувчиларга чидамлилик, асосан организмга анатоксин, антитоксин юбориш натижасида юзага келади (м: қотмада). Гуморал иммунитет - қон зардobi таркибидаги махсус иммуноглобулинлар (антителолар)нинг микроорганизмлар, вирусларни заарсизлантириш хусусиятига боғлиқ ҳолдаги чидамлилик. *Вакцинациядан сўнгги иммунитет* - маълум бир касалликка қарши вакцинация қилиш натижасида шаклланған фаол чидамлилик. *Инфексиядан сўнгги иммунитет* - маълум бир инфексион касаллик билан касалланиб тузалгандан сўнг айнан шу касалликка қарши қучли чидамлилик юзага келади.

*Стерил иммунитет-* касалланиб тузалгандан кейин шу касаллик қўзғатувчисидан бутунлай тозаланиб юзага келадиган чидамлилик. *Ностерил иммунитет* - касалланиб тузалиш оқибатида юзага келадиган, маълум касалликка нисбатан чидамлилик, бунда организм касаллик қўзғатувчидан бутунлай холи бўлмайди (м: бруцеллёз, туберкулёз, инфексион ринотрахеит, лейкоз). *Табиий иммунитет* - табиий, ирсий чидам-лилик, айrim инфексион касалликларга чидамлилик ҳолат. Масалан, қорамол инфексион анемия билан касалланмайди.

*Трансплантацион иммунитет* - организмга киргизилган түкима ва аязоларга қарши ҳосил бўлган иммунологик жараён. Бундай вактда иммунитетнинг хужайра звеноси фаол иштирок этади ва бу жараён секинлашган, ўта сезгирик кўринишида кечади. *Фагоцитар иммунитет* – махсус сенсибилизацияланган иммун фагоцитларга асосланган чидамлилик. *Фаол иммунитет* - ваксина, қўзғатувчи ёки унинг токсинига қарши организмда шаклланган иммунитет. *Пассив иммунитет* - тайёр антителоларни, яъни гипериммун қон зардоби юбориб, олинган иммунитет. У асосан 15-20 кун давом етади. *Колосстрал иммунитет* - онасидан увиз сути орқали ўтган тайёр антителолар орқали вужудга келган пассив иммунитет. *Хужайралар иммунитети* - түкима ва хужайралар ҳимоясига асосланган чидамлилик. Юқорида таъкидланган иммунитет турлари ўз табиати, келиб чиқиши, таъсир механизми бўйича турлича бўлса-да, биологик моҳияти бўйича ягона ва улар бир-бирига боғлиқ (антибактериал, антивирус, антитоксик, гуморал, хужайрали ва ҳ-зо). Иммунитетнинг барча турлари организмнинг ички муҳитини доимо бир мувозанатда сақлашга йўналтирилган.

### **Назорат саволлари:**

1. Бактериал инфексия нима ?
2. Вирусларнинг биосферада тутган ўрни ?
3. Вирусларнинг табиатда тарқалиши ?
4. Ирсий иммунитет ҳақида гапириб беринг.
5. Интерференсия ҳодисаси деганда нимани тушунасиз ?

### **Махсус адабиётлар**

1. Салимов X.C., Қамбаров А.А. Эпизоотология, Дарслик, Тошкент, 2016 й. 560 бет.
2. Парманов М.П. ва бошқ. «Хусусий эпизоотология». Дарслик. Самарқанд, 2010 й.
3. Бакиров Б. ва бошқ. Ҳайвонлар касалликлари. Маълумотнома. Самарқанд. Ф.Насимов X/К. 2019. 552 б.

### **Хорижий адабиётлар**

1. Quinn P.J. Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. Australia. 2013 year.
2. M.Jackson Veterinary clinical pathology. America 2010 year.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. X.C. Салимов, Б. Сайитқулов, И.Х.Салимов. Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли лугат ва маълумотнома.-Т. ТАФАККУР НАСҲИРИЙОТИ”, 2013.
2. Ветеринария медицинаси журнали. Т. 2018-2020.йиллар

## **2-Мавзу: Бир неча тур ҳайвонлар учун умумий бўлган юқумли касалликларнинг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари (2 соат).**

2.1. Куйдирги ва оқсил касаллигининг замонавий диагностикаси ва олдини олиш усуллари.

2.2. Туберкулёз ва брусселлёз касалликларининг замонавий диагностикаси ва фермани ушбу касалликлардан соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш.

2.3. Кампилобактериоз ва трихофития касалликларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари.

**Таянч иборалар:** Куйдирги, Туберкулёз, Бруцеллёз, Кампилобактериоз, Трихофития, ўткир, ваксина, эпизоотик ўчоқ, специфик профилактика, эпизоотик, марварид шодаси, алиментар, трансмиссив, шиддатли, касаллик септисемия, микроб, патоген, антитело, иммунитет, омиллари.

### **2.1. Куйдирги ва оқсил касаллигининг замонавий диагностикаси ва олдини олиш усуллари.**

1. Куйдирги (лот. - Фебрис сарбунсулоса; ингл.- Антхрах; русча - сибирская язва) – ўткир кечувчи ўта хавфли инфексион касаллик бўлиб, септицемия, оғир заҳарланиш ва карбункулалар ҳосил қилиш билан кечади, барча турдаги қишлоқ хўжалик, уй, ёввойи ҳайвонлар касалланади ҳамда у одамларга асосан ҳайвонлар орқали осонгина юқади.

Қўзғатувчиси. Касалликни организмда ва сунъий озуқа муҳитларида капсула, ташқи кислородли муҳитда эса спора ҳосил қилувчи бацилла – Бас. антхрасис қўзғатади. Ўлган, аммо ёрилмаган ҳайвон мурдасида кислород бўлмагани учун спора ҳосил бўлмайди.

Қўзғатувчи катта (3-10 x 1-1,5 мкм), ҳаракақиз, граммусбат, аероб таёқча, гўшт-пептонли агарда (ГПА) 35-37<sup>0</sup>С ва гўшт-пептонли қайнатмада (ГПК) 32-33<sup>0</sup>С яхши ўсади.

ГПКда пробирка тагида пахтага ўхшашиб чўкма, гўшт – пептонли желатинада (елимшак) тепаси пастга қараган арчани эслатувчи ва пенициллин қўшилган ГПА да шар шаклидаги бациллалар бир-бири билан занжирдек бирлашиб, “садафли маржонни” эслатади ва бу ҳодиса куйдирги диагностикасида қўзғатувчига ҳос тест сифатида ишлатилади. Бас. Антхрасис да соматик, қобиқ ва капсула антигенлари мавжуд. Организмда бациллалар екзотоксин, яллиғлантирувчи ва ўлдириувчи моддалар ажратади.

Қўзғатувчининг чидамлилиги. Куйдирги қўзғатувчининг спорасиз вегетатив шакли ташқи муҳит таъсиrlарига нисбатан чидамсиз, 60<sup>0</sup>С гача ҳароратда, кучсиз дезинфекторлар таъсирида 15 дақиқада фаолсизланади. Қайнатиш қўзғатувчини ниҳоятда тез, қуёш нури еса бир неча соатда ўлдиради Пенициллин, биомицин, стрептомицин, левомицитин ва тетрациклин каби антибиотикларга чидамсиз. Куйдирги қўзғатувчининг спорали шакли (*бацилла*) ташқи муҳит таъсиrlарига жуда чидамли.

Тупроқда 80 йил ва ундан күпроқ муддатларда ўзининг касаллик қўзғатиш қобилиятини сақлади.  $100\text{-}110^{\circ}\text{C}$  ҳароратга чидамли, паст ҳарорат, ошқозон шираси унга умуман таъсир этмайди. Чириган ўликда у ўлмайди, сувда йиллар давомида фаол сақланади. Гўшт, терини тузлаш, қуритиш ҳам спорага таъсир этмайди. Кўзғатувчини 3% ли креолин, 5-10%ли ўювчи натрий, 10-20% ли хлорли оҳак, 1 % ли формалдегид 2 соатда,  $120\text{-}140^{\circ}\text{C}$  қуруқ иссиқ 2-3 соатда, қайнатиш 15-30 дақиқада, автоклав  $120^{\circ}\text{C}$  да 5-10 дақиқада фаолсизлантиради. Диагноз. Диагноз куйдиргининг клиник белгилари, эпизоотологик маълумотлар, патологоанатомик ўзгаришларни инобатга олиб, лаборатория текширишлари натижаларига асосланиб қўйилади. Ўлган ҳайвондан патологик намуна олиш учун ветеринария мутахассиси аввало махсус ҳимоя воситаларини (бир марта ишлатиладиган махсус комбензон, у бўлмаса халат, жарроҳлик қўлқоп, кўз ойнак, никоб, резина етик) кийиб, ишлов берадиган дезинфектор билан ерга яқин турган қулоқнинг икки жойидан маҳкам қилиб боғлаб, ўртасидан кесиб олади. Кесиб олинган қулоқнинг кесилган ва ўлган ҳайвонда қолган қулоқнинг кесилган томонлари қон оқмаслиги учун қиздирилган темир билан куйдирилади. Патологик намуна олиш билан бир вақтда ташқи тешиклардан оқкан ёки қулоқ кесилганда чиқкан қондан барча ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда буюм шиша часига бактериоскопия учун суртма тайёрланади ва у соя жойда қуритилади. Патологик намуналар аввал 1-3 % ли карбол кислота шимитилган тоза газлама ёки докага ўралади, кейин пергамент қоғоз, устидан полистилен пленка билан ўралади ва метал контейнерга жойлаштирилади ва махсус стерил идишга солиниб, лабораторияга текшириш учун бир киши орқали, йўлланма хат билан юборилади. Агар мурда ёрилган бўлса, текшириш учун енг муҳим патологик намуна бўлиб талоқ, чўчқа-ларда еса, жароҳатланган жағ ости ва томоқ орти лимфатик тугунлари хизмат қиласиди. Лабораторияга келтирилган суртма фиксация қилингач, Грам, Леффлер Ребигер, Михин усуllibарининг бири билан бўялади ва микроскоп остида текширилади. Бактериологик текшириш учун намунадан МРА, МРБ озуқа муҳитларига экиласиди. Озуқа муҳитда ўсгач, микроскоп остида текширилиб кўрилади ва идентификация қилинади. Бу мақсад учун «К» ВИЕВ, «Грам-МВА», «Бактериофаг» фагларни қўллаш яхши натижада беради. Терилар Асколи (ПР) ёки агарли гелда иммунодиффузия реаксиясида (ИДР) текширилади.

Ажратма диагноз. Куйдиргини қорамолларда қорасон, пастереллёз ва пироплаз-мидозлардан, қўйларда брадзот, энтеротоксемия касалликларидан фарқ қилиш керак. Қорасонда куйдиргидан фарқли ўлароқ, тананинг гўштдор жойларида ғижирлайдиган қатъий чегараланган шиш пайдо бўлади. Пастереллёзда эса тери ости тўқималарида яллигланган шиш бўлади, аммо унда қон қотади ва табиий тешиклардан қон чиқиш кузатилмайди. Пироплазмидозларда эса қондан тайёрланган суртмада паразит кўринади. Барча ҳолатларда комплекс бактериологик текшириш натижаси аниқ якуний диагноз қўйишга ёрдам беради.

**Профилактика.** Куйдиргининг олдини олиш учун асосан унга қарши эмлаш ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун куйдирги бацилласининг 55 штаммидан тайёрланган ваксина билан барча мойил ҳайвонлар (бузоқлар 3 ойлигидан бошлаб 1-марта, 6 ойдан сўнг 2-марта ва барча ёшдаги катта қорамоллар ҳар йили 1 марта 1мл дозада, қўзи, улоқлар 3 ойлигидан бошлаб 1-марта, 6 ойдан сўнг 2-марта ва барча ёшдаги катта қўй-эчкилар ҳар йили 1 марта 0,5 мл дозада ва чўчқалар ҳам 3 ойлигидан бошлаб 1 мл дозада) ва барча ёшдаги катта чўчқалар ҳар йили 1 марта 1 мл дозада тери остига эмланади. Куйдирги бўйича хавфли ҳудудларда ҳар йили режа асосида барча мойил ҳайвонлар семизлиги, физиологик ҳолати ҳисобга олинган ҳолда эмланиши зарур. Ориқ, касал ва гиповитаминос ҳайвонлар куйдиргига қарши эмланмаслиги, бузоқ, қўзи ва чўчқа болалари 3 ойлик бўлган заҳоти эмланиши керак. Эмланган ҳайвонларни 14 кундан сўнг сўйиш мумкин.

Ветеринария мутахассисларининг асосий еътибори куйдирги ўчоқларини ҳисобга олиш, ҳайвонларни сўйишни, айниқса мажбурий сўйишни назорат этишга қаратилиши ва аҳоли ўртасида ушбу касаллик бўйича тушунтириш ишлари олиб бориши зарур. Ўлган ҳайвонлар тезда куйдирилиб йўқотилиши, у ётган жой дезинфексия қилиниши, сўйилган ҳайвон ва унинг маҳсулотлари ветеринария назоратидан ўтиши талаб этилади. Ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотларини ташиб, қайта ишлаш жараёнлари доимо мутахассис назоратида бўлмоғи керак.

Фермалар ўз вақтида гўнгдан тозаланиши ва гўнгни заарсизлантириш, жорий дезинфексия, дезинсексия ва дератизация қилиб туриш ҳамда яйлов, сув ичадиган, ҳайвонлар тўпланадиган жойларни, улар ҳайдаладиган йўлларни тоза сақлаш, фермани атрофини девор билан ўраш унга киришда дезобарер, санитария ўтказгич ташкил қилиш, бегона киши ва ҳайвонларни фермага киритмаслик, барча ходимларни маҳсус кийим-кечак, пояфзал, бет-қўл ювгич, дезинфектор воситалар билан таъминлаш, янги харид қилинган ҳайвонларни куйдирги бўйича соғлом хўжаликдан олиш, уларни 1 ой давомида профилактик назоратда сақлаш, фермага фақат эмланган ҳайвонларни киритиш куйдиргини олдини олишга ёрдам беради.

Қарши курашиш тадбирлари. Ферма, пода, сурув, аҳоли пунктида ёки бошқа корхонада мойил ҳайвонлар орасида ушбу касалликка дастлабки диагноз аниқланиши билан ветеринария мутахассиси дарҳол бу ҳақда туман ветеринария бўлимини ва санитария эпидемиология назорати ходимини хабардор қиласи. Куйдирги касаллигига лабораториявий диагноз ҳайвонлар орасида ферма, сурув ёки аҳоли пунктида аниқланиши билан туман ветеринария бўлими ушбу ҳолат тўғрисида далолатнома ёзди ва шу асосда туман (шаҳар) ҳокими қарори билан ферма, сурув ёки аҳоли пунктига карантин қўйилади. Ўчоқдаги ҳайвонларнинг тана ҳарорати ўлчанади ва ҳайвонлар З гурухга (касал, унга гумон қилинган ва шартли соғлом) бўлинади. Касал ҳайвонлар даволанади, соғломлари ваксина билан эмланади. Соғлом, аммо заарланганига гумон қилинган ҳайвонларнинг сути қайнатилади, касалларидан олинган сут йўқотилади.

Күйдиргига қарши кураш чора-тадбирлар режаси ва фермани соғломлаштириш тадбирлари тасдиқланишида носоғлом ва хавфли ҳудудлар белгиланиши керак. Каратин талаблари бўйича қўйидагилар тақиқланади:

- карантин ҳудудидан ҳайвон, унинг маҳсулотларини (гўшт, сут, ёғ, тери, жун, шох, туёқ), озукалар (хашак, дон), транспорт воситаларини чиқариш ва ушбу ҳудудга юқорида таъкидланганларни ва бегона кишиларни киритиш;
- ҳайвонни сўйиши, ўлган молни ёриш, терисини арчиш, ҳайвонларни гурухга тўплаш ёки алмаштириш, жарроҳлик ишларини амалга ошириш;
- аҳоли пунктида молбозор, кўргазмалар, спорт тадбирлари ташкил этиш;
- умумий жойдан сув ичиш.
- хўжалиқдан гўшт, сут, сут маҳсулотлари, тери, жун, туёқ чиқариш;
- касал ҳайвон сутидан фойдаланиш, гўштга сўйиши.

*Соғломлаштириши тадбирларида* дезобарер ва кечаю кундуз ишлайдиган қоровуллик пости ташкил этилади. Ҳайвон турган бинолар ҳар куни дезинфексия қилинади. Ўлган ҳайвон кўйдирлади. Қолдиқ хашак, гўнг ва бошқа чиқиндилар кўйдирлади. Касалларни парвариш қилиш учун алоҳида одам ажратилади ва у маҳсус ҳимоя кийимлари билан таъминланади. Касал ва касалга гумон қилинган сигир сути қайнатилиб, йўқотилади. Шартли соғлом сигир сути қайнатилгандан сўнг истеъмолга яроқли ҳисобланади. Ҳайвон ўлган жой 10% ли ўювчи натрий билан дезинфексия қилиниб, 15-20 см чуқурликда ковланиб, тупроғи 25% ли фаол хлорли оҳак билан аралаштирилиб, 2 м чуқурликка кўмилади ва усти бетонланиб, «Кўйдирги» белгиси ва сана ёзиб қўйилади. *Каратин* фермадан охирги ўлган ёки тузалган ҳайвондан 15 кун кейин, якуний дезинфексиядан сўнг туман ҳокими қарори билан олинади. У ер туманнинг хўжалик ерларидан фойдаланиш харитасига киритилиши керак. У ерда курилиш, мелиоратив ишлари олиб бориш тақиқланади. Қолдиқ хашак, гўнг ва бошқа чиқиндилар кўйдирлади. Касаллик чиққандан олдинги гўнг, шалтоқ ва бошқа чиқиндилар 10% ли ишқор билан заарсизлантирилади. Дезинфексия учун 10% ли ўювчи натрий, 4% ли формалдегид, 10% ли бир хлорли ёд, 7% ли водород пероксид, 2% ли глютар алдегид қўлланилади. Кўйдирги билан касалланган ҳайвонлар, уларнинг гўшти, териси, сути, жуни ва бошқа чиқиндилари билан алоқадор кишилар 8 кун давомида тиббиёт ходимлари кузатувида бўлади.

**Оқсил касаллиги** (лот. - Апхтае епизоотисае; ингл. - Фоот-анд-Моутҳ дисеасе; русча - яшур) - ўтқир кечувчи, ўта тез тарқалувчи инфексион вирус касаллиги бўлиб, жуфт туёқли уй (қорамол, буйвол, қўй, эчки, чўчқа, туя) ва ёввойи (кийик, буғулар гурухи, ёввойи чўчқалар, архар, оқкуйруқ) ҳайвонлар касалланади ҳамда ҳалқ хўжалигига катта иқтисодий зарап етказади.

Бу хасталик билан жуда ҳам кам бўлсада одамлар, айниқса касал ҳайвон билан алоқада бўлган ветеринария врачи ва фелдшерлари, сут соғувчилар, молбоқарлар ҳамда касаллик вируси билан ишлайдиган ходимлар касалланиши мумкин. А.С.Коротич, А.А.Василченко, А.И.Собко ва муалл., (1974) А.Т.Кравченко ва муалл., (1966) ва бошқаларнинг маълумотларига қўра бу касаллик билан инсон жуда кам касалланади. Ўртacha 1 — 1,5 млн. касалланган ҳайвонлар билан алоқадор 200000 кишидан 1 киши касалланганлиги адабиётларда келтирилган.

**Қўзғатувчиси.** Касаллик қўзғатувчи РНК ли вирус пикорнавириди оиласига, риновирус авлодига мансуб бўлиб, вирионнинг катталиги 20—25 нм. Вируснинг антиген хусусиятлари бўйича 7 тури ва 100 га яқин серовариант-лари мавжуд бўлиб, унинг А, О ва С турлари дунёning барча минтақаларида, САТ-1, САТ-2 ва САТ-3 турлари асосан Африка қитъасида ва Яқин Шарқ мамлакатларида, Азия-1 тури еса асосан Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Европа давлатлари худудида учрайди. Бизнинг минтақамизда вируснинг А, О ва Азия-1 турлари касаллик қўзғатади. Шунинг учун Ўзбекистонда асосан вируснинг А, О ва Азия-1 турларининг айрим варианtlаридан тайёрланган ваксиналар емлаш учун ишлатилади. Вируснинг ҳап бир тури ўзига ҳос иммунитет ҳосил қиласида, шунинг учун ҳар бир тур ва вариант иммунобиологик хусусияти билан бир-биридан фарқ қиласида. Охирги йилларда вируснинг А, О ва Азия-1 турларида жуда кўп янги серовариантлар пайдо бўлмоқда.

Масалан, Азия-1 турининг Шамир 3/89; Амурский-2005; Иран-58/99-2005, Чуй-2002; А<sub>22</sub> нинг Ироқ; Армения -98; О турнинг 01 Маниса/ Турция; Тайван 81/99; Приморский-H1734; Япония/2000; Украина 10/2001; Хитой 2/99; Россия/2000; Монголия /2000; Армения/2000; Қирғизистон/2001; Тожикистон/2001; Афғонистонда 5 та серовариант (Афган/201/2004; Афган 1/2010; Афган 2/2010; Афган 3/2010; Афган 4/2010);; Истроил 7/2007; Иордания /2006; Қозогистон 1/2007; Покистон 10/2006 ва бошка серовариантлари рўйхатга олинган. Касаллик тарқалган жойларда уни қўзғатган вирус сероварианти аниқланиб, ўша серовариант штаммни ваксинага қўшиш талаб этилади.

**Қўзғатувчининг чидамлилиги.** Оқсил касаллиги вируси бошка вирусларга нисбатан чидамли. Ёз пайтлари 20° С иссиқлиқда пичанлар юзасида 11 кун давомида, 37° С да 21 соат, 43°С 7 соат давомида ўз хусусиятини йўқотади. Қиши ойларида ер қатламининг 5 см чуқурлигига 70 кун, куз ойларида 37 кун фаол сақланади. Вирус тузланган ҳайвон терисида 15° С иссиқлиқда 50 кун, 4° С 342 кун, гўнгда 40-50 кун, қиши ойларида 5-6 ой давомида фаол сақланади. Тоғли яйловда келгуси мавсумгача, оқмайдиган сувда совук вақтда 103 кун, ёз куни 21 кун, кузда 49 кун фаол сақланади. Терининг жун қопламасида 50, кийимда 100 ва бино ичида 70 кун сақланади. Вирусининг табиатда узоқ муддат сақланиши касалликнинг тарқалиш хавфини сақлаб туради. Вирус ефирга, хлорформ, спирт ва лизолга чидамли. 65° ли сутда-30 дақиқада, 70° С да 15 дақиқада, 80-100° С да бир неча секундда фаолсизланади.

Гўштда вирус сут кислотаси таъсирида тез ўз фаоллигини йўқотади, аммо тузланган ва дудланган гўштда еса 50 кунгача вирус сақланади. Вирус 2 фоизли формалин ва 1-2 фоизли ўювчи натрий эритмасида 10-30 дақиқа орасида фаолсизланади. 1% ли фенол ва 75% ли спирт уни фаолсизлантира олмайди.

**Диагноз.** Оқсил касаллигига диагноз клиник белгиларга, эпизоотологик маълумотларга, патоморфологик ўзгаришларга ва лабораторияий текшириш натижа-ларига асосланиб қўйилади. Қорамоллар, чўчқа, қўй-эчкиларнинг оғзидағи, туёғи ва елинидаги жароҳатлар, оғзидан сўлак оқиши, озуқани қабул қилиши ва уни қийинчилик билан чайнаши ҳамда оғиз бўшлиғи шиллик пардасидаги афта ва эрозиялар оқсил касаллигига гумон қилишга асос бўлади. Бундан ташқари, ҳайвонларнинг оқсанси, айрим пайтларда туёғининг тушиб кетиши, туёқлар орасида ҳамда елин сўргичларида афталарнинг бўлиши ва уларни бармоқ билан босганда ёрилиб, ичидан лимфа суюқлиги чиқиши оқсил касаллигига клиник диагноз, факат жуфт туёқли ҳайвонларни касалланиши, юқори даражада контакт йўли билан касалликни тарқалиши эса эпизоотологик диагноз қўйишга асос бўлади. Аммо клиник ва эпизоотологик диагноз қўйиш дастлабки диагноз ҳисобланади. Охирги ва ишончли диагноз албатта лабораторияда касал молдан олинган патологик материални ҳар томонлама текшириш натижасига асосан қўйилади.

Биринчидан, оқсил касаллиги сингари ўтувчи бир қанча касалликларни мустасно қилиш, иккинчидан, оқсил касаллигига қарши тўғри чора-тадбиралар кўриш учун албатта касаллик вирусининг қайси тури ва серовариантлари билан қўзғатилганини билиш керак. Оқсил касаллигига клинико-эпизоотологик ва паталогоанатомик усуллар ёрдамида диагноз қўйишнинг яна бир камчилик томони шундаки, кўпинча клиник жиҳатдан оқсилдек кечадиган касалликларни (везикуляр стоматит, везикуляр экзантема, ринотрахеит, вирусли диарея, катарал иситма, айрим моддалар билан заҳарланиш, дағал хашаклар билан оғиз бўшлиғини жароҳатланиши) мустасно қилиш лозим.

Буни лабораторияда вирусологик ва серологик усуллар ёрдамида текшириб аниқласа бўлади. Шунинг учун ҳам патологик материалларни албатта лабораторияда текшириш талаб этилади. Патологик материал учун ҳайвон оғзидағи пуфакчалардан, лимфа суюқлиги, ёрилмаган афталар 8-10 гр микдорида йиғиб олинади ва тенг микдорда pH- 7,5-7,7 бўлган фосфат буфери ва глицерин эритмаси ёки 1:1000 нисбатдаги хинозол эритмаси ёки физиологик эритма солинган стерил идишга солиниб музли термосга ёки махсус контейнерга жойлаштирилади ва зудлик билан йўлланма хат билан мутахассис орқали Республика ўта хавфли касалликларни ўрганиш ёки Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг регионал диагностика лабораториясига юборилади. Касал моллардан вирусли материал олган ветеринария мутахассиси шахсий гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда махсус кийим-кечак, резина этик, анатомик қўлқоп, ниқоб, кўзойнак кийган бўлиши шарт.

Патологик материал солинган термоснинг ташқи қисми оқсил ўчогидан чиқища зарарсиз-лантирилади. Патматериални оқсил ўчогига кирмаган ветеринария мутахассиси лабораторияга олиб боради. Умуман оқсил вируси олинаётганда мутахассис 2 жиҳатга эътибор бериши шарт. Биринчидан, вирус билан мутахассис ўзини, икиинчидан, вирус билан ташқи муҳитни ифлослантирмаслиги ва уни тарқалиб кетишига йўл қўймаслиги лозим. Лабораторияда текшириш натижасида диагноз қўйишнинг самараси кўпгина омилларга, шулардан асосийси қўлланилаётган усулнинг ўта маҳсуслиги ҳамда антиген ва антителоларнинг иммунохимик реаксиялардаги сезирлик даражасига боғлик. Бу еса реаксияда ишлатилган иммунно-диагностикумларнинг фаоллигига боғлик. Серологик реаксиялар ёрдамида касалликка қўйилган клинико-эпизоотологик ва патанатомик диагноз тасдиқланади, вируснинг қайси турга ёки серовариантга мансублиги, унинг эпизоотик аҳамияти, қўлланилган ваксина вируси штаммига эпизоотик штаммни авлодий яқинлиги аниқланилади ва текшириш натижаларига қараб хавфли ҳудуддаги соғлом мойил ҳайвонлар тегишли вирус турлари ва серовариантларидан тайёрланган ваксина билан эмланади.

Ажратма диагноз. Оқсил касаллигини унга ўхшаш клиник белгилар билан кечадиган везикуляр стоматит, чўчқаларнинг везикуляр экзантема, чечак, вирусли диарея, катарал иситма, ўлат касалликларидан ва юқумсиз стоматитдан фарқлаш талаб этилади. Везикуляр стоматит билан қорамоллардан ташқари от, эшаклар ҳам касалланади. 16 – 20 граммли вояга этган оқ сичқонлар везикуляр стоматитга, оқсилга эса сут емадиган ёш сичқон болалари сезир бўлади. Бузилган дағал хашак ейиш натижасида пайдо бўлган оддий везикуляр стоматит, биринчидан, юқумли эмас, иккинчидан, оёғи касалланмайди ва тана ҳарорати кўтариilmайди. Чўчқаларнинг везикуляр касаллиги билан бошқа тур ҳайвонлар касалланмайди. Қорамолларнинг чечак касаллиги фақат елинда бўлади, холос. Вирусли диарея, инфекцион ринотрахеит, ўлат касалликларида туёқлар орасида афта ва эрозиялар кузатилмайди. Профилактика. Мамлакатимизда оқсил касаллигини олдини олиш комплекс чора - тадбирлар тизими ёрдамида олиб борилади. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз чет мамлакатлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон каби давлатлар билан чегарадош бўлгани учун ҳар бир вилоят минтақалари 2 ҳудудга: умумий ва хавфли (буфер - чегарагача 30 км масофа) ҳудудларга бўлинган. Чунки хавфли чегарадош ҳудудларда олиб бориладиган оқсил касаллигига қарши курашиш умумий ҳудудларга нисбатан жиддийроқдир. Бу касалликни олдини олиш тадбирлари умумий ташкилий-хўжалик ва маҳсус тадбирлардан ташкил топади.

*Умумий ташкилий-хўжалик тадбирлари қуидагилардан иборат:*

- касалликни мамлакатимизга келтирмаслик учун шу касаллик бўйича носоғлом давлатлардан умуман бирор-бир ҳайвон, уларни маҳсулотларини харид қиласлик, касал моллар билан алоқада бўлган кишиларни, чет ел фуқароларини, транспорт воситаларини чорвачилик биноларига киритмаслик оқсил касаллигининг олдини олишда муҳим тадбир ҳисобланади;

- чорвачиликда ветеринария-санитария ҳолатини яхшилаб, молхона ва бузоқхоналарни тоза сақлаш, дезинфексия қилиб туриш, ҳайвонларни сифатли озиқлантириш, чорвадорларни маҳсус кийим-кечаклар билан таъминлаш, шахсий гигиенага риоя қилиш оқсил билан касалланишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб етади;

- бозорлардан қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сотиб олаётганда соғлиги тўғрисидаги маълумотноманинг бор-йўқлигига ётибор бериш, ҳар йили 2—3 марта ҳайвонларни ветеринария қўригидан ўтказиш ушбу касалликни олдини олишда жуда муҳим тадбирдир.

- чет мамлакатлар билан чегарадош ҳудудлардаги божхоналарда келтирилаётган барча тур ҳайвонлар, чорва маҳсулотлари (ёғ, сут, гўшт, жун, колбаса, пишлоқ) қайси транспорт воситаси билан (автомобил, поезд, самолёт) олиб келинишидан қатъи назар, ветеринария-санитария қўригидан ўтиши, қайси жойдан келтирилганлиги, ўша хомашё тайёрланган жойнинг шу касаллик бўйича соғломлигини тасдиқловчи хужжатни текшириб ўтказиш лозим. Касалликни олдини олишнинг асосий талабларидан бири хўжаликларга оқсил вирусини кириб келишига йўл қўймасликдир. Шу мақсадда фермаларнинг атрофи девор билан ўралиши, фермага кираверишда дезобарер, маҳсус санитар ўтказгич ташкил этилиши, ферма ҳудудига бегона шахс ва транспорт кириши тақиқланиши, чорвадорлар маҳсус иш кийими ва пояфзал билан таъминланиши шарт. Хўжаликка янги келтирилган моллар 30 кун давомида профилактик карантин даврида алоҳида сақланади ва улар назорат остига олинади;

- чорвачилик фермаларини, аҳолига қарашли жуфт туёқли ҳайвонларни касаллик вирусини кириб келинишидан ҳимоя қилиш мақсадида хавфли буфер (чегарадош) ҳудудлардаги барча хўжалик ва аҳоли пунктларига ветеринария ходимларини беркитиш мақсадга мувофиқдир. Хўжалик ва аҳоли пункти раҳбарлари беркитилган ветеринария мутахассиси билан биргаликда оқсил бўйича носоғлом ҳудуд билан чегарадош яйловларда 10–15 км кенглигда ҳайвонлар ҳайдалмайдиган бўш майдон қолдиради. У ерга ҳатто ушбу касалликка мойил бўлмаган ҳайвон ҳам киритилмаслиги керак. Хавфли ҳудуддаги барча хўжаликлар, корхоналар раҳбарларига ва аҳолига оқсил вируси кириб келиш хавфи ва касалликни олдини олиш бўйича оммавий тушунтириш ишлари олиб борилади;

- жуфт туёқли ёввойи ҳайвонларни сақлайдиган зоопарк ва сиркларга оқсил вируси кириб келишини олдини олиш учун умумий ва маҳсус профилактик тадбирларни ўтказиш талаб этилади.

Ҳап бир фермага кириш жойида дезобарер, бинога киришда дезогилам ташкил қилиш, ходимларни махсус кийим-кечак билан таъминлаш ва бегона кишиларни киритмаслик керак.

*Махсус профилактика.* Айрим ёввойи ҳайвонларда оқсил касаллиги клиник белгиларсиз (латент) ҳолда кечиши шу касаллик бўйича носоғлом давлатлардан вирусни ҳар хил йўллар билан (одамлар, қушлар, ҳашаротлар, ёввойи ҳайвонлар), айниқса ҳаво билан узоқ масофаларга тарқалишини ҳамда Ўзбекистон ўта хавфли ҳудудда жойлашганини назарга олсак, албатта касалликнинг махсус олдини олиш учун хавфли ва соғлом ҳудудлардаги барча мойил жуфт туёкли ҳайвонларни оқсил касаллигига қарши моно- ёки поливалент ваксиналар билан оммавий емлаш талаб этилади.

Оқсил касаллигининг тарқалмаслиги унга қарши ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш ва ўз вақтида молларни профилактик эмланшга боғлиқ. 90-100 фоиз моллар доимий равишда эмланган ҳолда ветеринария-санитария тадбирлари ўз вақтида ўтказилса, касаллик деярли учрамайди. Агар 50-60 фоиз касалликка мойил ҳайвонлар эмланган бўлса, касалликнинг чиқиш хавфи ўрта меъёрда бўлади ва касаллик енгил кечиши мумкин, аммо умуман эмланмаган ҳудудларда касаллик чиқиш хавфи юқори бўлади.

Агар тезкор чора-тадбирлар ўтказилмаса, унинг кечиши Европа мамлакатлари (Буюк Британия, Франсия, Германия) каби ўткир ва оғир шаклда ўтиши мумкин.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, Европа мамлакатларида кейинги 20-30 йил давомида оқсил касаллигига қарши мойил ҳайвонлар умуман профилактик эмланмайди. Шунинг учун ушбу ҳудудларда оқсил касаллиги ўткир ва оғир кечмоқда. У ерларда карантин тадбирлари ўтказилади.

Оқсил пайдо бўлган подадаги касал ва улар билан бирга сақланган соғ ҳайвонлар бутунлай куйдирилиб йўқотилади. Мунтазам равишда эмланмаганлиги ва иммунитет даражасининг турли бўлиши натижасида айрим тур ҳайвонларда, айниқса, сигирларда ва янги туғилган бузоқларда иммунитет даражаси паст бўлади ҳамда касалликнинг олдини олиш учун ўтказилган тадбирларнинг самараси етарли бўлмайди.

Хозирги вақтда ҳамдўстлик мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳайвонларнинг оқсил касаллигига қарши емлаш учун қуидаги културал ваксиналар ишлатилмоқда.

1. Оқсил касаллигига қарши тил епителиясида кўпайтирилган вируснинг A ва O турларидан тайёрланган моно-ва бивалент ваксина. Иммунитет давомийлиги 6 ойгача.

2. Оқсил касаллигига қарши хужайра културасида кўпайтирилган вируснинг A, O ва Азия-1 турларидан тайёрланган моно- ва поливалент ваксина. Иммунитет давомийлиги 6 ойгача.

3. Оқсил касаллигига қарши хужайра културасида кўпайтирилган вируснинг A, O ва Азия-1 турларидан тайёрланган моно- ва поливалент универсал ваксина. Иммунитет давомийлиги 12 ойгача.

4. Оқсил касаллигига қарши вируснинг A, O ва Азия-1 турларидан тайёрланган чўчқаларни эмлаш учун моно- ва поливалент эмулсиян ваксина.

Мазкур ваксиналар ишлаб чиқаришда синовдан ўтган ва уларни қўллаш бўйича “Қўлланма”га асосан ишлатилади. Эмланган ҳайвонлар организмида иммунитетнинг мустаҳкамлиги ва давомийлиги ваксинанинг сифатига боғлик. Шу сабабли, оқсилга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида эмланган ҳайвонлардан танлаб олинган қон зардобини текшириш зарур. Бунда эмлашдан сўнг турли муддатларда олинган қоннинг зардолари серологик усуслар (ИФТ) ёрдамида текширилади. Реаксия натижаси вирусларни фаолсизлантирувчи антителоларнинг оқсилга қарши чидамлилигини аниқловчи кўрсаткич бўлиб, иммунитет мустаҳкамлигини баҳолашда асосий омил бўлиб хизмат қиласди. Иммунитет даражаси паст ҳайвонлар ваксина билан қайта эмланиши шарт.

Қорамоллар, қўй, эчки ва чўчқаларни зудлик билан оқсил касаллигидан ҳимоя қилиш мақсадида оқсил вирусининг А, О ва Азия-1 турларидан тайёрланган поливалент универсал ваксинадан фойдаланиш иқтисодий самарали ва эпизоотик соғлом ҳолатни барқарорлаштирадиган бирдан-бир тўғри йўлдир. Оқсил касаллигига қарши универсал ваксинанинг А, О ва Азия-1 вирус турларидан тайёрланган оддий поливалент ваксинадан бир қанча *афзаликлари* мавжуд. Биринчидан, *универсал ваксина* билан эмланганда иммунитет 3 кунда пайдо бўлиб, 7–14 кун ичида тўлигича ҳосил бўлади. Оддий А, О ва Азия-1 турларидан тайёрланган ваксина юборилганда еса 7–14 кун ўтгандан сўнг иммунитет пайдо бўла бошлайди, 30 кун ичида иммунитет тўлигича ҳосил бўлади.

Иккинчидан, универсал ваксинадан сўнг иммунитет ёш ва катта ёшдаги жуфт туёқли ҳайвонларда 12 ой бўлса, оддий ваксина билан эмланганда ёш молларда бу кўрсаткич 3–4 ойни, катта молларда еса 5–6 ойни ташкил етади. Учинчидан, универсал ваксинани сақланиш муддати 2 йил бўлса, оддий ваксина бир йилдан сўнг қўллашга яроқсиз бўлади. Универсал ваксина қорамол, қўй, эчки ва чўчқаларга 0,5–1 мл миқдорда юборилса, оддий ваксина ҳайвонларнинг турига қараб 1–2 мл гача юборилади. Оддий ваксина билан эмланган ҳайвонларда иммунитет самарадорлиги бир мартадан сўнг 70–90 %, қайта эмлангандан сўнг 80—100 % ни ташкил еча, универсал ваксина билан бир марта эмланади ва самарадорлиги 100 %. Оқсил вирусининг А, О ва Азия-1 турларидан тайёрланган оддий ваксина билан чўчқаларни емлаб бўлмайди, уларни эмлаш учун алоҳида эмулсиян ваксина ишлатилади. Универсал ваксина билан ҳамма турдаги жуфт туёқли ҳайвонларни, шу жумладан, чўчқаларни ҳам эмлаш мумкин. Универсал ваксинанинг бир яна афзалилиги шундаки, унинг таркибида вируснинг керакли серологик турларидан (А, О, Азия-1 ва бошқ.) солиб, ҳар хил вариантили поливалент ваксина тайёрлаш мумкин. Қарши курашиш чоралари. Оқсил касаллигига диагноз ҳайвонлар орасида ферма, сурув ёки аҳоли пунктида аниқланиши билан ветеринария мутахассиси дарҳол бу хақда туман ветеринария бўлимини ва хабардор қиласди. Ўз навбатида туман бош ветеринария врачи дарҳол ҳокимият, вилоят ветеринария бошқармасини, чегарадош туманлар ветеринария врачларини, туман давлат санитария-эпидемиология назорати ходимини (ДСЕН) хабардор етади.

Касалликка лабораториявий диагноз қўйилгандан сўнг бу ҳақда туман ветеринария бошлиғи томонидан далолатнома ёзилиб, ҳоким қарори билан ферма, сурув ёки аҳоли пунктига *карантин* қўйилади. Фермадаги ҳайвонларнинг тана ҳарорати ўлчанади ва ҳайвонлар З гурухга (касал, унга гумон қилинган ва шартли соғлом) бўлинади. Касал ҳайвонлар даволанади, соғломлари ваксина билан эмланади. Қаровуллик пости ташкил этилади. Ҳайвонга қараш, соғиш, даволаш ишлари учун алоҳида кишилар ажратилади ва қоровуллик пости олдида “Карантин” белгиси ўрнатилади. Фермани, аҳоли пунктини ушбу касалликдан соғломлаштириш бўйича комплекс тадбирлар режаси тузилади ва унда носоғлом ва хавфли худуд чегаралари белгиланади. Режада барча қилиниши шарт бўлган тадбирлар, уларни бажариш муддатлари ва маъсул кишилар ўз аксини топади ва режа фавқулодда вазият комисиясида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Оқсил касаллигини бартараф этиш ва ўчоқда карантин тадбирлари ўтказиш штаби ташкил қилинади. Зарурат бўлса, касалликнинг тарқалишига қараб, бир неча туман, вилоят, аэропорт, темир йўл стансиясига карантин қўйиш мумкин.

*Карантин шартлари бўйича қўйидагилар таъқиқланади:*

- карантин ҳудудига (ферма) барча тур ҳайвонлар, паррандалар ва уларнинг маҳсулотларини (гўшт, сут, ёғ, тери, жун, шох, туёқ, тухум, пат ва ҳ.к.), озуқалар, транспорт воситалари, уруғ, фермага алоқаси йўқ бегона кишиларни кириши ва чиқиши;
- ҳайвонларни гўштга сўйиш, гўштини хом ҳолда фермадан чиқариш ва ҳайвон гурухларини ветеринария мутахассисининг рухсатисиз аралаштириш;
- аҳоли пунктида молбозор, кўргазма, спорт тадбирлари ташкил этиш;
- сут, тери, жун, озуқ ва деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда чиқариш;
- носоғлом пунктдан заарсизлантирилмаган сут ва сут маҳсулотлари ҳамда транспорт чиқариш.

*Соғломлаштириши ишлари қўйидаги тадбирлардан ташкил топади:*

- оқсил вируси турларини ва серовариантларини аниқлаш учун касал ҳайвонлардан патологик материал олиш ва лабораторияга жўнаташ;
- ўчоқда туриб ишлайдиган ходимларни этарли даражада маҳсус кийим-кечак, никоб, пояфзал, қўлқоп, совун, сочиқ ва бошқа ҳимоя, транспорт ҳамда дезинфекцияловчи воситалар, озиқ-овқат, дори-дармон, қўшимча транспорт, ёнилғи билан таъминлаш ва уларни санитария ишловисиз чиқармаслик;
- ҳокимият қарори билан қаровуллик постларига, карантин тадбирларини ўтказишга ички ишлар ходимлари жалб этилади;
- барча тур ҳайвонлар, шу жумладан итлар ҳам бойлаб боқилади;
- ўлик ҳайвонлар, ташланган ҳомилалар йўқотилади, сут ёғ, ёки  $85^{\circ}\text{C}$  да пастеризация қилинади ё қайнатилади;
- касал ҳайвон турган бино ҳар куни, шартли соғлом ҳайвонлар турган бинолар ҳар хафта дезинфекция қилинади;
- ажратилган шартли соғлом ҳайвонлар ваксинация қилинади;

- ҳар куни гўнг тозаланади ва биотермик заарсизлантирилади ёки қолган хашаклар билан куйдирилади;

Карантин фермадан охирги сўйилган ёки тузалган ҳайвондан 21 кун кейин, якуний дезинфексиядан сўнг туман ветеринария бўлими бошлиғининг далолатномаси асосида ҳоким қарори билан олинади. Буқалар тузалгандан 30 кун кейин олинган уруғдан оқсилга қарши вакцинация қилиб туриладиган фермада фойдаланиш мумкин. Оқсил чиққан ҳудудда 2 йил давомида ушбу вирус тури ва серовариантларига қарши вакцинация қилинади.

## **2.2. Туберкулёз ва брусселлёз касалликларининг замонавий диагностикаси ва фермани ушбу касалликлардан соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш.**

**Туберкулёз** (лот., ингл. - Туберсулосис; ўзб. - сил) - сурункали кечадиган инфексион касаллик бўлиб, қишлоқ ҳўжалик, ёввойи, мўйнали ҳайвонлар ва паррандалариинг ички аъзо ва тўқималарида маҳсус тугунлар - туберкулалар пайдо бўлиши билан характерланади, улар творогсимон парчаланишга мойил. Сил одамлар орасида ҳам кўп тарқалган касалликдир.

Қўзғатувчиси. Касаллик қўзғатувчиси микобактериялар авлодига мансуб бўлиб, унинг уч тури мавжуд: *Мисобактериум туберсулосис* одамларда, *Мисобактериум бовис* қорамолларда ва *Мисобактериум авиум* паррандаларда сил касаллигини қўзғатади. Уларнинг морфологик ва културал хусусиятлари бир-бирига ўхшаш; юпқа, тўғри кўпроқ букилган таёқча, узунлиги 0,8-5,5 мкм, суртмада алоҳида ёки гуруҳ бўлиб кўринади. Табиатда юқорида таъкидланган туберкулёз қўзғатувчиларидан ташқари, шартли патоген ва атипик микобактериялар мавжуд, организмда улар бўлса, сут эмизувчилар учун ППД –туберкулин юборилган ҳайвонлар ижобий реаксия кўрсатади ва касалликка диагноз қўйишни қийинлаштиради. Сил микобактериясининг бошқа микроорганизмлардан фарқи шундаки, у ишқор, кислота ва спиртга чидамли. Бу микроорганизм оддий бўлиниш усули билан кўпаяди.

Қобиғида ёғли мум моддаси мавжуд, протоплазмаси доначали бўлади. Микобактерия – аероб, ҳаракациз, спора ва капсула ҳосил қилмайди, кислота ва спиртга чидамли, Сил-Нилсон усулида тўқ қизил рангга, бошқа бактериялар кўк рангга бўялади. Микобактерияни ўстириш учун глицеринли ГПҚ, ГПА, картофел, тухум ва сунъий муҳитлар ишлатилади. Култура жуда секин ўсади: Микобактериянинг туберкулозис тури - 20-30 кун; *бовис* тури - 20-60 кун, *авиум* тури еса 11-15 кун давомида ўсади. Ўсиш қўзатилмаса, уни 3 ой термостатда сақлаш зарур. Сил таёқчаси глицерин қўшилган сунъий муҳитда яхши ўсади. Лаборатория шароитида микобактерияларни ўстириш учун Петранъяни, Любенау, Левенштейн сунъий муҳитлари, Дюбо суюқ муҳити тавсия этилади. Қорамол ва бошқа ҳайвон турларида қайси микобактерия тури сил касаллигини қўзғатганлигини билиш учун касал ҳайвондан олинган патологик материал билан денгиз чўчқачаси, қуён ва товуқ заарлантирилади.

Одамларда касаллик қўзғатадиган микобактериянинг *туберкулозис* тури денгиз чўчқачасида тарқалган туберкулёзни, қуёнда маҳаллий силга хос жароҳатни келтириб чиқаради, аммо товуқда ҳеч қандай патологик жараён қўзғатмайди. Қорамолларда касаллик қўзғатадиган микобактериянинг *бовис* тури денгиз чўчқачасида ва қуёнда тарқалган туберкулёзни келтириб чиқаради, аммо товуқда ҳеч қандай патологик жараён кузатилмайди. Паррандаларда касаллик қўзғатадиган микобактериянинг *авиум* тури денгиз чўчқачасида ҳеч қандай патологик жараён қўзғатмайди, аммо қуёнда туберкулёзли сепсис ва камроқ ҳолатда маҳаллий силга хос жароҳатни келтириб чиқаради, товуқда тарқалган туберкулёзни ёки маҳаллий силга хос жароҳатни қўзғатади. Микобактериянинг туберкулозис турига одам жуда сезгир, қорамол, қўй-эчки, чўчқа, ит, мушук, мўйнали ҳайвонлар мойил, аммо парранда касалланмайди. Микобактериянинг *бовис* турига барча тур қишлоқ хўжалик, ёввойи ва мўйнали ҳайвонлар сезгир бўлиб, паррандалар касалланмайди.

Ушбу тур билан қуён, денгиз чўчқачаси, оқ сичқон, оғмахонлар тез касалланади. Бу микроорганизм қўй, эчки, чўчқа, мушук ва одамлар учун камроқ вирулентлидир. Паррандалар микобактерияси уй ва ёввойи паррандалар ҳамда қуён ва чўчқаларга кўпроқ вирулентли, денгиз чўчқачаси, қорамоллар, одамлар касалланмайди.

Қорамоллар ва одамларда туберкулёз чақирадиган микобактериянинг *туберкуло-зис* тури тез-тез учраб, бунда одам касаллик қўзғатувчи манба бўлиб ҳисобланади. Қўзғатувчининг чидамлилиги. Сил касаллигининг қўзғатувчилари ташқи муҳит шароитига юқори бардошли бактериялардан ҳисобланади, чунки унинг таркибида ёғ, мум моддалари мавжуд. Гўнгда 7 ой, қуриган сигир тезагида 1 йил, тупроқда 2 йилдан зиёд, дарё сувида 2 ой, музлаган гўштда 1 йилгача, тузланган гўштда 45-60 кун, ёғда 45 кун, пишлокда 45-100 кунгача, сутда 10 кун ўз фаоллигини сақлайди. Яйловда – бутун ёз даврида фаол сақланади. Соғломлаштирилган ферма худудида микобактериялар 20-25 йилгача яшаси мумкин деган маълумотлар ҳам мавжуд. Сут 70 градус иситилса - 10 дақиқада, қайнатилса 3-5 дақиқада фаолсизланади. 3% ли формалдегид, 5% ли фаол хлорли оҳак, 10% бир хлорли ёд эритмаси 1 соатда фаолсизлантиради. 20% ли фаол хлорли оҳак билан (1 соат оралиқда) 3 марта оқланса, яхши самара беради. Я. Р Коваленконинг (1977) берган маълумотига қараганда қорамолларга мансуб сил таёқчаси тупроқ ва гўнгда 4 йилгача, паррандаларнинг сил таёқчаси еса 10 йилга қадар яшай олар екан. Қуёшнинг тик тушган нури микобактерияни 4-5 соат ичида ўлдиради. Бу айниқса, бизнинг шароитимизда, ёз ойларида санация ўтказишда ҳисобга олиниши зарур. Бактерия касал ҳайвоннинг ўпка шилимшиқ моддаси таркибида 30-49 кун, балғамда еса 5-6 ойгача яшайди. Сил касаллигининг қўзғатувчиси нам, зах, яхши ёритилмаган молхоналарда жуда узоқ муддат сақланади. В.И. Ротов ва бошқалар (1978) лиофилизация (куритилган) муҳитида бактерия 8 ойдан 36 ойгача сақланишини исботладилар.

Ҳар хил муаллифларнинг таъкидлашича, бактерия хўл мухитда  $50^{\circ}\text{C}$  да 12 соатда,  $60^{\circ}\text{C}$  да бир соатда,  $70^{\circ}\text{C}$  да 10 дақиқада,  $100^{\circ}\text{C}$  да еса дарҳол ҳалок бўлади. М. А. Сафиннинг таъкидлашича, мойлик даражаси 5% дан юқори бўлган сутларни  $100^{\circ}\text{C}$  да 15 дақиқа қайнатиш мақсадга мувофиқ. Қўзғатувчи ҳайвон организмига тушгач, парааллергия реаксиясини намоён қиласди.

**Диагноз.** Сил касаллигига диагноз қўйиш учун унинг эпизоотологияси, клиник белгиси ва кечиши, патологоанатомик ўзгаришлар ўрганилиб, лабораториявий текшириш усуслари ( бактериологик, гистологик, аллергик ва серологик) қўлланилади. Ҳайвоннинг тириклигига сил касаллиги асосан аллергик текшириш усули билан аниқланади. Сил касаллигини аниқлаш учун қуидаги аллергенлар ишлатилади: отдан ташқари бошқа тур ҳайвонларда 2 ойликдан бошлаб, *сут емизувчилар* учун қуруқ тозаланган ППД-туберкулин 0,2 мл бўйин териси ичига юборилади ва натижаси 72 соатдан кейин штангел-серкул ёки кутиметр билан ўлчанади. Қорамол, тuya ва буғуларда аллерген юборилган жойдаги шиш ўлчами билан шунга ўхшаш тери бурмаси ўлчамининг фарқи 3мм ва ундан юқори, ҳўқизларда (аллерген дум ости бурмасига юборилади) 2 мм ва ундан юқори бўлса, аллергик текшириш натижаси ижобий мусбат (+) ҳисобланади.

Қўй, чўчқа, ит, маймун ва мўйнали ҳайвонларда текшириш натижаси 48 соатдан, паррандаларда 30-36 соатдан кейин баҳоланади. Текшириш натижасида аллерген юборилган жойда шиш аниқланса, ижобий натижа деб ҳисобланади. Аллерген қорамол бўйин терисига, чўчқа қулоқ асосига, парранда сирғасига юборилади. Қўй, эчки, ит, маймун, қоракузандан бошқа мўйнали ҳайвонларга туберкулин соннинг ички юзаси терисига, қоракузаннинг юқори қошига, тuya чатани қисмининг корин терисига юборилади. *Паррандалар* учун қуруқ тозаланган туберкулин (ППД-протеин турифиед дериват) туберкулёзни аллергик диагностикасида ишлатилади.

*Алттуберкулин* микобактериянинг қорамоллар тури ўстирилган ва ўлдирилган булон култураси филтратидан тайёрланади. У чўчқа ва маймундан бошқа барча тур ҳайвонларда туберкулёзни аллергик диагностикасида ишлатилади. Аллергик реаксия жуда сезгир ва ўта маҳсус. У организмнинг иммунологик реактивлигига ва туберкулинга сезгирлигига боғлик. Ориқ, тўқ бўғоз, қари ва организм бўйича *тарқалган туберкулёзда* реаксия кучсиз ёки *анергия* бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда паррандалар паратуберкулёз микобактериялари ёки атипик микобактериялар билан сенсибилизация бўлса, номахсус реаксия бериши мумкин. Аммо, бу реаксия мустаҳкам емас, бир неча ойда йўқолади. Ажратма диагноз учун симмултан синов ёки атипик микобактериялар билан (комплекс аллерген билан) КАМ реаксия қўйилади. Диагноз қўйишда эпизоотологик маълумотлар: янги келган моллар, уларни профилактик карантин давридаги текшириш натижалари, ҳисоб-китоб ишлари, янги туғилган бузоклар инобатга олинади. Отларда *офтальмосинов*, айрим ҳолларда қорамолларда ҳам тери ичига юбориш билан бирга 5-6 кун оралиқ билан, 2 марта кўз пипеткаси билан пастки қовоқ конъюнктивасига 3-5 томчи аллерген юборилади.

Натижа биринчи юборилгандан 6, 9,12 ва 24 соатдан ва иккинчи юборилгандан 3, 6, 9,12 кейин қаралади. Кўзнинг ички бурчагидан йириングли шиллик ёки йиринг ажралса, конъюнктива қизариб, шишса, реаксия ижобий (мусбат) + ҳисобланади.

Профилактика. Янги ҳайвон ёки паррандаларни фақат ушбу касаллик бўйича соғлом хўжалик ва фермалардан харид қилиш зарур. Туберкулёз бўйича соғлом пунктдан келтирилган молларни 30 кунлик профилактик карантинда сақлаш ва бу даврда ушбу касалликка аллергик текшириш талаб этилади. Касалликнинг олдини олиш учун мўйнали ҳайвонлар (м: қоракузан) 20-30 кунлигига туберкулёзга қарши тиббиётда ишлатиладиган БСЖ ваксинаси билан эмланади. Уларда иммунитет 6-8 ой давом этади. Қорамол фермаси ичида подалар гурухини ўзгартириш, алмаштириш, биридан иккинчисига ўтказиш қатъиян ман этилади. Четдан келтирилган моллар фақат ветеринария гувоҳномаси билан профилактик карантиндан сўнг фермага киргизилади. Ферманинг ветеринария-санитария ҳолати талаб даражасида бўлиши, молларни асраш, боқиши ва молхоналар шароити зоогигиена талаблари асосида амалга оширилиши лозим.

Хўжаликлардаги соғлом 2 ойликдан катта бузоқлар ва сигирлар йилига бир марта, агар зотли мол етиштирадиган ёки болалар боғчасини, касалхона, санатория ва дам олиш корхоналарини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлайдиган ҳамда ушбу касаллик бўйича носоғлом чегарадош фермалар мавжуд бўлса, йилда икки марта режа асосида туберкулёзга аллергик усулда текширилади. Ушбу хўжаликлар худудида жойлашган аҳоли пункти қорамоллари йилига бир марта аллергик кўрикдан ўтказилади. Отлар ва қўй-эчкилар хўжаликнинг эпизоотологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда 1 марта, ҳамма ёшдаги она чўчқалар хўжаликда йилига бир марта аллергик текширилади.

Инкубация хўжаликлари учун тухум берадиган зотли репродукторлар йилига бир марта текширилади. Саноат паррандачилик хўжаликлирида 10 фоиз паррандалар аллерген билан текшириб кўрилади. Жўжалар олти ойликдан бошлаб аллергик текширилади. Ферма ёпиқ ҳолатда бўлиб, унга фақат унга алоқадор кишиларгина кириши лозим. Ферма ходимлари ҳар илини тиббий муассасаларда кўрикдан ўтиб туришлари зарур. Туберкулёз билан касалланган кишиларни фермада ушбу касалга мойил ҳайвонлар ва паррандалар билан ишлашига йўл қўйилмайди. Ҳайвонлар учун озуқа, шу жумладан омухта емни фақат сил бўйича соғлом хўжаликдан олиш мумкин.

Фермага киришда дезобарер, бинога-дезогилам, вет.объектни бўлиши, мунтазам жорий дезинфексия, дератизация, дезинсексия тадбирларини ўтказиш, ходимларни маҳсус ҳимоя воситалари билан таъминлаш; бўғоз ҳайвонлардан бола олишда ветеринария-санитария қоидаларига қаттиқ риоя қилиш ва ёзда ҳайвонларни, айниқса, ёш бузоқларни ва бўғоз сигирларни яйраш майдонларида сақлашни ташкил етиш, уларни тўйимли озуқалар билан боқиши, ҳайвон организмининг резистентлигини оширувчи тадбирларга аҳамият бериш, фермага бошқа ҳайвонларни, бегона кишиларни киргизмаслик тадбирларини бажариш туберкулёзни олдини олишга ёрдам беради.

Қарши курашиш чоралари. Патологоанатомик текширишда ҳайвон ички аъзолари ва лимфа тугунларида туберкулётзга хос ўзгаришлар кузатилса, ёки бу ҳолат бўлмаса-ю, бироқ бактериологик, гистологик ва биосинов асосида диагноз аниқланган бўлса, хўжалик (ферма) туман ветеринария бўлими бошлиғи далолатномаси асосида ҳоким қарори билан носоғлом деб эмлан қилинади ва унга *карантин* қўйилади. Аллергик, бактериологик ёки гистологик текшириш асосида аниқланган касал моллар ажратилиб, 15 кун орасида гўштга топширилади.

Карантин талаблари бўйича фермадан мол сотиш ёки сотиб олиш, ҳайвонлар гурӯхини алмаштириш ва аралаштириш, касал моллардан насл олиш ва сигир, ғунажинларни қочириш ман этилади. Сут соғиши аппаратлари ва идишлари ҳар куни қайнок сувда ювилиб дезинфексия қилинади. Дезинфексия 0,5% ли дезмол эритмаси билан 5 дақиқа давомида амалга оширилади.

Хўжаликни (ферма) ушбу касалликдан соғломлаштириш тадбирлари режаси ишлаб чиқилади ва у фавқулодда вазият комиссиясида ёки туман ҳокими йиғилишида тасдиқланади. Фермани ушбу касалликдан соғломлаштириш учун бирданига 2 марта ферма бўйича салбий натижка олгунча ҳар 30-45 кунда аллергик текширилади, кейин яна профилактик назорат даврида 3 ой муддат билан 2 марта текширилади. Агар барча текширишларда (2 марта 1 ойлик ва 2 марта 3 ойлик оралиқ билан) манфий натижка олинса, фермадаги қорамоллар туберкулётз бўйича соғлом деб ҳисобланади.

Касал сигирларнинг бузоқлари семиртирилиб гўштга топширилади. Клиник туберкулётз сути 10 мин қайнатилиб семиртирилаётган ҳайвонларга, фақат ижобий натижали сигирлар сути семиртирилаётган ҳайвонларга берилади ёки куйдирилган ёғ қилинади. Соғломлаштирилаётган сигир сути  $90^{\circ}\text{C}$  5 дақиқа ёки  $85^{\circ}\text{C}$  да 30 дақиқа пастеризация ёки у бўлмаса қайнатилади. Шартли соғлом сигир бузоқлари алоҳида сақланади, соғлом сигир сутлари билан парвариш қилинади ва 2 ойлигига аллергик текширилади. Ижобий реаксия берганлари гўштга, қолганлари ҳар 30-45 кунда, 2 марта манфий натижка олгунча, кейин ҳар 3 ойда аллергик текширилади. Гурух бўйича 2 марта манфий натижка олинса, соғлом деб ҳисобланади. Улар фақат хўжаликда ишлатилади.

Хўжаликни (ферма) Ветеринария илмий-тадқиқот институти тавсияси бўйича (Г.Х. Мамадуллаев, 2012) тезроқ соғломлаштириш учун ЕТИС -2 (изониазид, стрептомицин, димедрол, тетравит) препаратидан фойдаланиш мумкин. Бу усул қуйидагича амалга оширилади. Тери остига 18-20 мл ушбу препарат юборилади ва 30 кун сақланади. Препарат носоғлом ва шартли соғлом ферма молларини касалликдан муҳофаза этишда ишлатилади. 10 кунлик бузоқларни туберкулётздан ҳимоя этишда қўлланилади. Қўллашдан олдин фермадаги барча қорамоллар текширилади ва туберкулётзга ижобий (+) натижка олинган ҳайвонлар ажратилади, қолган шартли молларга препарат юқорида таъкидланган дозада юборилади.

Препарат 20 кунлик оралиқ билан 6 марта юборилади. 1-, 2 -, 4- ва 5- юбориш бўйинга, 3- ва 6- юбориш тўш териси остига юборилади. Эпизоотик вазиятга қараб, кейин ҳар ойда 1 марта юборилади. 2 марта салбий манфий (-) натижа олинса, 6 ойлик профилактик назоратга қўйилади ва бу давр давомида 2 марта аллергик текширилади. Ҳайвонлар тўйимли озуқа билан боқилади, ферманинг ветеринария – санитария ҳолати яхшиланади ва мунтазам дезинфексия ўтказилади. Ушбу тадбирлар ўз вақтида ўтказилса, фермалар тез муддатда соғломлаштирилади. Носоғлом хўжаликдан карантинни олиш учун барча ҳайвонлар туберкулёзга аллергик текширилади, пода бўйича 2 марта 1 ой ва яна 2 марта 3 ойлик оралиқ билан жами 4 марта аллергик манфий натижа олинса ҳамда якуний дезинфексия тадбирларидан сўнг, туман ветеринария бўлими бошлиғи далолатномаси асосида ҳоким қарори билан *карантин* олинади.

Парранда фермаларида барча касал ва нимжон товуқлар гўштга топширилади, қолганлари тухум олгандан кейин гўштга юборилади. Ушбу тухумлар фақат нон комбинатига булка нон учун ишлатилади. Касаллик қайд қилинган паррандачилик фермаларидан жўжа очириш учун тухум олиб чиқишига руҳсат берилмайди. Аллергик ижобий натижа (+) берган чўчқалар семиртирилиб гўштга топширилади, қолганлари 2 ойликдан бошлаб ҳар 30-45 кунда аллергик текширилади. 2 марта манфий натижа олинса, ферма соғлом ҳисобланади. Аллергик ижобий натижа (+) берган *отлар* ажратилади, 45-50 кундан қайта аллергик текширилади, агар ижобий реаксия (+) аниқланса, улар гўштга топширилади, қолганлари ҳар 45-60 кунда аллергик текширилади, то 1 марта гурӯҳ бўйича манфий натижа олингунча. Агар гурӯҳ бўйича барча отларда манфий (-) реаксия аниқланса, улар туберкулёз бўйича соғлом ҳисобланади. Барча тур ҳайвонларда, охирги текширишда туберкулёзга ижобий реаксия қайд қилинса, соғломлаштириш яна қайтадан юқорида таъкидланган схемада амалга оширилади.

Агар сил касаллигининг айрим белгилари намоён бўладиган бўлса, ветеринария врачи дарҳол уни аниқлашга киришиши зарур. Яйлов шароитида ҳам силга чалинган молларни соғлом моллар билан ёнма-ён боқиши катъиян ман эталади. Дезинфексия учун 5% ли фаол хлорли оҳакнинг эритмаси, 1 % ли глутар алдегиднинг сувдаги эритмаси, 2% ли метафор, 5% ли натрий фенолят, 3% ли ишқорли креолин ишлатилади. Ёпиқ хоналарда еса аерозол усулида дезинфексия ўтказиш мумкин. Бунинг учун 38-40% ли формалдегид  $40 \text{ мл}/\text{м}^3$  ҳисобида ишлатилади. Тупроқ қатлами ишқорли формальдегид билан заарсизлантирилади (10,0 формалдегид, 5 мг хлорли оҳак  $1\text{м}^2$  юза учун). Гўнг 2 йил мобайнида биотермик усул билан заарсизлантирилади. Фермадаги суюқ ахлатлар  $1 \text{ м}^3$  суюқ массага 30 кг аммиак қўшиб, 5 кун ичида заарсизлантирилади. Шулар билан бир қаторда дезинсексия ва дератизация тадбирлари ҳам ўтказилади.

**Бруцеллёз** (лот., ингл. Бруслосис) - сурункали кечувчи инфексион касаллик бўлиб, ҳайвонларда кўпроқ ҳолатларда ҳомила ташлаш, йўлдош ушланиб қолиш, эндометрит, қайта туғиш фаолиятининг бузилиши билан намоён бўлади.

Қўзғатувчиси. Бруцеллёз касаллигининг қузғатувчиси Вируселла авлодига мансуб бўлиб, унинг 6 та тури мавжуд. Касалликни қорамолларда Бр.абортус, қўй-эчклиларда Бр. мелитенсис, қўчқорлар эпидидимитида Бр. овис, чучқаларда Бр. суис, итларда Бр. санис, каламушларда Бр. неотомае қўзғатади. Одамлар учун Бр. мелитенсис тури жуда хавфли.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва кемирувчилардан ажратилган култураларниниг 31% ни Бр.абортус ва унинг 9 та биоварианти, 64% ни Бр. мелитенсис ва унинг 3 та биоварианти, 2% ни Бр. суис ва унинг 4 та биоварианти, 1,2% ни Бр. санис ва унинг 1та биоварианти, 1% ни Бр. овис ва унинг 1та биоварианти ва 0,8% ни Бр. неотомае ва унинг 1 та биоварианти ташкил этади.

Br.абортус даги 9 та биовариантдан 1, 2, 6 ва 7 вирулентли ҳисобланади. Бр. мелитенсис даги 3 та биовариантдан 1- чиси - 71%, 2- чиси 4,5% ва 3- биовар 20,6% учрайди. 1- биовар вирулентли, 3- си жуда вирулентли.

Ўзбекистонда Бр. мелитенсис нинг 1- ва 3 биоварлари Фарғона вилоятидан ташқари ҳамма жойда бор. Шу сабабли Фарғона вилоятида бруцелез кам.

Br. мелитенсис кўп ҳолларда Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпигстон Республикаси худудларида майда ва йирик шохли ҳайвонлар орасида айланиб юради, шунинг учун ушбу худудларда касаллик кенг тарқалган ва эпизоотик, пидемиологик вазият мураккаб. Айрим биотурлар бир-биридан биокимёвий ва антигенлик хусусиятлари билан ажралиб туради

Бруцеллёзниң аралаш ўчоғида бир вақтнинг ўзида ҳам Бр. мелитенсис ҳам Бр. абортус учрайди. Бруцеллёз шаҳарда 30-35%, қишлоқда 70-75%, аммо Тошкент, Сирдарё, Жиззахда аксинча, 2 баробар кўп. Касаллик 70,9% ҳолатда майда шохли ҳайвонлар билан контактда бўлганда, 73,7% ҳолатда йирик шохли ҳайвонлардан алиментар, 45% ҳолатда майда ва йирик шохли ҳайвонлардан алиментар йўл билан ёки kontaktда бўлганда юқади.

Барча бруцелла турлари морфологик жиҳатдан бир-биридан унчалик фарқ қилмайди, уларнинг полиморф, коккисимон, овоид ва таёқча шакллари мавжуд ( $0,6-1,5 \times 0,5-0,7 \text{ мкм}$ ). Улар ҳаракациз, анилин бўёқлар билан яхши бўялади, грам манфий. Айрим штаммлар капсула ҳосил қиласи. Штаммларнинг турларини ажратишда уларни ўсиши учун  $\text{CO}_2$  га еҳтиёж, Ш ҳосил қилиш қобилияти, айрим бўёқ қўшилган мухитда ўсиши, моноспецифик зардоб билан агглютинация ҳосил қилиши ва биоварларни ажратишда еса, биокимёвий фаоллиги инобатга олинади. Жигардан тайёрланган агар, гўшт-жигарли мухит, 10% зардоб, картошка қўшилган мухитларда бруцеллалар жуда яхши ўсади. Қўзғатувчи оддий ва зардобли мухитда, Хоттенгер, ГПА, ГПҚ ўсиб (рН 6,6—7,4), 36—38°C да яхши ривожланади. Глицерин ва глюкоза қўшилган жигарли мухитда ҳам яхши ўсади. Қаттиқ мухитда ўсиш характерига қараб С-типик, силлиқ, Р – ўзгарган ғадир-будур ва М- шиллиқ колония вариантлари бўлади. Унинг ички - О ва юзаки С- антигени бор.

С антигеннинг А ва М варианtlари мавжуд. Вр.абортус да кўпроқ А, Вр. мелитенсис да еса М антиген бўлади. Р колонияда еса С антиген йўқолади. Кўзгатувчининг чидамлилиги. Физик ва кимёвий таъсиrlарга чидамсиз.  $60^{\circ}\text{C}$  иссиқликда 30 дақ.,  $70^{\circ}$  да- 5-10 дақ.,  $90-100^{\circ}\text{C}$  да дарров фаолсизланади. Сутда, қаймоқда 4-7 кун, кийим-кечакда -14 кун; пишлок, ёғ, бринзада ва тузланган терида 67 кун, тузланган гўштда 3 ой, музлаган гўштда ва жунда 5 ой фаол сақланади. Тупроқда, сувда, гўнгда, хашакда - 4 ой ўз фаоллигини сақлайди. Чириётган материалда тез фаоллигини йўқотади. Тик тушган қуёш нури таъсирида бруцелла бир неча минутдан 2 – 3 соатгача яшай олади. Тарқалиб тушган қуёш нури тасирида бир ҳафта атрофида яшайди. Секин қуриётган ерда 37 кун фаол сақланади. Совуқ ҳароратда 160 кунгача вирулентлигини йўқотмайди. Музлатилган патологик материалда 1,5 йилгача сақланади. Қайнатилган муҳитда бруцелла тез ўлади. Унинг ташки муҳитда сақланиши физик, кимёвий ва биологик омилларга анча боғлиқ. Дезинфексияга 1% ли хлорли оҳак, 10-20% ли оҳак эритмаси, 3% ли лизол, 3-5% ли карбол кислота, 2% ли ишқор, 1-2% ли формалин қўлланилса, яхши натижада беради.

**Диагноз.** Бруцеллёзга клиник белгилар, эпизоотологик маълумотлар ва лабораториявий текширишлар асосида диагноз қўйилади. Касалликни лабораториявий диагностикасида серологик, бактериологик, аллергик ва полимераза-занжирли реаксия (ПЗР) текширишлар қўлланилади.

Эпизоотологик маълумотларга янги келтирилган моллар, уларнинг қаердан олинганлиги, ўша жойнинг бруцеллёз бўйича епизоотик ҳолати, профилактик карантин давридаги текшириш натижалари, ҳисоб-китоб ишлари, олинган бузоклар, қисир қолган сигирлар сони, қисир сабаблари киради. Клиник белгилар кўпинча намоён бўлмагани учун касалликка якуний диагноз қўйиш учун бактериологик текшириш (бактериоскопия, соф бруцелла културасини ажратиш ва зарурат туғилса денгиз чўчқачасида биосинов қўйиш) талаб этилади.

**Бактериологик текшириши** учун касал ҳайвондан ва ташланган ҳомиладан биохавфисзлик талаблари асосида патологик намуна олиш зарур. Бруцеллёз ҳайвондан патологик материал олишда ветеринария мутахассиси ва бошқа ферма ходимлари биринчи навбатда ўзларини ушбу касалликдан ҳимоя қилиш мақсадида индивидуал биоҳимоя воситаларини (халат ёки комбензон, резина этик, резина қўлқоп, кўзойнак, ниқоб ва бошқ.) кийиб ишлаши ва ташки муҳитни бруцеллёз қўзгатувчилари билан ифлосланишини олдини олиш чораларини қўриши зарур.

Патологик материал бўлиб, одатда ташланган ҳомила, унинг пардаси, йўлдош ёки ҳомиланинг ширдони, жигар, талоқ, уруғдон, лимфа тугунларидан олинган бўлакчалар хизмат қиласи. Сут ҳам юборилади. Сигир сўйилган тақдирда унинг ўзгарган бачадон шохлари, котелидон юборилади. Улар консервация қилинмасдан лабораторияга тезда йўлланма хат билан бир киши орқали жўнатилади. Агар патологик материални ўша куни юбориш имконияти бўлмаса, уларни (ҳомиладан ташқари) 40% ли глицеринда консервация қилиш талаб этилади.

Патологик материал билан бир вақтда лабораторияга abort кузатилган ҳайвондан серологик текшириш учун қон зардоби ва сут юборилади. Қон зардобини 5% ли фенол ёки борат кислота кукуни билан консервация қилиш мүмкін. Консервация қилинмаган зардобни 6 кун давомида, консервация қилингандың қон зардобини 30 кун давомида ишлаца бўлади. Агар қон зардоби музлатгичда музлатилса уни 3 кун давомида ишлатиш зарур. Сутни консервация қилиш учун 10% ли формалиндан фойдаланилади. 5-10 мл сутга 1 томчи 10% ли формалин солинади. Бундай сутни 3 кун давомида ишлатиш талаб этилади.

*Биосинов* 350-400 гр. ли, агглютинация реаксиясида (АР) манфий реаксия берган дengiz чўчқасига қўйилади ва 10, 20, 30 кундан кейин улар серологик текширилади. АР да титр 1:10 ва ундан юқори бўлса бруцеллёз ҳисобланади. Dengiz чўчқалари зардобидаги титридан қатъий назар 30 кундан сўнг улар мажбурий сўйилади ва уларнинг лимфа тугун, талоқ, қони, суяқ илиги, жигар, буйрагидан озуқа мухитларга экилади ва култура ажратилади. Патологик материаллардан (талоқ, лимфа тугун ва бошқ.) тайёрланган босма суртмалар тайёрланади ва улар буялиб микроскопия қилинади.

*Микроскопик текшириши.* Тайёрланган суртмалар Шуляқ, Шин, Грам ва Козловский усулларида бўялади. Козловский усули билан бўялганда 2%ли сафранин, кейин 1%ли малахит яшили томизилади. Бруцелла қизил, бошқа микрофлоралар эса яшил ранг олади. Шуляқ ва Шин усулида 2 дақиқа карболфуксин билан, кейин ювилгач, метил кўки билан 5 дақиқа бўялади. Бунда бруцелла тиник қизғищ, бошқа микрофлоралар эса қирмизи қўқимтири рангга киради. Бруцеллалар ташланган ҳомиланинг ширдони, йўлдошидан ва ҳомила ташлаганда оқсан суюқликдан қилинган суртмада тез топилади.

*Тоза култура ажратилиши.* Бруцеллаларни ўстириш учун гўшт пептонли жигар булони (ГПЖБ), жигар глюкоза глицерин булони (ЖГГБ), гўшт пептонли жигар глюкоза глицеринли агар (ГПЖГГА), жигар глюкоза глицеринли агар ишлатилади.

*Серологик текшириши.* Ҳайвонларни турлари бўйича бруцеллёзга серологик текшириш қўйидаги усуллар билан амалга оширилади: қорамоллар - “Роз-бенгал” антигени билан пластинкали агглютинация реаксияси (ПАР), пробиркада агглютинация реаксияси (АР), комплимент боғлаш реаксияси (КБР), иммуноферментли тахлил (ИФТ) ва сутда халқали реаксия; Қўй, эчкилар - ПАР, АР, КБР, комплимент узоқ боғланиш реаксияси (КУБР), ИФТ; чўчқалар - ПАР, КБР, ИФТ ва аллергик; от ва туялар - ПАР, АР, КБР, ИФТ; итлар ва бошқа ҳайвонлар - ПАР, АР, КБР, ИФТ. Такрорий текширишлар зарурияти түғилганда ҳайвонлар 20-30 кундан кейин қайтадан бруцеллёзга серологик усул билан текширилади. Чўчқаларда аллергик текширишлар 25-30 кундан кейин такрорланади.

Сигирлар (ғунажинлар), урғочи туялар, бўғозликнинг қайси даврида бўлишидан қатъий назар бруцеллёзга текширилади, янги туққан сигир, қўй-эчки ва чўчқалар туққанидан 25-30 кундан кейин, ёш ҳайвонларнинг ҳамма турлари З ойлигидан бошлаб текширилади. Бруцеллёзга қарши ваксина билан эмланган йирик ва майдо шохли ҳайвонлар ваксинани қўллаш

Йўриқномасида белгиланган муддатларда текширилади (Хамдамов X. ва бошқ., 2014). Серологик текширишлар (ПАР, АР, КБР, КУБР, ИФТ ва сутда халқали реаксия) асосида бруцеллёз антигенига қарши касал ҳайвон қон зардобида шаклланган антителолар даражасини аниқлаш ётади. Биринчи серологик текширишлар салбий натижалар кўрсатган тақдирда, ушбу ҳайвонлар қони 20-30 кун ўтгач, такорий бруцеллёзга текширилиши лозим. Бруцеллёз жараёнининг бошланишида агглютинация реаксияси жуда сезгир. Бруцеллалар билан заарланган ҳайвон қон зардобида 10-15 кундаёқ уларга қарши шаклланган агглютининларнинг паст титрларини аниқлаш мумкин. Касалликнинг кейинги босқичларида АР нинг сезгирлиги пасаяди, бироқ уни кўтариш учун 5-10% ли ош тузи эритмаси қўшилади.

Текширилаётган қорамол қон зардобида АР титри 1:100, қўй-эчкида 1:50, мўйнали ҳайвонлар ва денгиз чўчқачасида 1:10 аниқланса ва реаксия натижаси 2 та ++ билан баҳоланса, ҳайвонлар бруцеллёз билан касалланган ҳисобланади. Титр юқорида кўрсатилгандан дан паст бўлса, бруцеллёзга гумон қилинади ва улар 15-30 кундан сўнг қайтадан АР да текширилади. Агар агглютининлар титри кўтарилса улар касал, кўтарилмаса ёки тушса, соғлом ҳисобланади. Патологик материалдан бруцелла бактериялари ажратилганда ёки у полимераза-занжирли реаксиясида ижобий натижа (бруцелла тури аниқланади) ёки биологик синовда ижобий натижа қайд қилинса, бруцеллёз аниқланган деб ҳисобланади. Қўчқорларнинг инфексион эпидидимитига бактериологик текширишар ўтказиш мақсадида ветеринария лабораториясига уруғдон ва уруғдон ортиғлари, ташланган ҳомила, ҳомила пардасининг парчалари ва бошқа патологик материаллар юборилади. Серологик текширишлар КУБРда Бр. овис антигени билан ўтказилади.

Ҳайвонлардан олинган материалдан бактериологик текширишларда бруцелла култураси ажратилганда ёки қон зардobi Бр. овис антигени билан ўтказилган КУБРда ижобий натижа берса, қўчқорлар (қўй)лар инфексион эпидидимит билан касалланган деб ҳисобланади. Агарда бактериологик текширишлар натижасида бруцелла бактериялари ажратилмаса, ПЗРда салбий натижа олинса, биологик синовда салбий ва ҳайвонлар қон зардобини икки бор серологик текширишларда салбий натижалар олинса, текширилаётган ҳайвонлар бруцеллёз бўйича соғлом деб ҳисобланади. Ўзбекистонда ВИТИ олимлари (Р.Г. Яраев, X. Хамдамов) томонидан бруцеллёз диагностикаси (ПАР) учун рангли бруцеллёз ва ягона бруцеллёз антигенлари (АР, КБР, КУБР) яратилган. “Роз-бенгал” антигени билан пластинкали агглютинация реаксияси режали профилактик текширишларда қўлланилади ва ижобий натижа олинган ҳайвонларда бруцеллёз жараёни кечишининг интенсивлигини аниқлаш мақсадида АР, КБР да текширилиши мумкин.

Вақт бўйича комплимент боғлаш реаксияси (КБР) ва комплиментни узоқ боғлаш реаксияси (КУБР) бруцеллёзни аниқлашда пробиркада агглютинация реаксиясига (АР) нисбатан бироз кечикса ҳам, аммо сезирликда, айниқса қўйлар орасида бруцеллёзни аниқлашда жуда ишончли реаксиялар ҳисобланади.

*Аллергик текшириши.* Аллергик текшириш бруцеллёз жараёнининг кейинги ривожланиш босқичларида самарали ҳисобланади. Аллергик текшириш учун ВИЕВ бруцеллини ишлатилади. Препарат палпебрал усулда қорамоллар пастки қовоқнинг тери остига -1 мл, қўй-эчки, кийикларга -0,5 мл бруцеллин юборилади. 36-48 соатдан сўнг натижа баҳоланади. Юборган жойда қаттиқ шиш бўлса, ижобий (+) ҳисобланади. Кейинги текшириш 25-30 кундан кейин ўтказилади. Кўз касал бўлса, думи ости бурмасига, чўчқага еса қулоқ супраси асосига тери ичига юборилади. Чўчқаларда аллерген юборилган жойда қизариб шишиши билан баҳоланади.

*Профилактика.* Бруцеллёз бўйича соғлом хўжаликларда хўжалик раҳбарлари ва мол егалари ҳайвонларни бруцеллёзга чалинмаслигини олдини олиш мақсадида қўйидагиларни бажаришта мажбурдирлар:

- ветеринария мутахассисининг рухсатисиз хўжаликка бошқа хўжалик ва аҳоли пунктларидан ҳайвонларни киритмаслик ҳамда хўжаликда ҳайвонларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказмасликни таъминлаш;
- сотиб олинадиган ҳайвонларни ушбу касаллик бўйича соғлом хўжаликдан олиш, келтирилган молларни 30 кунлик профилактик карантинда сақлаш, у даврда уларни бруцеллёзга серологик текшириш ва факат бруцеллёзга серонегатив гуруҳ молларни подага қўшиш;
- ферма ва аҳолига тегишли молларни ҳаттоқи яйловда, умумий сугориш жойида бошқа ҳайвонлар билан қўшмаслик;
- бузоқларни пастерланган сут билан боқиши, фермани мунтазам дезинфексия, дезинсексия ва дератизация қилиш, фермадаги барча тур ҳайвонларга тўйимли озуқалар бериш, уларни режали диагностик текшириш.

Бруцеллёзга қарши курашишда бошқа тадбирлар билан биргаликда махсус профилактика сифатида паст вирулентли, аммо иммуноген бактерия штаммларидан тайёрланган ваксиналардан фойдаланиш тавсия этилади.

Бу ўринда бутун дунёда тан олинган Вр.абортус -19 штаммидан тайёрланган тирик қуритилган ваксинадан (шт.19) фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, ушбу касаллик туфайли аборт кузатилган хўжаликларда самараси юқори ҳисобланади. Бузоқлар 5- 6 ойлигига шт.19 ваксинаси билан бутун дозада эмланади, 1 ойдан, яна 12 ойдан сўнг, яъни 18 ойлигига қон зардоби АР да текширилади. Манфий натижа олинган моллар кичик дозада (2 мл да 3 млрд микроорганизм танаачалари мавжуд) шт.19 ваксинаси билан эмланади. Шу усулда эмланганда қорамолларда иммунитет 5 йилгacha давом етади. Ушбу ваксинанинг салбий томони шуки, у билан эмланган молларда бруцеллёзга қарши шаклланган антителоларни бруцелла билан заарланиб касалланган ҳайвон қон зардобида ҳосил бўлган антителолардан фарқлаб бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, бруцеллёз билан касалланган ва унга қарши эмланган молларни серологик усулда фарқлаб бўлмайди. Бу еса хўжаликдаги бруцеллёз бўйича ҳақиқий эпизоотик ҳолатни аниқлашга имкон бермайди. Шунинг учун фақат носоғлом хўжаликлардагина ваксина билан эмлашга рухсат берилади, чунки ушбу ваксинадаги қўзғатувчи бруцелла тирик, у организмда реверсия натижасида яна вирулентли ҳолатга ўтиши мумкин. Ваксинация қилинган моллар аниқ ҳисоб – китоб қилиниши зарур.

Кўй ва эчкilarни емлаш учун бруцеллёзга қарши Рев-1 штаммидан тайёрланган ваксина ишлатилади. Ваксина Бр. мелитенсис нинг кучсиз вирулентли штаммасидан тайёрланган. У билан 4 ойлик ва ундан катта урғочи қўйлар ва уларни қочиришдан 2 ой олдин эмланади. Ваксина қўлланишдан олдин маҳсус эритмада ёки стерилланган физиологик эритмада эритилади. 30 дақиқа ўтгач, тери остига 2 мл юборилади. З ҳафтадан кейин иммунитет пайдо бўлади. Ушбу ваксинани қўчқорларнинг эпидидимитга қарши қўллаш ҳам мумкин.

Қарши курашиш тадбирлари. Хўжаликда (ферма, аҳоли пункти, пода, сурув) ҳайвонлар орасида бруцеллёз лабораториявий аниқланган тақдирда туман (шаҳар) бош ветеринария врачи далолатномаси асосида ҳокимият қарори билан ушбу ҳудуд бруцеллёз бўйича носоғлом деб эълон қилинади ва унга *карантин* ўрнатилади. Шу билан бирга тиббиёт ва бошқа мутассади ташкилотлар билан келишилган ҳолда бруцеллёзга носоғлом пунктни соғломлаштириш режаси ҳам тасдиқланади.

*Носоғлом хўжаликни соғломлаштириши.* Соғломлаштириш Республика ветеринария Бош бошқармасининг рухсати ва туман ветеринария бўлимининг тасдиқланган режаси асосида ваксина ишлатиб ёки ваксинасиз амалга оширилади. Носоғлом хўжаликда соғломлаштириш масалаларини дарҳол ҳал қилиш учун ҳокимият қошида соғлиқни сақлаш ходимлари иштирокида маҳсус комиссия ташкил этилади

Карантиннинг талаб-қоидаларига мувофиқ қуидагилар *тақиқланади*:

- фермага буқадан бошқа, барча тур ҳайвонларни киритиш;
- хўжаликка хизмат қилувчи ветеринария врачи рухсатисиз пода, сурув гурухларини аралаштириш, гурухлаш;
- сутни бозорга чиқариш, ошхона, болалар боғчаси, санатория ёки заводга топшириш;
- хўжаликда, касал молларни узоқ сақлаш, вақтинчалик сақлаш учун изолятор ташкил қилиш;
- қўй-эчкilarни соғиш, дезинфексияланмаган терини тозалаш, куритиш ва носоғлом фермадан ширдан қорин, ичак олиш ҳамда чиқариш;
- касал мол, қўй боқилган яйловдан ёзда 2 ой давомида соғлом ҳайвонлар учун фойдаланиш; касал мол, қўй сугорилган оқмайдиган сувдан 3 ой давомида соғлом ҳайвонлар учун фойдаланиш;
- касал мол турган бинони тозаламасдан, дезинфексия, дератизация, дезинсексия қилмасдан унга соғлом молни киргизиш.

Буқалар туман бош ветеринария врачиниг рухсати билан фермага киритилиши мүмкін. Сут фермада  $70^0$  С иисиқлиқда 30 мин ёки  $85^0 - 90^0$  С 20 секунд пастеризация қилиб заарсизлантирилади. Пастеризация қилиш иложи бўлмаса, сут қайнатилиб заводга топширилади ёки хўжалик ичида истеъмол қилинади. Сут заводида систерна ва бидонлар сут тўкилгандан кейин яхшилаб ювилади ва дезинфексия қилинади. Фермада ҳам сут соғиш агрегатлари ва сут идишлари ҳар куни иссиқ сув билан ювилади ва дезинфексия қилинади Сут заводидан ёғи олинган сут ҳам тўлиқ заарсизлантирилиб, хўжаликка юборилади. Хўжалик ветеринария врачи ҳар хафтада 1 марта фосфатаза реаксияси билан сутни заарсизланганини текшириши керак. Бруцеллёзга ижобий реаксия берган сигир сути қайнатилиб ёки заарсизлантирилиб ёғга айлантирилади ва фақат хўжаликда ишлатилади.

Фермада сутни заарсизлантириш учун асбоб-ускуна ташкил этилади. Касал чиқкан пода соғлом ҳайвонлардан камида 200 м узоқда сақланади. Ҳамма аборт, чала туғиши, йўлдош ушланиб қолиш ҳолатлари синчиклаб текширилади. Сигирда бруцеллёзли аборт кузатилса, патологик материал олингач, ҳомила суви ёғоч қириндиси билан аралаштирилиб ҳомила қолдиги билан кўйдирилади.

Илгари соғлом туман ёки вилоятда кам сонли бруцеллёз аниқланса ёки касал жуда кўп чиқса, ёки касаллик ўткир кечса, барча молллар гўштга топширилади. Бруцеллёзга серологик текширилганда ижобий реаксия берган, аборт қилган сигирлар дарҳол ажратилиб гўштга топширилади. Касаллик кенг тарқалган ҳудудда диагностик текшириш натижасида барча касаллар ажратилиб тезда гўштга топширилади ва қолган ҳайвонлар вакцинация қилинади.

Бруцеллёзга салбий натижа берган носоғлом ферманинг қорамоллари бруцеллёзга то 2 марта кетма-кет салбий натижа олгунча текширилади. 2 марта гуруҳ бўйича кетма-кет салбий натижа олинса, яна 2 марта 3 ой оралиқ билан назорат текшируви ўтказилади. Агар назорат текширишларида ҳам салбий натижа олинса, ушбу гуруҳ соғлом деб ҳисобланади. Карантинни олишдан олдин барча тур ҳайвонлар бруцеллёзга текширилади ва қўлланмада кўрсатилган тадбирлар ўтказилгандан кейин туман бош ветеринария врачи далолатномаси асосида ҳоким қарори билан фермадан карантин олинади ва ферма ёки аҳоли пункти соғломлаштирилган ҳисобланади.

Носоғлом хўжалик ҳудудидан ўриб олинган харакат икки ой сақлангандан кейин фойдаланишга ижозат берилади.

Кўй ва эчкилар соғилмайди, эмбрион нинг қонини олиш тақиқланиб, ширдон тайёрлашга рухсат етилмайди. Шилингдан терилар консервация қилишиб, ҳайвонлар танаси кўйдирилади.

Дезинфексия учун 5 % ли фаол хлорли оҳак, 2 -3% ли ўювчи натрий эритмаси, 2%ли формалдегид тавсия этилади. Гўнг биотермик усулда заарсизлантирилади.

Бруцеллөзга қарши ваксинация қилмасдан ветеринария-санитария йўли билан фермани ушбу касалликдан соғломлаштириш учун қорамоллар ҳар 30 кунда Розбенгал антигени билан пластинкали агглютинация реаксияси ПАР да текшириб кўрилади. Серологик текшириш то гурух бўйича икки марта манфий натижа олингунча давом эттирилади. Манфий натижа олингач, моллар б ойлик ветеринария назоратига қўйилади. Бу даврда ҳар 3 ойда бир марта юқоридаги усул билан серологик текширишдан ўтказилади. Натижа манфий бўлса, хўжалик соғломлаштирилган ҳисобланади. Агар бу даврнинг бирор текширишида бирорта ҳайвонда ижобий натижа қайд қилинса, яна ойма-ой текшириш қайтадан бошланади. Бруцеллөзга қарши ўтказилган тадбирларнинг тўлалигини, сифатини ветеринария ва тиббиёт ходимларидан ва хўжалик, аҳоли пункти бўлса, маҳалла вакилларидан ташкил етилган маҳсус комиссия кўриб чиқади ҳамда далолатнома асосида туман ҳокими қарори билан хўжаликдан (аҳоли пункти) карантин олинади.

Одамларни бруцеллёздан ҳимоя қилиш. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида бруцеллёз қайд қилинса, одамларни бу касалликдан ҳимоя етиш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- ҳайвонлардан патологик намуналар (қон ва бошқ.) олишда ветеринария врачи ва бу ишга алоқадор кишилар индивидуал ҳимоя воситаларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўзларини ва ташки мухитни бруцеллалар билан заарланмаслик чораларини кўрадилар;
  - пастеризация қилинмаган сутдан олинган хом қаймоқ ва унинг маҳсулотларини (сметана) бозор ва бошқа савдо-сотиш шохобчаларида сотиш ёки истеъмолга чиқариш қатъиян тақиқланади.
  - бруцеллёз ҳайвонлар гўштини тўғридан-тўғри сотувга ёки истеъмолга чиқарилиши қатъиян тақиқланади;
  - касалланган ҳайвонларни жойларда (хўжалик, аҳоли пункти) сўйиши ветеринария врачи назорати остида ўтказилади ва бунда сўйишига қатнашган кишииilarни шахсий профилактик гигиенага ҳамда инфексия тарқалишини олдини оладиган чораларга қатъий риоя қилиши таъминланади. Сўйилгандан сўнг гавда гўштига катта қозонларда  $70^{\circ}\text{C}$  ҳароратидан паст бўлмаган сувда камида 2 соат термик ишлов берилади.
  - Тери дезинфексияланади. Бошқа қисмлар (бош, оёқ, ички аъзолар ва хоказо) ёқиб юборилади;
  - носоғлом хўжаликка (ферма) хизмат қилаётган ҳамма ходимлар тиббий муассаса назоратида бўлиб, шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиши лозим.;
- ферманинг ҳамма ходимлари маҳсус кийим-кечак билан таъминланади. Ҳар бир чорвачилик биносида кўл ювгич, сочиқ, совун, дори кутичалар бўлишини таъминлаш зарур. Чорвадор маҳсус тиббий кўрикдан ўтиб туриши керак.

## **2.3. Кампилобактериоз ва трихофития касалликларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари.**

**Кампилобактериоз** (лот. — Сампилобастериосис, Вибриосис гениталис ензоо-тиса бовис/овис; ингл. — Вибриосис, Вибрио фетус инфекшион офт саттле/шееп; русча-вибриоз) кўпроқ қорамол ва қўйларда учрайдиган инфексион касаллик бўлиб, жинсий аъзоларнинг касалланиши, урғочи ҳайвонларда тез-тез қўйга келиш, қисир қолиш, оммавий бола ташлаш, йўлдошни ушланиб қолиши ҳамда ҳаётга лаёқациз ҳомиланинг туғилиши билан характерланади.

**Қўзғатувчининг чидамлилиги.** Кампилобактерия унча ташки муҳит таъсир-ларига чидамли бактерия емас. 6-20°C да гўнг, тупроқ, сув ва хашакда 10-20 кун; ошқозон ичида, жигар, ҳомилада, котиледонда 20-50 кунгача фаол яшайди. Қуритилган массада 3 соатда ўлади. Ёрилмаган ҳомилада 20-25° С да 10-20 кунгача сақланади. 25° С дан юқори ҳароратда 3-4 кун яшай олади холос. Иссик ҳароратга ва антибиотикларга жуда сезир. Ҳайвонларнинг бошқа микроорганизмлар билан заарланиши (ешерихиа, протей, пиогенес ва бошқ.) ушбу бактерияларнинг яшовчанлигини оширади. Кампилобактериялар музлатилган тўқималарда 5-6 ойгача тирик туради. Суюқ азотда (-196°C), уруғда узоқ вақт давомида фаол сақланади.

**Диагноз.** Кампилобактериозга диагноз клиник белгиларга, эпизоотологик маълумотлар ва албатта лабораториявий текшириш натижасида кампилобактериялар ажратиш асосида қўйилади. Қўй ва сигирларда аборт кузатиш, қайта-қайта қўйга келиш, қисир қолиш факат ушбу касалликка гумон қилишга асос бўлади.

Лабораториявий бактериологик диагноз қўйиш учун ҳомила ёки унинг бош қисми, ошқозони, жигар ва ўпкаси, йўлдош ёки унинг бир қисми жўнатилади. Бунинг иложи бўлмаса, бачадоннинг бўйин қисмидан абортдан кейин шилимшиқ суюқлик, буқанинг препуциал халтасидан шиллик, простата бези шираси ёки уруғ олиб текширишга жўнатилади. Патологик материал жуда тезлик билан совук ҳолда муз билан биргаликда лабораторияга етказилиши керак.

Айниқса, ёз пайтларида тез бузилиши мумкин. Тампон усули билан ҳам материал олинади ва ушбу усул серологик текширишда яхши натижа беради (АР, КБР, КУБР).

**Ажратма диагноз.** Қорамолларда кампилобактериозни бруцеллёз, трихомоноздан, қўйларда еса яна салмонеллёз ва хламидиоздан фарқ қилиш керак. Бунда қон зардоби маҳсус антиген билан текширилганда (АР, КБР, КУБР) маҳсус бруцеллёзга қарши антителолар борлиги аниқланади. Бруцеллёзда бўғозликнинг дастлабки ойларида аборт қарийб бўлмайди, гунажинлар аборт қиласи. Патологик материалдан бруцелла ажратиб олинади. Трихомонозда трихомонад ажратилади ва бола ташлаш бўғозликнинг 2-3 ойлигига тўғри келади. Лептоспирозда лептоспира ажратилади, сарғайиш, ҳарорат юқори (42°C) бўлади.

Гемоглобулинурия ва терида некроз қўзга ташланади. Листериоз касаллигига бола ташлашдан ташқари асаб бузилиши ҳоллари кузатилади.

Қўйларда яна салмонеллёздан ва хламидиозли абортдан фарқлаш лозим. Салмонеллёзда фақатгина аборт кузатилмасдан, уларда, қўзиларда ва қўчкорларда ошқозон-ичак тизими, ўпка ва бўғинлар ҳам касалланади. Хламидиозда аборт қўзилаш бошланишдан 2-3 ҳафта олдин содир бўлади ва барча гумонларга бактериологик, серологик текшириш натижалари ойдинлик киритади.

**Профилактика ва қарши курашиш тадбирлари.** Соғлом хўжаликка ёки фермага янги келтириладиган ҳайвон кампилобактериоз бўйича текшири-лаётган соғлом хўжаликдан олиниши, фермага киритишдан олдин 30 кунлик профилактик карантин даврида буқалар 10 кун оралиқ билан 3 марта ушбу касалликка бактериологик усулда текширилиши, фақат соғлом молни подага қўшиш талаб этилади. Фермадаги мавжуд барча молларни тўйимли озуқалар билан боқиш, клиник ҳолатини назорат қилиш, фермани озода сақлаш, ташланган ҳар бир ҳомилани ўз вақтида йифиштириб олиш, мунтазам дезинфексия, сигир ва урғочи таналарни сунъий қочиришга еришиш ушбу касалликни олдини олишга ёрдам беради.

Хўжаликда қорамоллар орасида кампилобактериоз лабораториявий аниқланса, ферма *носоғлом* деб эмлан қилинади ва соғломлаштириш тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Ҳайвонлар сони ва гурухлари, касаллар, бола ташлаганлар сони ҳисоб-китоб қилинади. Носоғлом хўжаликдаги ҳамма бузоқларни алоҳида ажратиб парвариш қилиш йўлга қўйилади. Клиник касал қорамол ва қўйлар юқорида таъкидлангандек даволанади. Бола ташлаганлар ажратилади, ҳомила, йўлдош, тўшамалар куйдирилади, бинолар, яйраш майдончалари дезинфексия қилинади. Носоғлом хўжаликларда дезинфексия қилиш учун 2% ли ишқор, 2% ли хлорли оҳак эритмаси, 5% ли креолин эритмаси ва бошқалар тавсия этилади.

Сигир ва урғочи таналар сунъий қочирилади ва 10-12 соатдан кейин касалликни олдини олиш мақсадида бачадонга 10-20 мл стерил тана ҳароратидаги физиологик эритмада еритилган 100 минг бирлиқдан стрептомицин ва пенициллин юборилади.

Бўғоз сигирларни бола ташлашини олдини олиш мақсадида сигир ва ғунажинларга 250-300 мл 1:1000 нисбатда сувда еритилган бигумал 5 кун давомида ҳар куни ичирилади. А. Голиков ҳар бир молга 25-30 минг бирлик/кг дозада бициллин-5 ёки дибиомицин юборишни тавсия қиласи. Охирги касал ҳайвон аниқлангандан 12 ой давомида бактериологик текшириш натижасида кампилобактериялар ажратилмаган бўлса ва барча соғломлаштириш тадбирлари ва якуний дезинфексия ўтказилгандан кейин, хўжалик *соғлом* деб эмлан қилинади. Шундан кейин ҳам буқалар 1 йил давомида ҳар чоракда бактериологик теширилиб турилади.

Қўйлар орасида касаллик аниқланса, барча аборт қилган ҳайвонлар ажратилиб даволанади, қўй суруви бошқа яйловга ўтказилади. Касаллик қўзғатувчиси билан заарланган яйловдан ёзда 1,5-2 ойдан сўнг фойдаланса бўлади.

Бўғоз қўйларни бола ташлашини олдини олиш мақсадида уларга туғишига 1,5-2 ой қолганда 10-12 кун давомида ҳар куни омухта ем билан 1 бошга 5-8 мг/кг ҳисобида хлортетрациклин ёки 0,5 г бигумал 3 кун давомида ҳар куни ичирилади. Кўчқорлар 4 кунлик курс бўйича: ҳар куни 2 марта стрептомицин ва пенициллин 0,5% ли новокаинда 4 минг/кг дозадан мушак орасига юборилади. 2 йил давомида ушбу касаллиқдан аборт кузатилмаса, сурув соғломлаштирилган ҳисобланади.

**Темиратки** (лот. Трихофитосис, Трочопхъития; ингл. - Рингворм; русча- трихофитоз, трихофития, стригущий лишай) инфексион касаллик бўлиб, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари терисида кескин чегараланган, тагидан синиб тушган жунли, пўст ташловчи, ўзидан сероз-ириングли екссудат ажратувчи ва ҳар хил шаклдаги жароҳат пайдо бўлиши билан характерланади.

**Қўзғатувчиси.** Кўйидаги замбуруғлар: Тричопхъитон веррисосум қорамол, қўйларда, Тр. еқвинум отларда, Тр. гипсесум чўчқа, ит, мушук ва кемиравчиларда, Тр. ментагропхъитес мўйнали ҳайвонларда ва Тр. санис итларда темиратки касалликғини қўзғатади.. Ушбу замбуруғлар кўпгина тур ҳайвонларда касаллик қўзғатиб, умумий хусусиятларга ега бўлсада, бирбиридан кўп жиҳатлари билан фарқ қиласди. Касал ҳайвондан олинган материал микроскоп остида текширилганда, артроспоралар заарланган жун толаси атрофида қатор ёки тартибсиз жойлашган ярим ялтироқ доирасимон шарчалар шаклида кўринади. Бу ҳолат ижобий деб баҳоланади ва кейинчалик сунъий муҳитларга экиласди. Споралар ўлчами 3-8 мкм.

Ушбу замбуруғлар асосан сусло-агар, гўшт - пептонли 2% глюкоза қўшилган МПГА ва Сабуро агарларида яхши ўсиб, 3-4 ҳафтадан кейин оқимтири момиксимон колониялар пайдо қиласди.

Замбуруғлар ҳайвонлар турига қараб, озуқа муҳитда терисимон, жигарранг, сарғиш момик ҳолатларда ўсади. Ажратилганда еса микроконидий ва хламидоспоралар ҳолатига қараб фарқланади.

**Трихофитон веррикозум** организмда жунни жароҳатлаб, унда ўсади ва кўпаяди, мицелия гифлари алоҳида-алоҳида артроспораларга бўлинади. Сунъий озуқа муҳитда еса у гифдан ташқари жинссиз кўпаядиган микроконидии (алейрилар) ҳосил қиласди. Фақат озуқа муҳитида ҳосил бўладиган **микроконидиялар-алейрилар иммунитет шакллантириши**, мицелийлар еса иммунитетга жавобгар емаслиги аниқланган.

**Қўзғатувчининг чидамлилиги.** Дерматофитлар ташки муҳит нокулай омилларига чидамли. Тричопхъитон веррисосум, Тр. Еқвинум, Тр. Гипсесум, Тр. Ментагропхъитес ва Тр. санис лар бино ва молхоналарда бир неча йиллаб яшай олади. Ёғоч охур, панжара, ешик, идишлар четида 2-3 йилгача вирулентлигини бемалол сақлаб қолади. Патологик материалда замбуруғ сочнинг шоҳсимон тўқималарига ўралган бўлади. Шу сабабли културадаги замбуруғларга нисбатан химояси мустаҳкамроқ. Трихофитон замбуруғлари соч ва жунда 4-7 йил фаол сақланади, тупроқда фаоллигини 3 ой сақлайди.

Сувда  $80^0\text{C}$  қиздирилганда 7-10 дақықа, қайнатилганда 2-3 дақықа,  $60-62^0\text{C}$  қуруқ қиздирилганда 2 соатда,  $100^0\text{C}$  қуруқ қиздиришда 15-20 дақиқада фаолсизланади. Қуришига, ултрабинафша нур таъсирига чидамли. Ён томонидан күёш нури дерматофитлар вегетациясини ва пигментациясини кучайтиради. Дерматофитлар вегетацияси учун оптималь мұхит күчсиз ишқорий -  $\text{pH}$  7,0-7,5 ҳисобланади. Дерматофитлар  $\text{pH}$  4,0-4,5 мұхитда вегетация бўлмайди. Механик таъсиrlар дерматофитларга таъсир етмайди.

Иситилган 2% фенол патологик материалдаги замбуруғларни 20-30 дақиқада, 2% ли формалин 3-5 дақиқада, 5-8 % ли ишқорлар 20-30 дақиқада, 5-8 % ли хлорид ва сулфат кислоталари 45-60 дақиқада, салицил ва бензой кислоталарининг юқори концентрацияси 30-45 дақиқада ўлдиради.

Трихофития қўзғатувчисини 15 % креолин эритмаси 8 соатда, 15 % ли береза дёгти 4 соатда, 10 % ли лизол 1 соатда, 2,5 % ли сулема 30 дақиқада, 1 % ёд 1 соатда, 10 % ли мис купораси 2 соатда ўлдиради.

**Диагноз.** Касалликка диагноз комплекс текшириш усули билан қўйилади. Бунда эпизоотологик маълумот, касалликнинг клиник белгилари ва микологик текшириш натижалари инобатга олинади. Гумон қилинган даврда жароҳат жойининг четидан, агар ҳайвон даволанган бўлмаса, қиртишлаб патологик материал олинади, шиша ёки Петри тавоқчасига солинади ва унга 10-20% ли ўювчи натрий билан ишлов берилиб, 30 дақиқа термостатга қўйилади.

Кейин 50% ли глицерин томчили буюм шиша устига патологик материални қўйиб катта ўлчамда ( $\times 400$ ) юпқа шиша билан бекитиб, микроскопия қилинади. Патматериал сифатида зааралangan жун толасидан 10 дона олиб, тагига қора қофоз қўйилган ойна устига жойлаштирилади. Кейин буюм ойначасига жойлаштириб, 10-15%ли ишқор эритмасидан томизилади ва салгина қиздирилади. Микроскоп остида текшириб, артроспораларнинг жойлашишига ётибор берилади. Юқорида қайд етилган мұхитларга екиб ўстирилади ва ўсиш жараёни кузатиб борилади. Микроскопда тери пўстлоғида ёки зааралangan жунда замбуруғнинг ингичка гифлари ва споралари кўринади.

**Ажратма диагноз.** Темираткини микроспороздан, қўтирдан, екзема ва дерматитлардан фарқлаш зарур. Бактериологик текшириш барча гумонларга ойдинлик киритади ва якуний диагноз қўйишга асос бўлади. Микроспориядан фарқи трихофитоннинг спораси катта ва занжирдек жойлашган. Люминесцент микроскопда микроспория билан зааралangan жун ултрафиалет нур таъсирида тиник яшил, оч яшил (зумрад ранг) рангда ялтирайди, бу трихофитонда кузатилмайди.

Қўтир ҳайвондан қиртишлаб олинган материал микроскопия қилинса, кана кўринади ва жароҳатни ўзини ҳам фарқлаш мумкин. Екзема ва дерматитларда чегаралangan дөг бўлмайди, жун синмайди, трихофитияда еса синади. Микологик текшириш натижалари ҳал қилувчи усул ҳисобланади.

**Профилактика.** Ушбу касаллик бўйича соғлом хўжаликларда ҳамма бузоқлар ёши 1 ойга етгач, 10-14 кун оралиғида 2 марта профилактик вакцинация ўtkазилади.

Ҳамма ветеринария-санитария чора-тадбирлари ўз вақтида амалга оширилади. Чунки, мойил ҳайвонларни темираткидан ҳимоя етишнинг асосий йўли - фермада ветеринария санитария ҳолатни юқори даражада сақлаш, тўйимли озуқалар билан боқиши, мунтазам дезинфексия ва дератизация ўтказиш ҳисобланади.

Хўжаликка келтириладиган ҳайвонлар профилактик карантин даврида синчиклаб текширилиши зарур. Изолятордан ҳайвон соғайиб чиқишида тери қопламасига 1-2% ли мис сулфати билан ишлов берилади.

Мўйнали ҳайвон ва қуёnlарни профилактика қилиш учун *гризо-фулвин, олтингугурт метионин* билан озуқа билан аралаштириб берилади.

Баҳорда ҳайвонларни боқишига чиқаришда ва кузда бинога киргизишида кучсиз фунгицид (1-2 % ли мис сулфат) билан уларни терисига сепиши зарур. Ҳар 5 кунда бузоқларни клиник кўриш ва касални ажратиш керак. Бинода дератизация ўтказиш зарур.

**Қарши курашиш тадбирлари.** Касаллик чиқса, хўжалик ёки ферма носоғлом ҳисобланади ва маҳсус “Йўриқнома”га мувофиқ унга қарши кураш олиб борилади. Касаллар ажратилади ва даволанади, қолган ҳайвонлар гурухлар бўйича аралаштирилмасдан сақланади.

Барча мойил ҳайвонлар юқорида қўрсатилган ваксиналар билан уни ишлатиш бўйича “Қўлланма”га мувофиқ эмланади.

Бино ҳар куни тозаланади ва ҳар 10 кунда 4-5% ли ўювчи натрий, формалин, 10% ли сулфат ва карбол кислоталар аралашмаси билан дезинфексия қилинади, гўнги 3 ой давомида биотермик заарсизлантирилади. Маҳсус кийим-кечаклар ва ҳайвонларни парвариш қилиш анжомлари ҳам дезинфексия қилинади.

Охирги касал ҳайвон тузалгандан 15 кун кейин якуний дезинфексия ўтказилиб, хўжалик соғлом деб эмлан қилинади.

### **Назорат саволлари:**

1. Куйдирги касаллигига таъриф беринг ?
2. Куйдирги касаллгининг клиник белгилари ?
3. Куйдирги касаллигига дифференсиал диагноз кўйиш ?
4. Бруцеллёз касаллигига таъриф беринг ?
5. Бруцеллёз касаллгининг клиник белгилари ?
6. Бруцеллёз касаллигига дифференсиал диагноз кўйиш ?
7. Темиратки касаллигинг эпизоотологияси.
8. Темиратки касаллигига қарши курашиш тадбирлари қандай амалга оширилади.

### **Маҳсус адабиётлар**

1. Салимов X.С., Қамбаров А.А. Эпизоотология, Дарслик, Тошкент, 2016 й. 560 бет.
2. Парманов М.П. ва бошқ. «Хусусий эпизоотология». Дарслик. Самарқанд, 2010 й.
3. Бакиров Б. ва бошқ. Ҳайвонлар касалликлари. Маълумотнома. Самарқанд. Ф. Насимов X/К. 2019. 552 б.

### **Хорижий адабиётлар**

1. Куинн П.Ж. Ветеринарй Мисробиологй анд Мисробиал Дисеасе Инфестиоус Дисеасес оф тхе Дог анд Сат. Аустралия. 2013 yeар.
2. М.Жасксон Ветеринарй клинический патологий. Америка 2010 еар.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Х.С. Салимов, Б. Сайитқұлов, И.Х.Салимов. Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли лугат ва маълумотнома.-Т. ТАФАККУР НАСҲИРИЙОТИ”, 2013.
2. Ветеринария медицинаси журнали. Т. 2018-2020.йиллар

**3-Мавзу: Ёш ҳайвонлар ва паррандаларнинг инфексион касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий усуллари (2соат).**

3.1. Колибактериоз касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.

3.2. Салмонеллёз касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.

3.3. Пуллороз касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.

**Таянч иборалар:** Касаллик тарихи, епидемологияси, этиологияси, эпизоотологияси, қўзғатувчисининг манбаи, резервуарлари, тарқалиши, эпизоотик жараённинг фаол ва даврийлик ҳолатлари, касалликнинг мавсумийлиги, патологоанатомик, диагноз, иммунитет, профилактика.

### **3.1. Колибактериоз касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.**

**1. Ешерихиоз** (лот., ингл. - Есcherichiosis; русча - ешерихиоз, колиентерит, колибактериоз) – ўткир кечувчи инфексион касаллик бўлиб, кучли диарея (ентерит), оғир ентеротоксемия ва септицемия белгилари билан ҳарактерланади.

*Кўзғатувчиси.* Касаллик қўзғатувчиси ентеропатоген бактерия “Есchericha соли” ҳисобланади. Касаллик қўзғатувчисини 1885 йил, ёш болалар ичак ахлатидан Т.Ешериҳ ажратиб олган ва унга Бастериум соли соммуне деб ном берилган. Кейинчалик ушбу олимнинг шарафига ушбу бактерия *Есchericha соли*, касалликка еса, ешерихиоз деб ном берилган. Айrim олимлар колибактериозни қўзғатувчиси ичак таёқчаликни деб *нотўғри* ҳисоблашади. Замонавий тасниф бўйича ичак таёқчалари гуруҳи 3 та мустақил бактериялар авлодидан ташкил топган: *Есchericha*, *Ситробастер* ва *Ентеробастер*. Ешерихиядан кейинги 2 та авлод ҳам колибактериоз қўзғатувчиси емас. Бу учала авлод ҳам *Ентеробастериасеae* оиласига мансуб. *Есchericha соли* нисбатан калта, йўғон ( $0,2\text{--}0,7 \times 2\text{--}4$  мкм), грам манфий таёқча бўлиб, спора ва капсула ҳосил қилмайди. Уларнинг ҳаракатли ва ҳаракациз вакиллари мавжуд, ушбу белги уларнинг яшаш муҳитларига боғлиқ. Ешерихиялар аероб ёки факултатив анаероб, суюқ озуқа муҳитларни интенсив лойқалантиради, айrim ҳолда юзасида юпқа парда ҳосил қиласига. Қаттиқ озуқа муҳитларида айлана, тиник, ялтироқ ёки қабариқ колониялар ҳосил қиласига. Ендо муҳитида қизил ёки тўқ қизил, Левин муҳитида еса, бинафша ёки қора рангли колониялар ҳосил қиласига. Ушбу муҳитлар ешерихиялар учун *електив* ҳисобланади. Ешерихияларнинг антиген тузилиши жуда мураккаб. Ушбу бактерияда соматик О-антисывак, капсула ва қобиғида К-антисывак ва хивчинида Н-антисывак мавжуд. Умуман олганда барча тур ёш ҳайвонларда ва паррандаларда “Есchericha соли” нинг 170 га яқин О-антисывак бўйича фарқланадиган серо гурухлари, К-антисывак бўйича 100 та ва Н-антисывак бўйича 60 та серовариантлари мавжудлиги адабиёт маълумотларидан маълум.

Булардан ташқари, ешерихияларда адгезив антиген (К 88, К 99 ва бошқ.) аниқланган, улар ешерихияларни ичак епителиясига ёпишишини ва унинг патоген таъсирини таъминлайди. Кўпчилик тадқиқотчилар Ўзбекистон хўжаликларида бузоқлар ва қўзиларда ентеропатоген ешерихиянинг қўйидаги 08, 09, 015, 026, 041, 055, 078, 0101, 0115, товуқ ва жўжаларда 026, 041, 055, 078, 0111 штаммларини кўпроқ ҳолатда ажратмоқдалар. Н.А. Радчук (1990) ва И. И. Блансостал (1998) ларнинг берган маълумотлари бўйича “*Escherichia coli*” нинг 45 та серогурухи паррандаларнинг ешерихиозида муҳим ўрин тутади. Улардан айниқса 01, 08, 09, 011, 018, 022, 026, 035, 055, 078, 086, 0111, 0115, 0119, 0127, 0138, 0141 серогурух штаммлари паррандаларда кўп учрайди.

Кўзғатувчининг чидамлилиги. Қуритилган оқсили мухитда ҳайвон аҳлатида, шилимшиқ моддаларда ешерихиялар 30 кун, сув ва тупроқда ойлаб фаол сақланади. Иссиққа унча чидамли емас, 74-76°C да дарҳол ўлади. Ўювчи натрий, фенол, формалин, хлорамин, хлорли оҳак ва бошка дезинфектор эритмалар ешериияларга одатий концентрацияда ҳалокатли таъсир етади.

**Диагноз.** Эпизоотологик маълумотлар, клиник белгилар ва патологоанатомик ўзгаришлар асосида дастлабки диагноз қўйилади. Бу кўрсаткичлар ҳаммаси бактериологик текширишлар натижаси билан тасдиқланади. Лабораторияга ўлган бутун жасадни олиб бориш иложи бўлмаса, бош мия, найсимон суяқ, талоқ, буйрак, жигар, мезентериал лимфа тугунлар ва жароҳатланган ичак бўллаги икки томонидан яхшилаб бойлаб йўлланма хат билан бир киши орқали юборилади.

Ешерихиянинг патогенлиги оқ сичқонларга ва жўжаларга юборилиб аниқланади. Кўзғатувчиларнинг қайси серологик гурухга оидлиги иммун коли зардоб тўплами билан текшириб аниқланади. Агар қ.-х.ҳайвонларнинг талоқ, найсимон суяқ ва бош миясидан ёки биосинов қўйилган оқ сичқон ва жўжаларнинг камида 2 та аъзосидан ешерихия ажратилса ёки қўзғатувчи серологик текширилганда ентеропатоген еканлиги аниқланса, унинг серогурухи ва патогенлиги аниқланмасдан ҳам ешерихиоз деб якуний диагноз қўйилади. Чўчқаларнинг ошқозон ёки ингичка ичакнинг олдинги қисмидан оқ сичқонлар учун патоген бета-гемолитик ешерихия ажратилса ёки агглютинация реаксиясида иммун О-колизардоб тўплами билан унинг серогурухи аниқланса, *колиентеротоксемик ешерихиозга* (шиш касаллиги) якуний диагноз қўйилган ҳисобланади. Ажратма диагноз. Ҳайвонларда ешерихиозни диспепсия, салмонеллёз, пастереллёз, стрептококкоз, рото-, корона- ва адено вирусли инфексиялардан фарқлаш лозим. Тегишли бактериологик, вирусологик, серологик ва биосинов натижалари асосида ушбу касалликлар фарқланади. Профилактика ва қарши курашиш тадбирлари. Ёш ҳайвонларни эшерихиоздан ҳимоя қилиш асосан фермада ветеринария-санитария ва зоогигиеник талабларга бўғоз сигир, қўй, чўчқа, байтал ва бошқ. ҳайвонларнинг туғишида қатъий амал қилиш ва уларни тўйимли озуқалар билан боқишига асосланади.

Фақат ушбу касаллик бүйича соғлом хўжаликлардан бузоқ, қўзи, қулун, ва чўчқа боласи олиш, фермани ёпиқ ҳолда бўлиши, унга киришда дезобарер, бинога киришда дезогилам, фермада вет.объектни бўлиши, мунтазам дезинфексия, дератизация, дезинсексия тадбирларини ўтказиш, ходимларни маҳсус ҳимоя воситалари билан таъминлаш; бўғоз ҳайвонлардан бола олишда ветеринария-санитария қоидаларига қаттиқ риоя қилиш ва ёзда ҳайвонларни, айниқса, ёш бузоқларни ва бўғоз сигирларни яйраш майдонларида сақлашни ташкил етиш, уларни тўйимли озуқалар билан боқиш, ҳайвон организмининг резистентлигини оширувчи тадбирларга аҳамият бериш, фермага бошқа ҳайвонларни, бегона кишиларни киритмаслик тадбирларини бажариш ешериҳиозни олдини олишга ёрдам беради.

Бўғоз сигирларнинг рационидан силос, сенаж каби нордон ачитқили озуқаларни чиқариш зарур. Витаминли, микро- ва макроелементларга бой рационни ташкил етиш мақсадга мувофиқдир. Ёш ҳайвонларга АБК, ПАБК, ошқозон шираларини бериб бориш организм резистентлигини оширадиган омиллардандир.

Носоғлом хўжаликларда бўғоз сигир, совлик ва она чўчқаларга туғищдан 1 - 1,5 ой олдин бузоқ, қўзи ва чўчқа болаларининг колибактериозига қарши ВИТИда тайёрланган қуюқлаштирилган ГОА, колибактериоз ва салмонеллёзига қарши ассоцияланган ва колибактериоз, салмонеллёз ва пастереллёзига қарши поливалентли ГОА формалваксиналарни қўллаш ушбу касалликни олдини олишда яхши самара беради. Улар мускул орасига 10-12 кун оралиғида икки марта юборилади. Сигирлар учун 10 - 15 мл, қўйлар учун 2-5 мл дозада ишлатилади. Емланмаган сигир, қўй ва чўчқалардан туғилган 5-7 кунлик ёш бузоқлар, қўзилар, чўчқа болалари колибактериоз ва салмонеллёзга қарши ассоцияланган ГОА ваксина билан 1 марта 5 мл, 10-12 кун сўнг 2 марта 5 мл ёки қўйлар фақат колибактериозга қарши ваксина билан 2 мл дозада тери остига ёки пастереллёз, салмонеллёз, колибактериоз касалликларига қарши поливалент радиоваксина билан тери остига бир марта, бузоқлар 3- 4 мл, қўзилар 2 марта: биринчи марта 2 мл, 12-15 кундан кейин иккинчи марта 4 мл, чўчқа болалари биринчи марта 1 мл, иккинчи марта 2 мл ва учинчи марта 55-56 кунлигига (оналаридан ажратишидан олдин) 2 мл дозада эмланади. Емланган ҳайвонларда ушбу касалликларга қарши иммунитет 8-15 кун давомида шаклланиб, 1 йил давом етади. Йил давомида туғилган барча бузоқ, қўзи, чўчқа болалари ҳам шу йўсинда эмланади.

### **3.2. Салмонеллёз касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.**

**Салмонеллёз** (лот., ингл. – Салмонеллосис; русча - салмонеллёзи) - турли қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларнинг инфексион касаллиги бўлиб, ўткир кечганда иситма ва диарея ва сурункали кечганда кўпинча ўпканинг яллиғланиши ҳамда артрит билан характерланади.

Кўзғатувчиси. Салмонелла ентеробактерия оиласига мансуб бўлиб, бузоқларда - асосан Салмонелла дублин, кам ҳолларда Салмонелла типҳимуриум; чўчқа болаларида - Салмонелла чолерае суси ва унинг серовариантлари Салмонелла глесер ва Салмонелла волдагсен ва жуда кам ҳоллардагина Салмонелла дублин; қўзиларда - Салмонелла абортус овис, кам ҳолларда Салмонелла типҳимуриум; қулунларда - Салмонелла абортус еқуи касаллик қўзғатади. Салмонеллаларнинг паррандаларда салмонеллёз чақирадиган бир қанча серологик турлари мавжуд. *C. галлиорум*, *C. ентеритидис* ўрдакларда ва жўжаларда, камроқ ҳолда ёш курка ва ғоз жўжаларида; *C. тийҳимуриум* ғоз, ўрдак ва каптарларда; *C. ифантис*, *C. анатум*, *C. лондон*, *C. Хаифа* товуқ, курка ва сесаркаларда касаллик қўзғатади. Салмонеллалар морфологик бир-биридан фарқ қилмайдиган кичик, учлари егилган 1-4 x 0,5-0,5 мкм ўлчамли, грам манфий, ҳаракатчан, спора ва капсула ҳосил қилмайдиган бактерия бўлиб, улар барча анилин бўёқлари билан бўялади. Ундаги термостабил *соматик О-* ва термолабил *хивчинли Н* антигенларга қараб идентификация қилинади. Салмонеллалар аероб, одатий суюқ, қаттиқ озуқа муҳитларида 37<sup>0</sup>С да яхши ўсади. Бактериялар ўssa, ГПБ лойқаланади. ГПА да оқимтири кулранг-ҳаворанг колония ҳосил қилади. Салмонеллаларни таснифлаш асосида уларни Кауфман ва Уайт 1940 йилда аниқлаган антиген тузилиши ётиди, у орқали уларнинг гуруҳ ва серотурлари идентификация қилинади. Салмонеллаларни серологик фарқлаш учун буюм ойначасида ўтказиладиган О- ва Н- антигенларга қарши монорецепторли зардоб ёрдамида АР дан фойдаланилади. Патологик материалдаги салмонеллаларни ИФТ да аниқласа ҳам бўлади. Кўзғатувчининг чидамлилиги. Салмонеллалар тупроқда, гўнг ва сувда 9-10 ой, музлатилганда 4-5 ой фаол сақланади. 70 - 75<sup>0</sup>С иссиқлиқда 15-30 дақиқа фаол туради. Барча маълум дезинфекторлар: 3% ли ўювчи натрий, 2% ли фаол хлорли оҳак, 2% ли формалдегид бинодаги қўзғатувчини 1 соатда фаолсизлантиради.

Диагноз. Ҳайвонларнинг салмонеллёз касаллигига диагноз клиник белгилар, патологоанатомик ўзгаришлар, эпизоотологик маълумотларга ва албатта серологик, бактериологик текшириш натижалари асосида қўйилади. Клиник белгиларни таҳлил қилгандан, касаллик **ўткир** кечганда барча тур ёш ҳайвонларда септицемия билан кечиши, юкори ҳарорат (41-42<sup>0</sup> гача), маъюслик, пулс ва нафас олишни тезлашиши, анорексия ва диарея ҳисобга олинади. Касаллик **сурункали** кечганда пневмония, бузоқ ва қулунларда артрит аниқланади. Характерли патологоанатомик ўзгариш - бу талоқнинг каттариши, унда ва жигарда некротик ўчоқларни, сероз ва шиллик пардаларда жуда кўп қон қўйилишларни бўлиши, ичаклардаги ўзгаришлар инобатга олиниши зарур. Якуний диагноз учун албатта лабораториявий текширишлар ўтказилади. Улар бактериологик (бактериоскопия ва сунъий озуқа муҳитда соф култура ажратиш), иммунологик (қон зардобида агглютинилар даражасини АР да, салмонелла антигенини ИФТ да аниқлаш) ва биосинов (салмонеллёзни экспериментал чақириш) текширишлардан ташкил топади.

Лабораторияга даволанмаган, ўлган ҳайвонларнинг паренхиматоз аъзолари, найсимон суяги, аборт бўлса, ҳомила суви, тирик ҳайвонлардан қон, фекали, серологик текшириш учун қон зардоби юборилади. Диагностика учун АР ишлатилади. Антителолар 1:100 ва ундан юқори бўлиши керак. Кўзғатувчи ИФРда аниқланади.

Ажратма диагноз. Бузоқларда колибактериоздан, диплококкоздан чўчқачаларда ўлат, вирусли гастроентерит ва дизентериядан, қўзиларда анаероб дизентериядан фарқлаш зарур. Барча ҳолларда лабораториявий усуллар аниқ жавоб беради.

Профилактика ва қарши курашиш тадбирлари. Ёш ҳайвонларни салмонеллёздан ҳимоя қилиш асосан фермада ветеринария-санитария ва зоогигиеник талабларга бўғоз сигир, қўй, чўчқа, байтал ва бошқ. ҳайвонларни туғишида қатъий амал қилиш ва уларни тўйимли озуқалар билан боқишига асосланади. Фақат салмонеллёз бўйича соғлом хўжаликлардан ёш ҳайвон ва озуқалар олиш керак.

Фермаларни ёпиқ ҳолда бўлиши, унда дезобарер, дезогилам, ветеринария объектини бўлиши, мунтазам дезинфексия, дератизация, дезинсексия тадбирларини ўтказиш, ходимларни маҳсус ҳимоя воситалари билан таъминлаш ҳам касалликни олдини олишга ёрдам беради. Бўғоз ҳайвонлардан бола олишда ветеринария-санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш ва туғилган ёш ҳайвонларни ўз вақтида салмонеллёзга қарши емлаш касалликни олдини олишни кафолатлади.

Ёзда ҳайвонларни яиравш майдонларида сақлашни ташкил этиш, чорвачилик биноларини ўз вақтида гўнгдан тозалаш, уни заарсизлантириш, ёш ҳайвонларни зоогигиеник меъёрлар асосида тўйимли озуқалар билан боқиши, фермага бошқа ҳайвонларни, бегона кишиларни киритмаслик зарур. Агар илгари фермада ушбу касаллик аниқланган бўлса, фермага фақат вакцинация қилинган ҳайвонларни киритиш ва ниҳоят ёш ҳайвонлар резистентлигини ошириш учун уларга ацидофилин, АБК, ПАБК каби бактериал препаратлар бериш зарур.

Янги келган ҳайвонлар 1 ой профилактик назоратда бўлиши шарт. Асосий подани салмонеллёз бўйича соғлом ҳайвонлар билан тўлдириш ушбу касалликни профилактика қилишда асосий тадбирлардан бири ҳисобланади. Вояга етган ва касалдан тузалган ёш ҳайвонларни улар орасида бактерия ташувчиларни аниқлаш учун мунтазам қон зардолари серологик (АР) ва фекаллари бактериологик текшириш талаб этилади.

Фермада касаллик чиқса, барча тур ёш ҳайвонлар клиник текширилади ва термометрия қилинади. Касал ва касалликка гумон ҳайвонлар ажратилади ва даволанади, қолганлари вакцинация қилинади. Ҳайвонларни зоогигиеник талаблар асосида сақлаш ва озиқлантириш, озуқа сифатини назорат этиш зарур. Фермада санитария – гигиена назорати кучайтирилади. Жорий дезинфексия 2-3% ли формалдегид, хлорли оҳак, 3-4% ли ўювчи натрий, 3% ли бир хлорли ёд, 20% ли сўндирилган оҳак билан ҳар 10 кунда ўтказилади.

### **3.3. Пуллороз касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.**

**Пуллороз** (лот. - Пуллоросис; ингл. - Пуллорум дисеасе; русча - пуллороз-тиф, белая диарея; ўзб. оқ бациляр ич кетиш) товуқ отрядига мансуб ёш паррандаларнинг ўта контагиоз инфексион касаллиги бўлиб, жўжаларда ўткир, вояга етган товуқларда тухумдоннинг яллиғланиши ва сарик перитонит ёки яширин клиник белгисиз кечиш билан характерланади.

**Кўзғатувчиси.** Пуллорознинг қўзғатувчиси Салмонелла пуллорум ҳаракациз, грамм манфий кичик таёқча бўлиб, спора ва капсула ҳосил қилмайди. Оддий сунъий мухитда,  $37^{\circ}\text{C}$ , pH 7,4 - 7,5 да яхши ўсади.

ГПА да кичик шудринг томчисидек колониялар, ГПБ да мухитни лойқалантиради ва унда юмшоқ чўкма ҳосил қиласди. Ендо, Плоскирев мухитлари оптимал мухит ҳисобланади. Салмонелла қонда, паренхиматоз аъзоларда, ичакда, товуқ эмбрионининг сўрилиб ҳазм бўлмаган сарифида, товуқларда еса тухумдан сарик фолликуласида тўпланган бўлади. Эшерихиялардан ўзининг биокимёвий хусусиятлари билан фарқланади.

**Кўзғатувчининг чидамлилиги.** Салмонеллалар ташки мухит ва физикавий таъсирларига юқори чидамлилиги билан фарқ қиласди. Паррандахоналарда йилнинг фаслларига боғлиқ ҳолда  $-2^{\circ}$  дан  $33,7^{\circ}\text{C}$  гача бўлган ҳароратда 10 кундан 105 кунгacha қўзғатувчи фаол сақланади. Товуқ гўнгода 100 кун, оқмайдиган сувда 200 кун, тупроқда 400 кун тирик сақланади.  $60^{\circ}\text{C}$  да 30 дақиқада қайнатилганда еса, 1 дақиқада ўлади. 1% ли карбол кислотаси ва 1% ли формалин салмонеллани 5 дақиқада фаолсизлантиради.

**Диагноз.** Пуллорозга диагноз эпизоотологик маълумотлар, клиник белгилар ва патологоанатомик ўзгаришлар ҳамда лабораториявий текширишлар асосида қўйилади. Товуқларда серологик (ҚТБГАР - қон томчи билвосита ёки бевосита гемагглютинация реаксияси ва ҚТАР - қон томчи агглютинация реаксияси) ва бактериологик текшириш натижалари асосида диагноз қўйилади. Диагноз қўйиш қийин бўлса, биосинов қўйилади. Нософлом фермаларда ўз вақтида пуллорозни аниқлаш учун йилига 4 марта 10 % товуқлар серологик усул (ҚТАР) билан текширилади. Қўзғатувчини соф ҳолда ажратиб олиш учун патологик материаллардан *еликтив* мухитларга экилади. Уни буюм шиша часида АР да идентификация қилиш учун махсус тайёрланган салмонеллаларга қарши поливалент ва монорецептор қон зардоларидан фойдаланилади.

**Ажратма диагноз.** Ушбу касалликни эшерихиоздан, асперgilёз, коксидиоз ва юқумсиз овариосалпингитлардан фарқлаш зарур. Барча ҳолатларда бактериологик, серологик, биокимёвий текширишлар ва биосинов пуллорозга ишончли диагноз қўйишга асос бўлади.

**Профилактика.** Паррандаларни зоогигиеник меъёrlар даражасида тифиз қилмасдан, заарли ҳидлар ва газлардан ҳоли сақлаш, ўлганларини тезда йиғишириб олиш ва йўқотиш, биноларни ўз вақтида гўнгдан, тўшамалардан тозалаш ва мунтазам жорий дезинфексия, дезинсексия, дератизация ўтказиш, уларни ҳар 10 кунда клиник кўздан кечириш,

Витаминли тўйимли озуқалар билан парвариш қилиш, жуда иссиқ, совуқдан ҳимоя қилиш, уларга кимётерапевтик дорилар бериш, ушбу касаллик бўйича носоғлом хўжаликдан жўжалар, инкубация учун тухум, суяк-гўшт уни, ем олмаслик, фермага синантроп қушларни, кишиларни киритмаслик, фермани “ёпик” ҳолда бўлиши, унда дезобарер, дезомат, маҳсус ҳимоя воситаларини ҳамда дезинфекторларни талаб даражасида бўлиши пуллорозни олдини олишни таъминлайди.

Ушбу касаллик бўйича соғлом хўжаликда 40-45% товуқлар тухум қўйишни бошлиши билан ва товуқлар гурухини тиклаш учун сақланаётган 50-55 кунлик паррандалар ҚТБГАР ёки ҚТАР усулида пуллорозга текшириш талаб этилади. Инкубаторияга қўйилган тухум узоқ таъсирга ега бўлган ВВ-1, АТМ, глютекс, гексахлорафен каби дезинфекторлар билан дезинфекция қилиниши шарт. Биологик тоза тухум олиш учун товуқлар ҚТА реаксияси билан текшириб кўрилади. Профилактика мақсадида жўжаларга биринчи кунданоқ тўла қонли витамин ва оқсилга бой озуқа, антибиотиклар, фуразолидон ва пробиотиклар (бифидол, бифидобактерин, бифинорм, нарине субален, АБК, ПАБК ва бошк.) препаратлари тавсия этилади.

Бинода жўжа ёшига мувоғиқ равишида ҳароратни сақлашга озуқаларни, паррандахона ҳавосини патоген микроорганизмлардан ҳоли қилишга еришиш зарур. Ҳар бир инкубатория инкубация бошланишдан ва кейин (15 мл 40% ли формалин, 30 мг калий перманганат  $1\text{m}^3$  майдон ҳисобида) формалдегид билан аерозол усулда дезинфекция қилинади. Одатда, жўжа тухумдан чиққандан сўнг 6 соат ичидаги парранда фермасига жўнатиш зарур, чунки уларни узоқ инкубаторияда сақлаш ва транспортда ташиши пуллорозга чидамлиликни пасайтиради. Пуллорозни профилактика қилиш учун жўжаларнинг 3-7 кунлигидан бошлаб озуқа билан 1000 бosh жўжага 4 гр ҳисобида фуразолидон ёки 4 гр левомицетин берилса, самараси яхши бўлади.

Саноат асосида парвариш қилинаётган парандаларга озуқа таркибида 0,04-0,06% фуразолидонни 15 кун давомида бериш, кейин 3-5 кунлик танафусдан сўнг яна даволаш курсини давом еттириш яхши самара беради. Фуразолидон ўрнига 10 кун давомида заҳарлиги паст фуридин (200мг/кг) берса ҳам бўлади. Пуллорознинг олдини олишда қон томчи бевосита ёки билвосита гемагглютинация реаксияси (ҚТБГАР) ёки (ҚТАР) ёрдамида бактерия ташувчиларни аниқлаш ва уларни подадан ўз вақтида ажратиш катта аҳамиятга молик. Жўжалар ҳаётининг биринчи кунлари тана ҳароратини меъёр ҳолда сақлаши қийин бўлгани учун, уларни жуда иссиқ ва совуқдан сақлаш зарур. Жўжаларни 1-ҳафта  $28-29^{\circ}\text{C}$  да сақлаш талаб этилади. Ҳар ҳафта бино ҳароратини  $2^{\circ}\text{C}$  га ва жўжалар парваришининг охирида  $18^{\circ}\text{C}$  гача тушириб бориш керак. Қарши курашиш тадбирлари. Паррандачилик хўжаликларида пуллороз жўжа, товуқ ва куркалар орасида лабораториявий текшириш натижасида аниқланса ёки қон томчи билвосита гемагглютинация реаксияси бўйича 1-5 % ижобий натижага олинса, хўжалик ушбу касаллик бўйича носоғлом деб эмлан қилинади ва чеклов қўйилади ҳамда қуидагилар тақиқланади:

- 1) бошқа хўжаликка инкубацион тухум чиқариш;
- 2) савдо расталарига серологик ижобий натижа берган товуқлардан олинган тухумлар чиқариш;
- 3)хўжаликнинг ўзида носоғлом товуқхонадан олинган тухумларни инкубацияга қўйиш.

Носоғлом паррандачилик фермасига инфексион касалликлар бўйича соғлом хўжаликдан тухум олишга, уларни инкубацияга қўйиш, бир кунлик жўжа олиш ҳамда серологик манфий натижа берган товуқлардан олинган тухумларни инкубацияга қўйишга рухсат берилади.

Касал ва серологик ижобий натижа берган товуқлардан олинган тухумларни кондитер-нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарига юборилади. Зотли *паррандачилик хўжаликлирида* товуқлар ва куркалар орасида касал ва қон томчи билвосита гемагглютинация реаксияси бўйича 1-5% ижобий натижа олинган паррандалар *гўштга сўйилади*. Серологик ижобий натижа товар хўжаликларида аниқланса, улардан олинган тухум инкубация учун яроқсиз ҳисобланади. Касал, шунингдек ушбу реаксия бўйича ижобий натижа олинган вояга етган ёш ва тухум берадиган товуқлар гўштга топширилади. Касал жўжалар ва курка болалари мажбурий қонсиз усулда ўлдирилиб, йўқотилади. Носоғлом хўжаликдан жўжа, товуқ ва инкубация учун тухум чиқарилмайди. Пуллорозга текширилган товуқлар рационига салмонеллаларга ҳолокатли таъсир этувчи антибиотиклар қўшилади ва паррандалар турган бинони уларни чиқармасдан дезинфексия қилинади. Хўжалиқдаги паррандадан бўшаган товуқхоналарда мажбурий дезинфексия тадбирлари ўtkазилади. Дезинфексия учун 3 % ли ишқор, 5 % ли креолин, 10-20 % ли фаол хлорли оҳак эритмаси ишлатилади. Инкубация чиқиндилари, шунингдек ўлган паррандалар кўйдирилиб йўқ қилинади.

Серологик (ҚТАР ёки ҚТБГАР) реаксияда паррандалар манфий натижа берса ва ўлган жўжа, товуқ, куркадан салмонелла ажратилмаса, паррандахоналда якуний дезинфексия ўтказиб, хўжаликдан чеклов олинади.

Пуллороз қўзғатувчиси одамларда токсикоинфексияни келтириб чиқаришини эътиборга олиб, касал парранда ва салмонеллалар билан ишлаганда санитария-гигиена *хавфсизлик чораларини* кўриш лозим.

#### **Назорат саволлари:**

1. Колибактериоз касаллигига таъриф беринг ?
2. Колибактериоз касаллгининг клиник белгилари ?
3. Колибактериоз касаллгида дифференсиал диагноз қўйиш ?
4. Салмонеллёз касаллигига таъриф беринг ?
5. Салмонеллёз касаллгининг клиник белгилари ?
6. Салмонеллёз касаллгида дифференсиал диагноз қўйиш ?
7. Пуллороз касаллигинг эпизоотологияси.
8. Пуллороз касаллгида қарши курашиш тадбирлари қандай амалга оширилади.

### **Махсус адабиётлар**

1. Салимов Х.С., Қамбаров А.А. Эпизоотология, Дарслик, Тошкент, 2016 й.  
560 бет.
2. Парманов М.П. ва бошқ. «Хусусий эпизоотология». Дарслик. Самарқанд,  
2010 й.
3. Бакиров Б. ва бошқ. Ҳайвонлар касалликлари. Маълумотнома. Самарқанд.  
Ф.Насимов Х/К. 2019. 552 б.

### **Хорижий адабиётлар**

1. Quinn P.J. Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases  
of the Dog and Cat. Australia. 2013 uyear.
2. M.Jackson Veterinary clinical pathology. America 2010 year

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Х.С. Салимов, Б. Сайитқулов, И.Х.Салимов. Ветеринария  
микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли лугат ва  
маълумотнома.-Т. ТАФАККУР НАСҲИРИЙОТИ”, 2013.
2. Ветеринария медицинаси журнали. Т. 2018-2020.йиллар

#### **4-Мавзу: Паррандаларнинг юқумли касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.**

**4.1.** Паррандаларнинг Нюкасл ва Грипп касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари

**4.2.** Паррандаларнинг Марек касаллигининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари

**4.3.** Паррандаларнинг юқумли бронхит ва ларинготрахеит касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари

**Таянч иборалар:** Ньюкасл касаллиги, лентоген штамм, Ла-Сота, Бор-74, мезоген штамм, Грипп, Марек касаллиги, , РНК, электрон микроскоп, антиген, гемагглютинин, глицерин, ГАТР, ПР, КБР резервуарлари, тарқалиши, хлороформ, ефир, патологоанатомик диагноз, иммунитет, профилактика.

##### **4.1 Паррандаларнинг Нюкасл ва Грипп касалликларининг диагностикаси ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари**

**1. Нюкасл касаллиги** (лот. - Морбус Ньюкастл; ingl. - Newcastle Disease; русча-болезн Ньюкасла, псевдоочума; ўзб. - сохта ўлат) - ўта контагиоз, ўткир кечадиган товуқ туркумiga кирувчи паррандаларнинг инфекцион вирус касаллиги бўлиб, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш аъзолари ва марказий нерв тизимининг жароҳатланиши билан характерланади.

Кўзғатувчиси. Кўзғатувчиси РНК ли парамиксовириди оиласига ва парамиксо-вирус авлодига мансуб вирус ҳисобланади. Вирус Зейц, Беркфелд филтрларидан ўтади, ўлчами 120-180 нм, электрон микроскопда айланга шаклда (ХИХ.- расм) кўринади ва товуқ, капитар, курка, денгиз чўчқаси, кўчкор, мушук еритроцитларини гемагглютинация қилади. Вируснинг бу хусусияти касалликка қарши иммунитет шаклланиш даражасини аниқлашда ва вирусни ГАТР да идентификация қилишда ишлатилади. Бутун дунё мамлакатлари ҳудудларида ажратилган вирус штаммлари иммунологик бирбирига яқин, бироқ вирулентлиги ҳар хил. Шунинг учун касалликнинг клиник намоён бўлиши ҳам ҳар хил. Кўпгина тадқиқотчилар ушбу вирусни жуда кўп тур ҳайвонларда (қорамол, сичқон, денгиз мушуги, қоракузан ва бошқ.), одам, ёввойи қушлар (қарға, тустовуқ, қалдирғоч, товус, пингвин, бургут, қарқара, чайка, бақлан, тўтиқуш ва бошқ.), ҳашаротлар (каналар, тахтакана, пат еювчилар, пашшалар), ҳаттоқи аскаридалар ва еймерияларда мавжуд-лигини (уларни вирус ташувчилик қилишини) аниқлаганлар..

Вируснинг ҳужайраларда кўпайиши натижасида Г-антigen ва гемагглютинин (В- антиген) ҳосил бўлади. Вирус 9-12 кунлик товуқ эмбрионининг аллантоис ва амнион бўшлиқларига юборилса, эмбрионни ўлдиради. Унда вирус титри  $10^{-7} - 10^{-9}$  гача ва гемагглютинин титри 1:200 - 1:2000 гача етади. Вирус 9-10 кунлик товуқ эмбрионида яхши ривожланади.. Табиатда вирулентлиги табиий кучсизланган лентоген штаммлар: *B<sub>1</sub>*, *La-Sota*, *Бор-74* ва мезоген штамм - *H* мавжуд. Улардан ваксина ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Кўзғатувчининг чидамлилиги.

Вируснинг физикавий ва кимёвий таъсиrlарга чидамлилиги юқори, у паст ҳароратда узоқ вақт, масалан музлатилган товуқ гўштида бой,  $-20^{\circ}\text{C}$ да 1 йилдан зиёд фаол сақланади. Инкубация даврида тухум пўстидаги вирус фаолсизланади, бироқ эмбриондаги вирус фаол сақланади. Қайнатиш дархол,  $65-75^{\circ}\text{C}$  30 дақиқада,  $18-21^{\circ}\text{C}$  50 кунда фаолсизлантиради. 2-5% карбол кислота, формалин, 3% ли ўювчи натрий бир неча дақиқада фаолсизлантиради. Гўнг биотермик зарарсизлантирил-ганда вирус 20 кундан кейин фаолсизланади. Товуқ патларида 18 кун тирик сақланади, тухумда еса музлатгич шароитда йиллаб яшайверади.

Диагноз. Клиник (касалланган паррандалар патларининг хурпайиши, маюслик, бошини ташлаб, кўзини юмиб оёкларда туриши, иштаҳанинг бўлмаслиги, яrim очик тумшуғи орасидан чўзилувчан шиллиқ сассиқ хидли суюқлик оқиши, яrim очик тумшуғи орқали нафас олиши, нафас олишда хириллаш, нафас олиш ва пулснинг тезлашиши, иситманинг  $43 - 44^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши.

Диарея, ахлатининг суюқ, қонли, ўтли ва шиллиқли бўлиши, акса уриши, нерв тизимининг жароҳатланиши натижасида бўйнининг қийшайиши, қанотлари ва думининг осилиши, оёкларида фалажланиш, атаксия кузатилиши), эпизоотологик маълумотлар (яқинда сотиб олинган паррандаларнинг ёки тухумнинг мавжудлиги,

товуқларда тухумнинг кескин пасайиши, тараларнинг дезинфексия қилиниш ҳолати, охирги марта паррандаларнинг қачон гўштга сўйилганлиги, ферманинг қўшни фермага яқинлиги, унга ёввойи қушларни кириш имконияти, фермага транспортни, бегона кишиларнинг кирганлиги, ўчоқ атрофидаги мавжуд паррандаларнинг клиник ахволи, оммавий касалланиши, уларнинг сони, ўликлар сони, тарқалиш тезлиги, фермадаги ва атрофдаги паррандаларнинг ушбу касалликка қарши эмланганлиги) ва патологоанатомик ўзгаришларга (безли ва гўштли ошқозон ўртасида, ингичка ичакларда, тўғри ичакда, епикард ва тухумдонда, кекирдак, қизил ўнгачда нуктали қон қуилишилар, оғиз бўшлигининг дифтеритик яллигланиши) асосланган диагноз - *дастлабки диагноз ҳисобланади*.

Якуний диагноз лабораториявий текширишларга асосланган бўлади. Бунинг учун лабораторияга касалликнинг ўткир босқичида ўпка, юрак, жигар, мия ва бошқа аъзолар бўлакчалари тезда (1-2 соат ичида) йўлланма хат билан бир киши орқали термочемо-данда, атрофига муз қўйиб, ёз фасли бўлса патологик материални 50% глицеринда юборилади. Патматериал 9-12 кунлик товуқ эмбрионининг аллантоис бўшлигига юбори-лади ва 48-96 соатдан аллантоис суюқлиги ГАР, НР, ГАТР да вирус мавжудлигига текширилади. Биосинов учун стерил патологик материал 2 - 4 ойлик жўжагига 0,5-1 мл суспензия ҳолида юборилади. 3-5 кундан кейин жўжалар касалланади ва ўлади, вирус кучсиз бўлса, жўжанинг қони 5 ва 15 кунлари ГАТР, ПР, КБР да антитело титрига текширилади. Ушбу реаксияларнинг бирида биринчи марта олинган қон зардобига нисбатан, иккинчи марта олинган қон зардобидаги антителолар титри камида 4 баробар ошиши Нюкасл касаллигидан дарак беради.

Патологик материалда ИФТ усулида вирус антигени аниқланади. Парранда қон зардобида ушбу касалликка қарши антителолар ИФТ ёки ИДР да аниқланади. ПЗР ёрдамида патматериалда вирус антигени тури аниқланади. Ажратма диагноз. Касалликнинг септик шаклини гриппдан, инфексион бронхит (ЮБ), пастереллёз, инфексион ларинготрахеитдан (ЙУЛТ) ва бошқа респиратор касаллик-лардан фарқлаш зарур. Барча ҳолларда маҳсус лабораториявий текширишлар (вирусо-логик, бактериологик, серологик, биосинов) ушбу касалликни фарқлашга имкон яратади.

Профилактика. Нюкасл касаллиги вирусини фермага киритмаслик учун инкубацион тухумлар, синантроп қушлар, ишловчилар, инвентарлар, озуқа ва тўшамалар назорат етилиши зарур. Паррандачилик хўжаликлариға фақат ушбу касаллик бўйича соғлом хўжаликлардан парранда ва тухум келтиришга рухсат этилади. Паррандачилик фермаси ёпиқ ҳолда бўлиши, унга кирувчилар санитария ўтказгич орқали кириши, биноларга киришда дезогиламлар бўлиши, бино доимо гўнгдан тозаланган ва унда мунтазам дезинфексия, дезенсексия, дератизация тадбирларини ўтказилиши, паррандаларни зоогигиеник меъёрлар даражасида сақлаш ҳамда витаминли озуқалар билан озиқлантириш, уларнинг табиий резистентлигини оширади, ушбу касалликнинг олдини олишга ёрдам беради. Фермага кирадиган транспорт воситаларини дезинфексия қилиш зарур.

Озуқа сехи ва омборларга ҳар хил ёввойи паррандаларнинг учеб киришига йўл қўймаслик керак. Ҳар бир партия жўжа чиқарилгандан кейин дезинфексия ўтказиш ва теварак атрофдаги хўжаликларнинг ушбу касаллик бўйича епизоотик ҳолатини ўрганиб бориш зарур. Режа бўйича вакцинация ўтказиб туриш шарт. Паррандаларни ёшлари бўйича жойлаштириш, улар сақланмайдиган бинолар еса ўз вақтида тозаланиши, 3 марта дезинфексия ва санация қилиниши талаб этилади.

Соғлом (инкубацион тухум берувчи) хўжалиқда транспорт ва тараларни мунтазам дезинфексия қилиш назорат етилиши, ветеринария-санитария қоидалари бажарилиши талаб этилади. Барча таралар иссиқ 3% ли каустик сода, 3-5% ли формалин билан аерозол ҳолда  $15-20 \text{ мл}/\text{м}^3$  ҳисобида дезинфексия қилинади. Нюкасл касаллигига қарши ваксина билан мунтазам профилактик емлаш талаб этилади. Фермада бошқа тур ҳайвонларни (ит, мушук ва бошқ.) юришига йўл қўймаслик зарур. Ньюкасл касаллигининг олдини олиш учун емлаш ўтказилган хўжаликларда, эмланган паррандаларда иммунитет пайдо бўлишини назорат қилиш талаб этилади. Ферма ичкарисига бегона кишиларнинг киришига йўл қўймаслик, паррандаларни хўжалик ичida ветеринария врачи рухсатисиз аралаштираслик, ундан паррандалар, тухум ва бошқа парранда маҳсулот-лари ҳамда асбоб-ускуналар, жиҳозлар, гўнгларни олиб чиқмаслик зарур. Қарши қурашиб тадбирлари. Ньюкасл касаллигига лабораториявий диагноз паррандалар орасида ферма ёки аҳоли пунктида аниқланиши билан туман ветеринария бўлими бошлиғи ушбу ҳолат тўғрисида далолатнома ёзди ва шу асосда туман (шахар) ҳокими қарори билан парранда фермасига ёки аҳоли пунктига карантин қўйилади.

Карантин талаблари бўйича касал паррандалар йўқотилади, касалликка гумон қилинган паррандалар гўштга сўйилади ва қайнатилади. Хавфли товуқхоналарда шартли соғлом паррандалар эмланади. Паррандалар ёпиқ бинода сақланади, ахлати куйдирилади. Паррандалар, уларнинг маҳсулотлари сотилмайди ва олинмайди. Фермага дахлсиз кишилар (оила аъзоси ёки оғайин бўлса ҳам) ва автотранспорт киритилмайди. Арzon баҳоли нарсалар куйдирилади, қолганлари 1,5% ўювчи натрий, креолин, формалдегид билан дезинфексия қилинади. Бозорлар ёпилади, кўргазмалар ўтказишга рухсат берилмайди.

Туман бош ветеринария врачи ушбу касаллик ўчогига барча тадбирларни ташкил этиш ва касалликни йўқотиш учун жавобгар этиб бир ветеринария врачини (епизоотолог) тайинлайди.

Бир кун давомида носоғлом хўжалик (аҳоли пункти)да касаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш ва уни йўқотиш бўйича маҳсус комиссия тузилганлиги ҳақида туман ҳокимиятига ёзма ахборот беради. Шунингдек, кўшни туманлар ва юқори ветеринария ташкилотларига Ньюкасл касаллиги пайдо бўлганлиги ҳақида хабар беради. Ушбу касалликкага қарши емлаш ўтказилган хўжаликларда, эмланган паррандаларда иммунитет пайдо бўлишини назорат қиласи.

Паррандалар турган бинолар тозаланади, ахлати тўпланади ва мунтазам дезинфексия қилинади. Ўлган паррандалар ва касаллар турган бинолардан йиғилган ахлат (гўнг) куйдирилади. Ёввойи қушларни фермага учеб келишига йўл қўйилмайди. Дезинфексия учун иссиқ ( $70\text{-}80^0$ ) 3% ли ўювчи натрий (експозиция 3 соат), 1% ли формалдегид, 3% ли фаол хлорли оҳак, 1% ли сирка кислота (6 соат) ёки аерозол  $15\text{-}20 \text{ мл/м}^3$  ҳисобида қўлланилади. Фермага алоқадор кишилар маҳсус кийим-кечак (халат, комбензон, ниқоб, резина қўлқоп, чепчик, баҳил, резин етиқ, ҳимоя қўз ойнак, респиратор) билан таъминланади. Ушбу касаллик ёш паррандаларда учраса, барча касал ва соғлом жўжалар қонсиз усул билан ўлдирилади ва куйдирилади. Қолган клиник соғлом паррандалар гўштга сўйилади ёки касалликка қарши ваксина билан эмланади. Бу паррандалар алоҳида жойда сақланиб, карантин бекор қилинишидан 2 ҳафта олдин гўштга сўйилади. Карантин даврида олинган тухум камида 10 дақиқа қайнатилади ва носоғлом фермада овқат сифатида ишлатилади. Шартли соғлом паррандалардан олинган гўнг ва тўшамалар биотермик заарсизлантирилади. Мажбурий сўйилган паррандаларнинг пат, парлари 3% ли формал-дегид билан 30 дақиқа дезинфексия қилинади. Хўжаликдан касал парранда йўқотилгандан 30 кун кейин, яқуний дезинфексия қилингандан сўнг туман бош ветеринария врачи далолатномаси асосида ҳоким қарори билан *карантин олинади*.

**Грипп** (лот. - Гриппус авиум; ингл. - Инфуенза; русча - грипп) – паррандаларнинг контагиоз вирус касаллиги бўлиб, септициемия, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзоларининг яллиғланиши билан тавсифланади. Кўзғатувчиси – Ортҳомиховиридае оиласи, инфлюенса авлодига мансуб РНК ли вирус Инфлюенза вирус А, турости Ҳав-1. Вирион ўлчами 80-120 нм.

Барча маълум грипп вируслари гемагглютинин (Н) бўйича 15 та, нейроминидаза бўйича 7 та тур ости антиген гурухларга бўлинади. Ушбу вирус одам, чўчқа ва от грипп вируслари А турига авлодий яқин. Паррандалар учун вируснинг Н<sub>5</sub> ва Н<sub>7</sub> серогурухлари ўта патоген ҳисобланади. Вирионлар 9 – 12 кунлик товук эмбрионларида ва хужайралар културасида яхши ривожланади, кўпаяди. Вирус бир неча тур паррандалар, сут емизувчи ҳайвонлар ва одамлар еритроцитларини гемагглютинация қилиш хуссиятига ега. Касалланиб соғайган паррандалар қон зардобида вирусларни нейтралловчи, гемагглютинацияловчи ва комплимент боғловчи антителолар шаклланади.

Кўзғатувчининг чидамлилиги. Вирус юқори ҳароратга чидамсиз, 65-70<sup>0</sup>C да 2-5 дақиқада, паст ҳароратда, аксинча узоқ вақт давомида ўз фаоллигини сақлайди. Масалан 4<sup>0</sup>C да вирус инфексион ва гемагглютинация хусусиятларини бир неча ҳафта сақлайди. Вирус лиофиллашган ҳолатда 4<sup>0</sup>Cда 2 йил, - 70<sup>0</sup>C да 5 йилдан зиёд, музлатилган гўштда 300 кундан зиёд фаол сақланади. Дезинфекторлар (2-3% ли ўювчи натрий, формалин, 4% ли фенол, 5% ли хлорид кислотаси) вирусни 5 дақиқада фаолсизлантиради.

**Диагноз.** Клиник, эпизоотологик маълумотлар (яқинда сотиб олинган паррандалар ёки тухумларнинг мавжудлиги, товуқларда тухумнинг кескин пасайиши, тараларнинг дезинфексия қилинганлиги, охирги марта паррандаларнинг қачон гўштга сўйилганлиги, ферманинг қўшни фермага яқинлиги, унга ёввойи қушларни кириш имконияти, фермага транспорт, бегона кишиларнинг кирганлиги, ўчоқ атрофидаги мавжуд паррандаларнинг клиник аҳволи, оммавий касалланиш, уларнинг сони, ўликлар сони, тарқалиш тезлиги, фермадаги ва атрофдаги паррандаларнинг ушбу касалликка қарши эмланганлиги) ва патологоанатомик ўзгаришларга асосланган диагноз - *дастлабки диагноз ҳисобланади*.

Якуний диагноз лабораториявий текширишларга асосланган бўлади. Бунинг учун лабораторияга касалликнинг ўткир босқичида ўпка, юрак, жигар, мия ва бошқа аъзолар бўлакчалари тезда (1-2 соат ичида) ёки 50% глицеринда йўлланма хат билан бир киши орқали термочемоданда, атрофига муз қўйиб, лабораторияга юборилади. 9-12 кунлик товук эмбрионининг аллантоис бўшлиғига патматериални юбориб, 48 соатдан кейин аллантоис суюқлиги ГАР, НР, ГАТР да вирус мавжудлигига текширилади. Биосинов учун стерил патологик материалдан тайёрланган суспензия 0,5-1 мл микдорда 2-4 ойлик жўжа мушагига юборилади. 3-5 кундан кейин жўжалар касалланади ва ўлади, вирус қучсиз бўлса, жўжанинг қони 5 ва 15 кунлари ГАТР, ПР, КБР да антителолар титрига текширилади. Ушбу реаксияларнинг бирида биринчи марта олинган қон зардобига нисбатан, иккинчи марта олинган қон зардобидаги антителолар титри камида 4 баробар ошиши, грипп касаллигидан дарак беради. Патологик материалда ИФТ усулида вирус антигени аниқланади. Парранда қон зардобида ушбу касалликка қарши антителолар ИФТ ёки ИДР аниқланади. ПЗР ёрдамида патматериалда вирус антигени тури аниқланади.

Ажратма диагноз. Касалликнинг септик шаклини Нюкасл касаллигидан, инфек-сион бронхит (ИБ), инфексион ларинготрахеитдан (ИЛТ) ), пастереллёз, микоплазмоз ва бошқа респиратор касалликлардан фарқлаш зарур. Барча ҳолларда маҳсус лабораториявий текширишлар (вирусологик, бактериологик, серологик, биосинов) ушбу касалликни фарқлашга имкон яратади.

Профилактика ва қарши курашиш тадбирлари. Паррандаларни ёшлари бўйича жойлаштиришда зоогигиеник меъёрлар асосида ва зооветеринария талаблари бажарилишига еришиш зарур. Паррандалар сақланмайдиган бино ўз вақтида тозаланиши, 3 марта дезинфексия қилиниши ва санацияда туриши талаб этилади.

Ушбу касаллик бўйича соғлом (инкубацион тухум берувчи) хўжаликда транспорт ва тараларни мунтазам дезинфексия қилиш, ветеринари-санитария қоидалари бажарилиши талаб этилади. Паррандалар гриппга қарши ваксина билан профилактик эмланади. Касаллик қўзғатувчиларини фермага келтирмаслик ва фермани вирус билан ифлослантирмаслик чораларини кўриш, бошқа ҳайвонларни фермада юришига йўл қўймаслик зарур. Халқ орасида грипп бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш талаб этилади.

Инкубация учун тухум грипп бўйича соғлом хўжаликдан олинади, ундан чиққан жўжалар алоҳида бинода парваришиланади. 45 кунлик бўлганда фаолсизтирилган ваксина билан эмланади. Шартли соғлом паррандалардан олинган пат, парлар  $85 - 90^{\circ}\text{C}$  15 дақиқа давомида қутилиди ёки иссиқ  $45 - 50^{\circ}\text{C}$  ли 3% ли формалдегид билан дезинфексия қилиниб, кейин қутилиди. Фермани доимо тоза сақлаш усули енг кам баҳсга учрайтирилган ва енг самарали еканлиги кўп йиллик тажрибаларда исботланган. Бу тадбир бир вақтда бир қанча касаллик қўзғатувчиларидан ҳимоя етади. Паррандалар гурухларининг бир-биридан алоқасини (контакт) узиш ҳам касалликни олдини олишга ёрдам беради. Мунтазам дезинфексия, дезенсексия ва дератизация тадбирларини ўтказилиши, паррандаларни зоогигиеник меъёрлар даражасида сақлаш ва витаминли озуқалар билан озиқлантириш уларни табиий резистентлигини оширади ва ушбу касалликни олдини олишга ёрдам беради. Фермага кирадиган транспорт воситаларини дезинфексия қилиш зарур. Озуқа сехи ва омборларга ҳар хил ёввойи паррандаларнинг учиб киришига йўл қўймаслик керак. Ҳар бир партия жўжа чиқарилгандан кейин дезинфексия ўтказиш ва теварак атрофдаги хўжаликларнинг ушбу касаллик бўйича епизоотик ҳолатини ўрганиб бориш зарур. Ферма ичкарисига бегона кишиларнинг киришига йўл қўймаслик, паррандаларни хўжалик ичida ветеринария врачи рухсатисиз аралаштирмаслик, ундан паррандалар, тухум ва бошқа парранда маҳсулотлари ҳамда асбоб-ускуналар, жиҳозлар, гўнгларни олиб чиқмаслик талаб этилади.

Грипп касаллигига лабораториявий диагноз паррандалар орасида ферма ёки аҳоли пунктида аниқланиши билан туман ветеринария бош врачи далолатномаси асосида туман (шаҳар) ҳокими қарори билан парранда фермасига ёки аҳоли пунктига карантин қўйилади.

Карантин талаблари бўйича касал паррандалар йўқотилади ва касалликка гумон қилинганлар гўштга сўйилади ва обдон дезинфексия қилинади. Сўйилган паррандалар орасида патологоанатомик ўзгаришлар кузатилса (перитонит, кўкрак бўшлиғида қон қўйилишлар, мушакларини кўкариши), сўйилган гавдалар, чиқндилар йўқотилади. Патологоанатомик ўзгаришлар кузатилмаса, ички аъзолар йўқотилади, тана гўшти қайнатилиб истеъмол қилинади. Касал товуқ тухумлари қайнатилиб йўқотилади.

Хавфли худуддаги соғлом паррандалар эмланади. Паррандалар ёпиқ бинода сақланади, ахлати куйдирилади. Фермага даҳлсиз кишилар (оила аъзоси ёки оғайин бўлса ҳам) ва автотранспорт киритилмайди. Паст баҳоли нарсалар куйдирилади, қолганлари 1,5% ўювчи натрий, креолин, формалдегид билан дезинфексия қилинади. Бозорлар ёпилади.

Туман бош ветеринария врачи ушбу касаллик ўчоғига барча тадбирларни ташкил етиш ва касалликни йўқотиш учун жавобгар етиб бир епизоотолог врачни тайинлайди ва касалликнинг тарқалиб кетишининг олдини олиш ва уни йўқотиш бўйича маҳсус комиссия тузилганлиги ҳақида ҳокимга ёзма ахборот беради.

Шунингдек, қўшни туманлар ва юқори ветеринария ташкилотларига ҳамда туман санитария – епидемиология бўлими ходимларига *грипп* касаллиги пайдо бўлганлиги ҳақида хабар беради. Паррандалар ёпиқ бинода сақланади ва уларнинг маҳсулотлари чиқарил-майди. Касал паррандалар турган бино ахлатдан тозаланади, ювилади ва муңтазам дезинфексия қилинади. Ўлган паррандалар дарҳол куйдирилади.

Ёввойи қушларни фермага келишига ва ҳайвонларни (ит, мушук) киришига йўл кўйилмайди. Дезинфексия учун иссиқ ( $70-80^{\circ}\text{C}$ ) 3% ли ўювчи натрий (експозиция – 3 соат), 2% ли формалдегид, 3-5% ли фаол хлорли оҳак, 1% ли сирка кислота қўлланилади (аерозол дезинфексия  $15-20 \text{ мл}/\text{м}^3$ ).

#### **4.2. Салмонеллёз касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.**

**Марек касаллиги** (лот. - Морбус Марек; ингл. - Марекс Дисеасе; русча- болезн Марека, нейролимфоматоз птиц – синонимлари: парранда фалажи) - паррандаларнинг юқори контагиоз вирус касаллиги бўлиб, паренхиматоз аъзолар ва терида неопластик лимфоид ўсмалар ривожланиши ва нерв тизимининг яллиғланиши билан характерланади.

Қўзғатувчиси. ДНК сақловчи вирус Ҳерпесвирус авлоди ва Ҳерпесвиридае оиласига мансуб. Ўлчами 150-250 нм. Вируснинг антиген тузилиши мураккаб. Унда 6 та, шулардан 3 та асосий антиген компонентлари: А, В ва С аниқланган. А антиген билан заарланган ҳужайралар култураси суюқлигининг чўкмадан юқори қисмида ва ҳужайралар екстрактида ҳам мавжуд бўлади. В ва С антигенлар еса, факат заарланган ҳужайралар екстрактида мавжуд бўлади холос. В антиген Марек ва курка герпес вируслари учун умумий, авлоди бир. А ва В антигенлар кимёвий нуқтаи назардан гликопротеидлар ҳисобланади.

Хозирги замон таснифи бўйича Марек касаллиги вирусининг 3 та серотури мавжуд. Вируснинг 1-серотурига барча онкоген ва аттениуцияланган (кучизлантирил-ган) штаммлари вариантлари киради. Ушбу серотур штаммлари ўзининг патогенлиги билан бир-биридан фарқ қиласди. Улар асосан вирулентли ва юқори вирулентли штаммлардир. XX аср давомида фақат вирулентлигининг ортиши кузатилган. 2-серотурга барча ноонкоген вируслар киради, улар жўжа организмида ўсма ҳосил қиласди. Бу серотур ваксина ишлаб чиқаришда ишлатилади. 3-серотур антиген бўйича курка герпес вируси билан авлодий бир. Бу серотур ҳозирги вақтда Марек касаллигига қарши эмланган товуқлар орасида кенг тарқалган. Вирус товуқ эмбриони ва ҳужайра култураларида яхши ўсиб ривожланади, кўпаяди.

Кўзғатувчининг чидамлилиги. Касал жўжа патида, бино ичида чангда вирус  $37^0$  С да 190 кун, бино ҳароратида 316 кун фаол сақланади. Советқич ҳароратида турган чанг таркибида вирус 459 кун, пат фолликуласида 445 кун фаол сақланади. У ҳар хил обьектларда (тўшама, асобоб-анжомлар ва бошқалар) 1 йилгача сақланиши мумкин. 3 % ли ўювчи натрий, креолин, лизол, 1% ли формалдегид, 3% ли фаол хлорли тинитилган оҳак вирусни 20 дақиқада фаолсизлантиради.

**Диагноз.** Ушбу касалликка дастлабки диагноз клиник белгилар, патологоанатомик ўзгаришлар ва эпизоотологик маълумотлар асосида қўйилади.

Яқуний диагноз қўйиш учун махсус лабораториявий (вирусологик, серологик, гистологик) текширишлар ўтказиш талаб этилади. Лабораториявий текшириш учун унга 5-10 бош касал парранда йўлланма хат билан бир киши орқали юборилади. Улардан қон олинниб, зардобида ИДР да Марек вирусига қарши антителолар ёки уларнинг пат фолликуласи патологик материалида махсус вирус антигенини қайд қилиш билан диагноз қўйилади. Стерил патологик материал билан соғ ёш жўжаларни заарлантириш (биосинов) ёки товуқ эмбриони ёки ҳужайралар культурасида вирионларни аниқлаш орқали яқуний диагноз тасдиқланади.

Ички аъзолар, периферик нерв, тана мусқуллари ва тери гистологик текширилганда уларда диффузли, ўчоқли гиперпластик ва инфильтратив ўзгаришлар қайд қилинади. Инфильтрация жараёнида полиморф ҳужайралар орасида лимфоид ҳужайраларнинг кўп бўлиши Марек касаллиги учун енг характерли белги ҳисобланади. Бундан ташқари гистологик текширишда пат фолликуласи епителия ҳужайралари ўзагида Коудри киритмалари қайд қилинади.

**Ажратма диагноз.** Марек касаллигини биринчи навбатта лейкоздан, гиповитаминозлардан ( $B_1$ ,  $B_2$ , Д, Е), инфексион енсефаломиелит, Нюкасл касаллиги, гриппдан, пастереллёз ва айрим заҳарланишлардан фарқлаш лозим. Марек касаллигини лейкоздан фарқлаш лейкоз мавзусида берилган. Барча ҳолларда комплекс лабораториявий (серологик, вирусологик, бактериологик, токсикологик, биокимёвий ва бошқ) текшириш-лар яқуний диагноз қўйишга асос бўлади.

**Профилактика.** Инкубаторияга тухум фақат ушбу касаллик бўйича соғлом хўжаликлардан олиб келиниши шарт. Жўжа сотиб олиб келишга ҳам худди шундай талаб қўйилади. Паррандалар қатъий ёшига қараб ва зоогигиеник меъёрлар даражасида сақланиши зарур. Паррандачилик фермасига киришда дезобарер, ишчи ва хизматчилар учун санитария ўтказгич бўлиши ва уларнинг ишлашини назорат етиш шарт. Фермада, айниқса, инкубаторияда ва ёш жўжаларни сақлаш биноларида ўз вақтида ҳамда сифатли профилактик дезинфексия ўтказиб туриш талаб этилади. Паррандахоналарни експлуатация етишда “бари банд, бари бўш” тамойилига қатъий итоат етиш талаб этилади. Фермада кемирувчиларга, қон сўрувчи ҳашаротларга, синантроп қушларга қарши мунтазам қарши кураш тадбирларини ўтказиш зарур. Паррандаларни стрессдан сақлаш талаб этилади.

Комплекс чора тадбирлар ичида етук ҳисобланган бўлажак товуқ гуруҳини лейкоз ва Марек касаллиги бўйича соғлом хўжаликлардан олинган жўжалардан ташкил етиш; биноларни камида 1 ойлик санацияда сақлашга еришиш; ҳар куни йиғиб олинадиган тухумларни дезинфексия қилиш; паррандаларни ёшлари бўйича, айниқса, ёш жўжаларни алоҳида сақлашга еришиш талаб этилади. Инкубаторияга қўйиладиган тухумлар албатта камида 12 ойлик товуқлардан олинниши шарт. Паррандахонага ҳавони киришини филтрация қилиш ва унинг чиқишини глутар алдегид аерозоли билан ишлов бериб чиқаришни ташкил етиш зарур.

Бинодан паррандаларни чиқармасдан ҳавони аерозол дезинфексия қилишда 2 та мақсад: 1) жўжаларни аероген зааррлашдан ҳимоя етиш учун уларни бинода сақлаган ҳолда, 2 ҳафта давомида ва ҳар куни 2 марта; 2) епизоотик ўчоқ даврида ҳаво муҳитини тоза сақлаш ва инфексия ўчоини кенг майдонга тарқалишдан сақлаш, кўзда тутилади.

**Қарши курашиш тадбирлари.** Паррандачилик хўжалигига ушбу касаллик лабораториявий аниқланса, у туман ветеринария бош врачи далолатномаси асосида туман ҳокими қарори асосида носоғлом деб эмлан қилиниб, унга *чеклов* қўйилади. Носоғлом паррандахонада комплекс ветеринария-санитария тадбирлари Марек касаллигини кечиш характеристига қараб белгиланади. Агар 5-10% жўжалар касалланган бўлса, фермадаги барча паррандалар ушбу хўжаликнинг алоҳида сўйиш майдончасида ёки гўштни қайта ишлаш корхонасида ветеринария-санитария қоидаларига қатъий роя қилган ҳолда сўйилади.

Паррандалар турган жойлар, инкубатория, автотранспортлар ва бутун ферма худуди обдон тозаланади ҳамда дезинфексия қилинади. Дезинфексия учун 2-3% ли формалин, 3% ли  $65-70^{\circ}\text{C}$  иссиқ ўювчи натрий, 2-3% фаол хлорли оҳак ишлатилади. Сўйилган паррандаларнинг ички аъзолари техник йўқотилади, пат ва парлари дезинфексия қилингандан кейин юлиб олинади ва танаси колбаса қилишга ёки умумий овқатланиш тармоғига юборилади. Агар териси ёки тана мускулларида ўсмасимон шишлар кузатилса, танаси ва ички аъзолари билан йўқотилади. Ахлати ва тўшамалар биотермик заарсизлантирилади.

Тухум, товук гүшти жойлаштириладиган таралар ва соғлом паррандахоналар ҳар 2-3 кунда 2-3% ли иссиқ ўювчи натрий билан дезинфексия қилинади.

Касал ва касалликка гумон қилиниб сўйилган паррандалардан олинган пат ва парлар алоҳида идишдаги 1% ли ўювчи натрийда тайёрланган 3% ли формалдегидга ботириш йўли билан дезинфексия қилиниб, уларни қайта ишлаш корхонасига ветеринария гувоҳномасида ушбу хўжаликни носоғломлиги кўрсатилган ҳолда юборилади. Хўжаликка парвариш қилиш учун жўжа олиб келиш, барча касал паррандалар йўқотилгандан, санация ўтказилгандан 1 ой кейин рухсат берилади. Жўжалар 1 кунлигига вакцинация қилинади.

Хўжаликдан жўжалар 6 ой парвариш қилингандан Марек касаллиги кузатилмаса, якуний дезинфексия ўтказилиб чеклов олинади.

#### **4.3. Пуллороз касаллигининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.**

**Инфексион бронхит** (лот. - Брончитис инфестиоса авиаум; ингл. - Инфестионс Брончитис; русча - инфекционний бронхит кур, нефрозонефрит) - ўта контагиоз вирус касаллиги бўлиб, жўжаларда нафас олиш, товуқларда репродуктив (урчиш) аъзоларининг яллиғланashi ва узоқ вақт давомида тухум қўйишининг пасайиши билан характерланади.

Қўзғатувчиси. РНК сақловчи вирус – Соронавирус авиа, Соронавирус авлодига ва Соронавиридае оиласига мансуб, ўлчами 65-135 нм. Ушбу вируснинг 30 га яқин серовариантлари мавжуд. Россия худудида ажратилган вирус штаммлари кўпроқ Массачусец штаммлари, камроқ ҳолда Коннектикут ва Аёва штаммлари билан авлодий яқин (60%) еканлиги аниқланган. Вирус 8-10 кунлик товук эмбрионида яхши ривожланади. Касаллик учун вирус билан заарлантирилган эмбрионнинг ривожланишдан орқада қолиши (*паканалик*) характерли. Вирусга қарши мойил организмда маҳсус антителолар ҳосил бўлади, уларни маҳсус НР, ПР, БГАР, ИФР билан аниқлаш мумкин. Товуқлар ушбу касалликка қарши шаклланган антителоларни трансовариал равища тухум орқали келгуси авлодга ўтказади. Бундай колострал антителолар жўжаларни 10-15 кун инфексион бронхитдан сақлай олади.

Қўзғатувчининг чидамлилиги. Вирус товук эмбриони аллантоис суюқлигига  $37^{\circ}\text{C}$  да 10 кун,  $20\text{-}30^{\circ}\text{C}$  да 24 кун,  $32^{\circ}\text{C}$  да 3 кун, 50% ли глицериндаги жароҳатланган тўқимада  $4^{\circ}\text{C}$  да 80 кун фаол сақланади. Товуқхона ичида  $17\text{-}23^{\circ}\text{C}$  да 7 кун, ахлатда esa 50-90 кун вирус ўз фаоллигини сақлайди. Вирус  $-30^{\circ}\text{C}$  совуқда 17 йил, лиофиллашган ҳолда 24 йил фаол сақланади. Вирус хлороформ ва ефирларга чидамли, вируснинг кўпчилик штаммлари  $56^{\circ}\text{C}$  да 10-15 дақиқа фаол сақланади. Баҳорда  $12^{\circ} +2^{\circ}$  да, ҳавонинг нисбий намлиги 34-58% бўлганда, вирус 6-11 кун, ёзда  $17^{\circ} +23^{\circ}$  да, ҳавонинг нисбий намлиги 60-90% бўлганда 4-7 кун, қиши даврида температура  $-7\text{-}13,5^{\circ}$  да, нисбий намлик 39-66% бўлганда, 13-21 кун фаол сақланади. 3% ли ўювчи натрий эритмаси иссиқ ҳолда 3 соат, 6,5% фаол хлорли оҳак 6 соатда, 0,5% формалдегин 3-соатда вирусни фаолсизлантиради.

**Диагноз.** Дастребки диагноз эпизоотологик маълумотлар, клиник белгилар, патологоанатомик ўзгаришларга қараб қўйилади. Якуний диагноз лабораториявий текширишлар асосида қўзғатувчини ажратиш, идентификация қилиш, эмбрионни зарарлаш натижаларига асосланиб қўйилади. Шунингдек, ретроспектив диагноз учун касалликнинг бошида ва 2-3 ҳафта ўтгандан сўнг қон зардоларида ушбу вирусга қарши шаклланган антителолар титри текширилади, агар иккинчи марта текширилганда биринчисига нисбатан антителолар титри 4 марта ёки ундан зиёд ошган бўлса, диагноз ишончли ҳисобланади. Патологик материал суспензияси (ўпка, кекирдак, бронх) билан 8-10 кунлик товуқ эмбрионининг аллантоис бўшлиғига заарланирилади. Одатда заарланирилган эмбрион 36-48 соат орасида ўлади. У билан бир вақтда биосинов учун 10-20 кунлик 4-6 бош жўжанинг кекирдагига патологик суспензия 0,5 мл дозада инъексия қилинади. Агар биосинов ижобий бўлса, 18-36 соатдан сўнг инфексион бронхит белгилари пайдо бўлади. Ажратилган вирусни идентификация қилиш учун НР, БГАР, ИДР ва ИФР қўйилади. Антиген сифатида вирусли хориоаллантоис суюқлиги ишлатилади. Парранда организмида вирусни нейтралловчи антителолар касалликнинг 11 кунидан бошлаб шаклланади ва у 25 кун давом етади. Ушбу антителолар товуқ қон зардобида 483 кунгача сақланади. ИДР касалликни ўткир кечишини дарҳол аниқлайди. Унинг ёрдамида касалликнинг 7-куниданоқ антитело борлигини аниқлаш мумкин. Ушбу реаксиянинг сезирлиги 50% гача миқдорни ташкил етади, демак касалларнинг ярмини ИДР билан аниқлаб бўлмайди.

**Ажратма диагноз.** Ушбу касалликни ларинготрахеит, чечак, Нюкасл, респиратор микоплазмоз касалликларидан фарқлаш лозим. Инфексион ларинготрахеит билан катта товуқлар касалланади, жўжаларда бу касаллик сероз конъюнктивит шаклида кечади. Товуқ эмбриони инфексион ларинготрахеит ва чечак вируслари билан заарланирил-ганда аллантоис пардада тугунчали, ўчоқли жароҳатлар пайдо қиласи. Типик чечакни теридаги жароҳатлар билан фарқлаш осон, бошдаги - тож, сирғаларда чечак тошмалари бўлади. Нюкасл касаллигига нафас аъзолари ва ичакларда яллигланиш, оёқларда фалаж-ланиш бўлади. Ньюкасл вируси ҳайвонлар ва паррандалар еритроцитларини агглютина-сия қилиш хусусиятига ега, бу хусусият инфексион бронхит вирусида йўқ. Респиратор микоплазмоздан фарқлаш бироз қийинроқ. Бунинг учун ГПБ ва Едвард агариға экиласи, микоплазма култураси ўстирилади, кейин патогенлиги аниқланади. Барча ҳолларда комплекс лабораториявий текширишлар якуний диагноз қўйишга асос бўлади. Профилактика ва қарши қурашиш тадбирлари. Инфексион бронхит вирусини парранда фермасига киритмаслик учун инкубацион тухум ва 1 кунлик жўжалар фақат серологик текширишда маҳсус антителолар аниқланмаган соғлом хўжаликдан олиниши зарур. Соғлом (инкубацион тухум берувчи) хўжаликда барча транспорт ва тараларни мунтазам иссиқ 3% ли каустик сода, 3-4% ли формалин билан аерозол ҳолда  $15-20 \text{ мл}/\text{м}^3$  ҳисобида дезинфекция қилиш, ветеринария – санитария қоидаларни бажариш талаб этилади.

Инкубацион тухумлар инкубаторияга қўйишдан олди и формалдегид буғи (25-30 мл формалин, 17-20 г калий перманганат, 12-15 мл сув 1 м<sup>3</sup> бино ҳавосига кунига 2-3 марта 2 соат оралиқда) билан дезинфекция қилинади. Навбатдаги паррандалар гурухини жойлаштиришдан олдин бино тозаланиши, 1% ли формалдегид ёки 2% ли ўювчи натрий билан дезинфекция ўтказилиши ва камида 10—14 кун (10 кун клеткада ва 14 кун полда сақланувчи паррандалар учун) давомида санацияда туриши талаб этилади. Бино 1 йилда камида 30 кун санацияда туриши керак.

Инфексион бронхитнинг олдини олишда паррандаларни зоогигиеник мөърлар даражасида сақлаш, тозаликка риоя қилиш, паррандахоналар ҳароратини нормал ушлаб туриш каби омилларнинг аҳамияти бекиёсdir. Бундан ташқари, озиқлантиришни тўғри олиб бориш, рационга организм учун керакли оқсил, углевод, минерал ва витаминалрга бой озуқаларни киритиш керак. Она товуқларнинг яшаш шароитини яхшилаш ва сифатли озуқалар билан боқиш, улардан талабга жавоб берадиган инкубацион тухумлар олишни ва очиб чиқсан жўжаларнинг нормал соғлом ривожланишини таъминлайди.

Паррандачилик фермасида ИБ лабораториявий аниқланса, у туман ветеринария бош врачи далолатномаси асосида туман ҳокими қарори билан носоғлом деб эмлан қилиниб, унга *чеклов* қўйилади. Носоғлом паррандахонадаги барча касал ва касалликка гумон қилинган паррандалар ўлдирилади, обдон дезинфекция қилинади. Дезинфекция учун 2-3% ли формалин, 3% ли 45° С иссиқ ўювчи натрий, 5 % ли фаол хлорли оҳак ишлатилади. Колган бинолардаги товуқлар касалланса, барча касал ва нимжон товуқлар ҳар куни ўлдирилади ва ундан гўшт-суяк уни тайёрланади. Ахлати ва тўшамалар биотермик заарсизлантирилади. Инкубатория, носоғлом хўжалик ҳудуди ва соғлом паррандахоналар ҳар 2-3 кунда обдон тозаланиб, 2-3% ли иссиқ ўювчи натрий билан дезинфекция қилинади. Бинолардаги паррандалар соғлом бўлса, уларни ташқарига чиқармасдан 2% ли фаол хлорли натрий гипохлорид билан 0,5 мл/м<sup>3</sup> ҳисобида (15 дақ.) дезинфекция қилса ҳам бўлади. Носоғлом ферманинг узоқроқ жойида янги, соғлом жўжалар соғлигича қолса, улар умрининг охиригача касал паррандалар, носоғлом бино, ҳудуд билан бевосита ёки билвосита kontaktда бўлмаслигини таъминлаш керак. Хўжаликдан охирги касал йўқотилгандан 3 ой кейин, барча соғлом-лаштириш тадбирлари ва якуний дезинфекция ўтказилиб *чеклов* олинади.

**Инфексион ларинготрахеит** (лот. - Ларинготрачеитис Инфестиоса; ингл. – Ларинготрачеитис; русча - инфексионний ларинготрахеит) – контагиоз инфексион вирус касаллиги бўлиб, катарал ва фибринли-геморрагик ринит, трахеит, конъюнктивит ва буғилиш ҳодисасини кузатилиши билан характерланади. Кўзғатувчиси. ДНК сақловчи вирус – (Херпес вирус галли-1) Херпесвиридае оиласига мансуб. Вирион ўлчами 45-110 нм. Вирион асосан 3 та компонентдан: нуклеоид, капсомерли капсид ва қобикдан иборат.

Вирус 7-9 кунлик товук эмбрионининг хориоаллантоис қобиғида ва бирламчи ва қайта-қайта чексиз ўсуви хужайралар културасида СПТ кўрсатиб қўпаяди. Вирус 3-4 кунда ситопатик таъсири қўрсатади. Табиатда юқори вирулентли штаммлардан ташқари табиий кучсизланган штаммлар ҳам мавжуд. Вирус касалланган паррандалар томоқ екссудатида ва кекирдагида кўп микдорда учрайди. Айрим ҳолларда жигар ва талоғида ҳам аниқланиши мумкин. Касаллик вируси Беркефелд, Зейц ва мембрани филтрлардан ўтади. Қўзғатувчининг чидамлилиги. Вируснинг ташқи муҳит таъсиrlарига чидамли-лиги унча юқори емас. Ўювчи натрий, крезол, хлорли оҳак, формалин ва креолин аралашмасининг (3:1) 1м<sup>3</sup> хона ҳавосидаги 15 мл микдори вирусни тез фаолсизлантиради.

Вирус фосфат буферида тайёрланган 50% ли глицеринли кекирдак екссудатида 37° С ҳароратда 7-14 кунгача ўз вирулентлигини сақлайди. Парранда турган бинода паррандалар бўлмаса вирус 6-9 кунда фаолсизланади, сувда 1 кечакундуз фаол сақланади. Ўлган парранда жасадида 30 кун, у 1 м тупроққа кўмилганда -47 кун, вирус билан сунъий ифлослантирилган пат, пар ва донли озуқада 154 кунгача ўз фаоллигини сақлайди. Инкубатория шкафларида 4 кун фаол сақланади.

**Диагноз.** ИЛТга дастлабки диагноз эпизоотологик, клиник ва патологоанатомик маълумотлар асосида қўйилади. 35 кунлиқдан 7-8 ойликкача товуқларнинг касалланиши, касалликнинг епизоотия шаклда кечиши, тез тарқалиши, нафас олишнинг бузилиши, яъни йўтал, бўғилиш, томоқ ва кекирдак шиллиқ пардаларининг геморрагик ва катарал яллигланиши ҳамда ўпка, бронхлар ва бошқа ички аъзоларда деярли ўзгариш бўлмаслиги бу касалликка диагноз қўйишда катта аҳамият касб етади.

Лабораториявий усуллар билан қўйилган диагноз якуний ҳисобланади. Бунда келтирилган патологик материал бактериологик усуллар ёрдамида текширилиб, бактериал касалликлар истисно қилинади. Сўнгра патологик материалдан 1:5 еки 1:8 нисбатда суспензия тайёрланиб, 30-60 кунлик жўжалар заарлантирилади ва кузатув олиб борилади. Агар текшириладиган материалда ИЛТ вируси бўлса, кекирдакка юборилган жўжаларда 3-5 кундан сўнг касаллик белгилари пайдо бўлади. Клоакаси заарлантирилган жўжаларда 3-5-кунлари клоака шиллиқ пардасида қизариш, шиш ва серозли шиллиқ суюқлик ажralиб туриш ҳоллари кузатилади. Заарланган товук эмбрионининг хориоаллантоис пардасида характерли оқ-кулранг тутунчалар пайдо бўлади. Ҳозирги вақтда товуқларнинг инфексион ларинготрахеит касаллигига ретроспектив диагноз қўйиш учун нейтраллаш, ГАТР, ИДР реаксиялари қўлланилади. Ажратма диагноз. Ушбу касалликни инфексион бронхит, гиповитаминос А, респиратор микоплазмоз ва чечакдан фарқлаш керак. Чечак ИЛТ дан терининг жароҳатланиши билан фарқ қиласи. Инфексион бронхит касаллиги табиий шароитда 1 ойлик бўлган жўжаларда учрайди ва ўпка ҳамда бронхларнинг жароҳатланиши билан кечади. Барча ҳолларда комплекс лабораториявий текширишлар якуний диагноз қўйишга асос бўлади.

Профилактика ва қарши курашиш тадбирлари. ИЛТ вирусини парранда фермага киритмаслик учун инкубацион тухум ва 1 кунлик жүжалар фақат соғлом хұжалиқдан олиниши зарур. 1 кунлик жүжаларни асосий паррандалар биносидан узокроқ алоҳида жойлаштириш зарур.

Соғлом (инкубацион тухум берувчи) хұжаликда барча транспорт ва таралар мунтазам иссиқ 3% ли каустик сода, 3-4% ли формалин билан аерозол қолда 15-20 мл/м<sup>3</sup> ҳисобида дезинфекция қилиниши, ветеринария – санитария қоидаларни бажариш талаб этилади. Навбатдаги паррандалар гурухини жойлаштиришдан олдин бино тозаланиши, дезинфекция ва камида 10 кун (клеткада) 14 кун (полда сақланувчи) давомида санация қилиниши талаб этилади. Бино 1 йилда камида 27 кун санацияда туриши керак. Ҳар куни ҳаво алмаштириш ва микроклимат назорат етилиши, аммиак миқдори 0,01 мг/л, водород сулфид – 0,006 мг/л, карбонат ангиридид - 0,2% ва нисбий намлиқ 60 -70% дан ошмаслиги зарур.

ИЛТ касаллигига қарши курашишда паррандаларни түғри парвариши қилиш, яъни зоогигиеник меъёрлар даражасида сақлаш, тозаликка риоя қилиш, паррандахоналар ҳароратини нормал ушлаб туриш каби омиллар аҳамияти бекіёсdir. Бундан ташқари, озиқлантириш рационига организм учун керакли оқсил, углевод, минерал ва витаминларга бой озуқаларни киритиш керак. Она товуқларнинг яшащ шароитини яхшилаш ва сифатли озуқалар билан боқиши, улардан талабга жавоб берадиган инкубацион тухумлар олишни ва тухумдан чиққан жүжаларнинг нормал соғлом ривожланишини таъминлайди.

Паррандачилик фермасида ИЛТ лабораториявий аниқланса, унга туман ветеринария бош врачи далолатномаси асосида туман ҳокими қарори асосида чеклов қўйилади. Носоғлом хұжаликда барча касал ва касалликка гумон қилинган паррандалар ўлдирилади, товуқхона обдон тозаланиб дезинфекция қилинади. Дезинфекция учун 2-3% ли формалин, 3% ли 6570<sup>0</sup> С иссиқ ўювчи натрий, 2-3% фаол хлорли оҳак ишлатилади.

Носоғлом ва касалликка хавфли хұжаликлардаги барча шартли соғлом паррандалар ларинготрахеитга қарши ваксина билан эмланади. Улар паррандаларни парвариши қилиш муддатининг охиригача ажратилған қолда сақланади. Агар юқоридаги усууллар билан ларинготрахеит касаллигидан соғломлаштиришнинг иложи бўлмаса, 1-2 ойга жўжа олиш тўхтатилади. Бу давр оралиғида инкубатория, носоғлом хұжалик ҳудуди ва паррандахоналар тозалаб дезинфекция қилинади. Бу шароитларда ўстириладиган янги, соғлом паррандалар умрининг охиригача касал паррандалар, носоғлом хұжалик билан бевосита ёки билвосита контактда бўлмаслигини таъминлаш керак. Агар жўжа очиришни тўхтатишнинг иложи бўлмаса, 25-30 кунликдан бошлаб барча паррандалар эмланади. Бу чора самарали ҳисобланиб, деярли барча жўжаларни ларинготрахеитга чалинишдан муҳофаза қиласи.

Хұжаликдан охирги касал йўқотилгандан 2 ой кейин, барча соғломлаштириш тадбирлари ва якуний дезинфекция ўтказилгандан сўнг чеклов олинади.

## **Назорат саволлари:**

1. Нюкасл касаллигига таъриф беринг ?
2. Нюкасл касаллгининг клиник белгилари ?
3. Марек касаллгида дифференсиал диагноз қўйиши ?
4. Марек касаллигига таъриф беринг ?
5. Инфексион бронхит касаллигининг клиник белгилари ?
6. Инфексион бронхит касаллигига дифференсиал диагноз қўйиши ?
7. Инфексион ларингатрахеит касаллигининг эпизоотологияси.
8. Инфексион ларингатрахеит касаллгида қарши курашиш тадбирлари қандай амалга оширилади.

### **Махсус адабиётлар**

1. Салимов X.C., Қамбаров А.А. Эпизоотология, Дарслик, Тошкент, 2016 й. 560 бет.
2. Парманов М.П. ва бошқ. «Хусусий эпизоотология». Дарслик. Самарқанд, 2010 й.
3. Бакиров Б. ва бошқ. Ҳайвонлар касалликлари. Маълумотнома. Самарқанд. Ф.Насимов X/K. 2019. 552 б.

### **Хорижий адабиётлар**

1. Quinn P.J. Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. Australia. 2013 year.
2. M.Jackson Veterinary clinical pathology. America 2010 year.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. X.C. Салимов, Б. Сайитқулов, И.Х.Салимов. Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли лугат ва маълумотнома.-Т. ТАФАККУР НАСҲИРИЙОТИ”, 2013.
2. Ветеринария медицинаси журнали. Т. 2018-2020.йиллар

#### **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

##### **1-Мавзу: Инфексион касалликларга иммунологик ва серологик диагноз қўйишининг илмий асослари.**

**Машғулот мақсад:** Режса бўйича ёппасига қон олишини ташкил етиши, ҳар бир тингловчи қон олишини тўлиқ бажарини ўзлаштириши, бу иши турли қишлоқ ҳайвонларида бажарилади. Лаборатория текширувига қон олиб жўннатиши, қон намуналарини консервация қилиши (стабиллаш) йўлланма хатни тўлдирини ва юбориш тартиби.

Нурланувчи антителолар усули асосида люминесценсия жараёни ётади. Унинг моҳияти шундаки, ҳар-хил моддаларнинг атомлари ҳар хил турдаги қувватларни (ёрглиқ, электр ва бошқа) ютиб қўзғалиш ҳолатига келади ва сўнгра аввалги ҳолига қайтиб ютган енергиясини ёриғлик нури сифатида тарқатади. Люминесценсия, флуоресценсия ёки фосфоресценсия кўринишида юзага келади. Флуоресценсия - нур сочиш, тўлқинли нур билан нурлантирилганда содир бўлиб ( $10^{-9}$  дан то  $10^{-7}$  С) нурлантириш тўхтагандан сўнг, нур сочиш ҳам тўхтайди. Фосфоресценсия - қўзғалиш жараёни тўхтагандан кейин ҳам нур сочиш узоқ вақт давом етади. Тирик организмнинг кўпгина моддалари ўзининг шахсий флуоресценсияга (айтофлёрессенсия) ега, бироқ унинг қуввати жуда ҳам кам. Флуорохромлар (нур сочувчи ранглар) нур сочмайдиган моддаларга нур сочиш хусусиятини берувчи моддалар ҳисобланади. Бундай флуоресценсиялар иккиласи дейилади. Флуорохромлар люминесцентли микроскопларда, биологик объектларга ишлов бериш учун кенг қўлланилади. Люминесцентли нур сочиш Стокс қоидасига амал қиласи, бу қоидага биноан флуоресценсия нури қўзғатувчи нурга қараганда ниҳоят узун тўлқинга ега. Агар қўзғатувчи нур кўп бўлса, флуоресценсия нури еса-яшил бўлади. Бу еса ниҳоят равshan қўзғатувчи нурдан кам қувват флуоресценсияни филтрлаб олишга имкон беради. Люминесценсия микроскопда флуоресценсияни қўзғатиш учун яқин ультрабинафша ёки кўк бинафша спектр қисмлари ишлатилади. Люминесцентли микроскоп еса маҳсус люминесцент ёрдамида амалга оширилади. Ҳозирги вақтда лабораторияларда МЛ-1, МЛ-2, МЛ-3 ва “Люмам” сериали люминесцент микроскоплари ишлатилади. (61-расм). Люминесцент микроскопида кўк-бинафша қисмли спектрни ажратиш учун бир қанча ёриғлик филтрлар (ФС-1,CC-4+CC-8) ишлатилади; Иссиқликдан оптикаларни ва препаратларни рангизланишиб қолишидан ҳимоя қилувчи (СЗС-14,СЗС-7,БС-8, сув солинган ёки аччиқ тош эритмаси қуйилган бочкага) филтрлар ва микроскопнинг окулярида еса қўзғалган нурни тўсувчи ҳамда люминесценсия нурини ўтказувҳси (ЖС-18,ЖС-3) филтрлар билан таъминланган бўлади.

Люминесцент микроскопи қоронғи хонага жойлаштирилган столга үрнатиласы. Микроскопни тебранмаслигини таъминлаш зарур, чунки микросурат олганда ҳалақит беради.

Хона яхши шамоллатилган бўлиши керак, чунки нур манбаидан тарқалувчи газ соғлиққа зарар етказиши мумкин. Агар ток кучи 4-5А бўлганда микроскопдаги нур берувчи чироқ ўзининг нур бериш қувватига 5-10 дақиқадан сўнг еришади.

Иккинчи марта чироқни ёқиши учун, уни дастлаб тўласинча совутиш керак. Кўпинча текширувчилар, препаратларни люминесцент микроскопда текширишни юқоридан тушадиган нур остида олиб боради, чунки у препаратни пастидан ёритиб кузатишда қатор қулайликларга ега, нур кам сарфланади, қўзғатувчи нурнинг спектрлар таркиби яхши, текширувчининг кўзига нур кам тушади ва объектларни ёритиш катталашади.

Люминесцент микроскопида ишлатиш учун ўзидан нур сочмайдиган юқори сифатли иммерсияли мойлар ишлатиласы. Айрим пайтлар унинг ўрнини босувчи-диметилфталат қўлланилади, бироқ уни узоқ вақт қўллагандан объектларнинг сифати бузилади.

Вирусология амалиётида люминесцент микроскопни асосан икки усулда ишлатиласы: флуорохромлар (нур берувчи ранглар билан бўяш) ва нурланувчи антителолар усулида.

Флуорохромлаш-препаратларни нур сочиш қувватини ва контрастлигини ошириш мақсадида флуорохромлар билан ишлив бериш. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноатида маҳсус флуорохром тўпламлари чиқарилади. Енг кўп қўлланиладиган акридин гурухи (тўқ сариқ акридин, сариқ акридин ва бошқалар) ва тиозил гурухи (примулин). Флуорохромларнинг паст концентрациядаги сувдаги эритмалари кўп ишлатиласы (1:1000 дан то 1:1000000). Флуорохромлаш усулини айрим вирусларни (чечак, Борн касаллиги, адено-вирус касалликларида) ўрганишда қўллаш мумкин.

Уларнинг орасида тўқ сариқ акридин катта аҳамиятга ега, у нуклеин кислоталарнинг полихроматик флуоресценсиясини чақиради.

Нурланувчи антителолар усули (НАУ), ёки иммунофлуоресценсия реаксияси (ИФР):

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, флуорохром билан бўялган ёки белгиланган антителолар ўзининг гомологик антигенлари билан боғланиш хусусиятини сақлаб қолади. Ҳосил бўялган антиген+антитело комплекси люминесцент микроскопи остида ўзининг характерли нур сочишига қараб кўринади ва топилади. Шундай қилиб, НАУ ёрдамида серологик реаксиянинг дастлабки даврини назорат қилишга имкон яратилади, шу сабабли реаксиянинг маҳсуслигига унинг юқори сезирлиги қўшилади.

Антителолар олиш учун, юқори активликга ега бўялган, бегона антителолардан тозаланган вирусга қарши гипериммун зардоблар ишлатиласы.

Бу зардблардан унинг антителосини сақловчи гомогенли фраксияси ажратилади ва улар флуорохромлар билан белгиланади. Флуорохром сифатида кўпинча флуорессен изотиоционат-ФИТС (яхши нур сочувчи) ва родамин сульфохлорид-РСХ (қизил нур сочувчи). Флуорохромлар билан белгиланган антителоларни конъягат деб аталади.

Конъягатлар ампулаларга қўйилиб- $20^{\circ}\text{C}$  ёки ундан ҳам паст ҳароратда сақланади. Ундан ташқари конъюгатларга 1:10000 тиомерсал қўшиб  $4^{\circ}\text{C}$  ҳароратда сақлаш мумкин. Нур сочувчи зардблар ёки уларнинг глобулинли фраксиялари лиофилланиб қуритилган ҳолда узоқ вақт ўзининг активлигини сақлайди. Конъюгатнинг ҳар қайси сериясини ишлатганда, дастлаб унинг ишчи суюлтирилганини тажриба йўли билан аниқланади, чунки у нафақат нурланувчи зардобнинг сифатига боғлиқ балки препаратларнинг люминесцент микроскопи остида ёритилганлигига ҳам боғлиқdir. Бу мақсад учун конъюгатнинг ҳар хил суюлтирилгани (ёрлиқда қўрсатилган ишчи суюлтирилган 1-2 суюлтириш даражаси юқори ва паст) билан бўялган препаратлар микроскоп остида кузатилиб яхши нур сочадиган юқори суюлтирилгани танланиб, бўяш титри икки марта оширилади.

### **Препаратларни тайёрлаш**

Иммунофлуоресцент усули билан текшириш олиб борилганда, суртма, тамға, гистологик кесмалар ва ўстирилган ҳужайралардан фойдаланилади.

Ишлатиладиган буйм ойналари юпқа, тоза ёғсизлантирилган ва тирналмаган бўлиши керак.

Шунинг учун уларни нейтрал суюқликларда ювилади, дистилланган сувда чайилади ва спирт аралашмасида ёки спирт билан ефир аралашмасида сақланади. Ишлатишдан олдин буюм ойналари спирт лампа алансасида тобланиб сўнгра совутилади.

Аввалдан ёпиштирилган лейкопластрга керакли ёзувлар оддий қалам билан ёзилади.

Бошқа хил қаламлар билан ёзилганда препарат фиксациялаганда ериб кетиб, флуоресцияловчи зардблар билан ишлов беришга ҳалакит беради. Суртмалар ювиндилардан ва бошқа суюқликлардан тайёрланади.

Суртма-тамғачалар организмнинг қайси тўқимасида ёки органида вирус кўп тўпланса, ўша материалдан тайёрланади. Кутуриш касаллигига диагноз кўйиш учун миядан; отларнинг ринопневмониясида ва итларнинг гепатит касаллигига-жигардан; грипп, йирик шохли ҳайвонларнинг юқумли ринотрахеит, аденоvirus касалликларида бурун, тамоқ ювмаларидан суртмалар, тамғалар еса бурун бўшлиғи, бронх ва кекирдак шиллик пардаларидан тайёрланади; чечак касаллигига суртмалар везикулалардан, папулалардан тайёрланади. Грипп вирусини аниқлаш учун ва бошқа респиратор касалликлар қўзғатувчиларини топиш учун, бурун йўллари шилликлардан тозаланади пахта тампон ёрдамида суртма олиниб, буферланган физиологик эритма ёки озиқа муҳитлари қуйилган пробиркаларга жойлаштирилади. Сўнгра, тампон чайилади, сиқилади ва олиб ташланади, эритма сентрифугаланиб унинг чўкмасидан суртмалар тайёрланади.

Кўп қаватли ясси епителий билан қопланган масалан тамоқ, кўз шиллик пардаси, қин шиллик пардаларини текшириш учун, дастлаб шиллик моддалардан тозаланади ва қириб (қиртишлаб) олинади. Одатда бу епителийлардан тайёрланган препаратлар текширишга ярамайди, чунки улар аутофлуорессенсияга ега. Шу сабабли препаратларни қиртишлаб олинган жойлардаги ҳужайралардан тайёрланади.

Органлардан тамғалар тайёрлаганда буюм ойначалари органнинг сиртига тегизилади. Тамғалар юпқа ва текис бўлиши керак. Суртма тамғачалар ҳавода қуритилгач, сўнгра фиксацияланади ва ишлатилгунга қадар музлатгичларда сақланади ( $4^{\circ}\text{C}$ - $70^{\circ}\text{C}$ ). Назорат учун соғ-ҳайвонларнинг органларидан шу йўл билан препаратлар тайёрланади. Агар вирусларни олдиндан ўстирилган ҳужайраларда тўплаш керак бўлса, унда ўстирилган ҳужайралар пробиркага солинган ёпқич ойначалар юзасида ўстирилади.


Бу пластинкалар заарлантырылғандан сүнг ҳар-хил вақтларда чиқариб олиниб, озиқ мұхитлардан тозалаш учун физиологик эритма билан ёки фосфат буфери эритмаси билан секин ювилади. Сүнгра хона ҳароратида ёки тоза фільтр қоғози ёрдамида қуритилади ва фиксацияланади. Вирус антигенлари учун енг яхши фиксатор тоза ацетон ҳисобланади, унинг минус  $10-15^{\circ}\text{C}$  совутилгани ёки метил спирти ишлатилади. Препаратлар 10-20 дақиқа давомида фиксацияланади. Фиксациялаш вақти ва ҳарорати вируснинг турига боғлик. Ўта ҳавфли вирусларни фиксациялаш вақти чўзилади. Нурланувчи антителоларнинг бевосита ва билвосита усууллари маълум.

## А.Бевосита усул (бир зинали)



## Б. Билвосита усул (икки зинали)

1. Антигенни нурланувчи антиглобулин ёрдамида топиш  
И-босқич ИИ-босқич



## 2. Антигенни нурланувчи комплемент ёрдамида топиши.



1. Бевосита ёки бир зинали усулни (Welller va Соонс, 1954) ҳар хил вирус антигенларини индикациялаш учун қўллаганда ҳар қайси антиген учун нурланувчи антителолар ишлатилади. Препаратга тўғридан тўғри конюгат томизилиб  $37^{\circ}\text{C}$  намлантирилган камерада 20-60 дақиқа ишланади, айrim текширувчилар еса бу жараённи  $4^{\circ}\text{C}$  да узокроқ вақт олиб борган.

Антиген билан боғланмаган конъюгатлардан тозалаш учун препаратлар физиологик эритма ( $\text{pH } 7,2\text{-}7,5$ ) билан ювилади. Сўнгра уларни ҳавода куритилади, нурланмайдиган мой томизилиб микроскоп остида кузатилади.

Нурланишни специфилигига ва равшанлигига қараб унинг натижаси ҳисобланади ва тузилишининг ўзига хослигига қараб қуйидаги шкалаларда белгиланади. Назорат сифатида таркибида текшириладиган вирус йўқ препаратлар олинади (нормал ўстирилган ҳужайралар, соғлом ҳайвонларнинг органларидан тайёрланган тамгалар). Уларга бир вақтда тажрибадаги препаратларга ишлов бергандек ишлов берилади (63-расм). Текшириладиган препаратлардаги специфик бўлмаган нурларни пасайтириш мақсадида контрастлаш усули қўлланилади. Бунинг учун текшириладиган суртмаларга от ёки хўқиз зардоби альбуминининг родамин билан белгиланган суюқликлар билан ишлов берилади. Натижада микроскоп остидаги препаратлардан специфик антигенлар яшил нур сочади, препаратларнинг таги еса тўқ сариқ ёки қўнғир рангли кўринишда бўлади. Биофабрикаларда чиқариладиган куритилган специфик нур сочувчи иммун зардоллар ва альбуминлар, суртмаларни бўяшдан олдин ёрликда кўрсатилган ҳажмда дистилланган сув билан еритилади. Яхши препаратлар одатда тез ва чўқмасиз ерийди. Улар еритилганда лойқаланса ва чўкма ҳосил қиласа 6000 айл / дақиқа сентрифугаланиб лойқадан ва чўкмадан тозаланади. Еритилган препаратларни  $4^{\circ}\text{C}$  сақланганини бир неча ҳафтагача ишлатиш мумкин. Текшириладиган препаратларга ишлов беришдан олдин специфик конъюгат билан нур сочувчи альбуминнинг ишчи суюлтирилгани тайёрланади. ФИТС билан белгиланган нурланувчи иммунли глобулин аралашмаси родамин билан белгиланган альбумин аралашмалари орасидаги нисбат тажриба йўли билан аниқланади, чунки уларнинг серияларини активлиги чиқарилгандан то ишлатилганича ўзгариши мумкин.

Бевосита усул антигенларни топади ва фарқлайди. Бунинг учун, ҳар қайси вирусга ўзининг нурланувчи зардоби бўлиши керак.

2. Билвосита ёки икки зинали усулда дастлаб антигенга нурланмайдиган антитело билан ишлов берилади (1-зина). Натижада антиген+антитело комплекси ҳосил бўлади, уларни топиш учун еса нурланувчи турга қарши зардоб ишлатилади. Турга қарши зардобни вирусга қарши зардоб олинган ҳайвон глобулинлари билан емлаб олинади. Кўпинча қуён, от ва денгиз чочқачаси глобулинларига қарши зардoblар ишлатилади. Билвосита усулда, фиксацияланган препаратларга (юқорида кўрсатилгандек шубҳа қилинадиган вирусга қарши белгиланмаган зардоб ёки гамма-глобулинлар томизилади, сўнгра препарат  $37^{\circ}\text{C}$  да 30 дақиқа давомида ушланади.

Боғланмаган антителолар ювиб ташланади. Препаратга таркибида қайси ҳайвондан вирусга қарши антитело олинган бўлса, шу ҳайвоннинг гамма-глобулинига қарши антитело сақловчи конъюгат томизилади, агар товуқлардан олинган антитело ишлатилса, унда фақат товуқларнинг гамма-глобулинига қарши ва флуорохром билан белгиланган антителолар ишлатилади. Бу конъюгатлар билан бўяш вақти худди бевосита усулдагига ўхшаш. Препаратлар боғланмаган белгиландан антителолардан ювиб ташланади, унга нур сочмайдиган мой томизилиб люминесцент микроскопи остида кузатилади (64-расм).

Билвосита усулнинг бир қанча афзалликлари мавжуд, у нафақат антигенларни топища ишлатилади, шунингдек антителоларни титрлашда ҳам кўлланилади. Бу усул бевосита усулга қараганда бир неча марта сезгир, чунки антигеннинг ҳар қайси молекуласи одатда антителонинг бир қанча молекуласини боғлайди. Бу антителолар еса ўрганиладиган антиген билан боғланиб ўз навбатида нурланувчи антиглобулинларга антиген ҳисобланади ва уни кўпроқ боғлайди. Ундан ташқари, бу усулда кўпгина ҳар хил вирусларнинг антигенларини ягона белгиланган зардоб билан топиш мумкин.

Яхши конъюгатлар дарҳол ерийди ва чўкма ҳосил қилмайди. Еритилган конъюгатларни  $2\text{-}4^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 1-2 ойгача сақлаш мумкин.

Конъюгатларни ишчи суюлтирилганидан қуюкроқ концентрацияларини ишлатганда специфик бўлмаган нурланишларни кузатамиз. Билвосита усулнинг бир қанча хиллари ишлаб чиқилган. Шулардан комплементни кўллаш кўпроқ эътиборга лойиқdir. (Голдвассер ва Шепард, 1958). Бу усулда препаратларга активлиги йўқотилган ва флуорохром билан бўялган зардoblар ва комплемент томизилади, сўнгра антиген+антитело+комплемент комплексини кўриш мақсадида препаратга комплементга қарши нурланувчи зардоб томизилади. Бу вариант биринчисига қараганда сезгир ҳисобланади ва универсал ҳамdir, чунки ҳар-хил вирус антигенларини топиш учун ягона нурланувчи комплементта қарши зардоб керак бўлади. Билвосита усулнинг ҳар икки вариантлари ҳам антигенларни топиш ва фарқлаш учун ҳамда специфик антителоларни титрлаш учун ишлатилади. Аввалдан аниқ вирус сақловчи материаллардан тайёрланган суртмаларга текшириладиган зардобнинг ҳар-хил суюлтирилгани билан ишлов берилгач улардаги специфик антителони топиш ва унинг титрини аниқлаш ҳам мумкин.

Бу усул вирус касалликларининг серологик диагностикасини тезлаштиради ва соддалаштиради. (Оқсил касаллигига диагноз қўйиш бўлимига қаранг антителоларни аниқлаш ва титрлаш усули). НАУ биологиянинг ҳар хил соҳасида кенг қўлланилмоқда. Айниқса вирусологияда жуда кенг қўлланилмоқда. НАУ усулининг юқори специфилги, сезирлиги, оддийлиги ва тез жавоблиги туфайли вирус антигенларини топиш ва фарқлаш учун ишлатилади. Бу усулнинг айниқса ситопатик таъсир чақирмайдиган, гемагглютинациялаш ва гемадсорбсиялаш қобилиятига ега бўлмаган вирусларни аниқлашда катта аҳамиятга ега;

Вирусга қарши антителоларни ҳамда хусусий антителоларни топиш ва титрлашда НАУ антигенлари билан хужайралар орасидаги ўзаро таъсир жараёни, морфологиясини ўрганишни, хужайраларда вирус антигенининг тўпланиш динамикасини, вирус антигенларининг боғлиқлигини, ҳамда вирус касалликларининг патогенезини ўрганишга имкон яратади.

Айниқса бу усулнинг аралаш ва сурункали кечувчи вирус касалликларини ўрганишдаги аҳамияти катта. НАУ диагностиканинг експресс-усулига тегишли, чунки қисқа вақт ичида (бир неча соат) у вирус антигенларини оз микдорда бўлса ҳам топади. Аммо, лаборатория диагностикаси жараёнида НАУ кўпинча қониқарсиз натижалар беради. Бунинг асосий сабаби реаксия натижасининг специфилик даражасини изоҳлаши мумкинлиги, бу еса кўпгина факторларга боғлиқ. Специфик бўлмаган реаксиянинг табиати тўласинча ўрганилмаган.

Бироқ айрим сабаблари аниқланган, улар қўйдагилардан иборат;

1) Коньюгатнинг таркибида оқсиллар билан боғланмаган флуорохромлар борлиги;

2) Коньюгатда бегона антителоларнинг борлиги;

3) Специфик бўлмаган ҳолда препаратда белгиланган оқсилларнинг адсорбсияланиши.

Хозирги вақтда НАУ ҳайвонларнинг кўпгина вирус касалликларига диагноз қўйишида кенг қўлланилади.

### **Гелда диффузияли преципитация реаксияси.**

Гелда диффузияли преципитация реаксияси ДПР (синонимлари: гел-преципитация реаксияси, гелда иккиламчи диффузияланиш реаксияси ) антитело ва ериган антигенларнинг гелда диффузияланиш хусусиятига асосланган бўлиб, антиген-антитело комплекси бундай хусусиятга ега емас.

Антиген – антитело комплекси гомологик антиген ва антителолар бир бирига қарама – қарши диффузияланиб учрашувидан ҳосил бўлади. У гел қатламига чўкиб преципитация чизиқларини ҳосил қиласди.

Бир модданинг иккинчи модда молекулаларига муайян ҳароратда кириши диффузия ҳодисаси дейилади. Диффузия газларда, суюқликларда, қаттиқ жисмларда ва гел муҳитларда содир бўлиши мумкин.

Гел деб қаттиқ жисмлар таркибида бир текис тарқалган суюқ фазалар тизимида айтилади. Одатда гел юқори молекулали бирикмалар ҳосил қиласди, улар коллоидли эритмаларни беради ва совутилганда қотади.


Бундай бирикмаларга крахмал, агар-агар, желатина ва бошқалар киради. Лаборатория амалиётида қўпинча агар-агар ишлатилади. Зардоб антителоси иммуноглобулинлар молекулаларининг йифиндиси ҳисбланиб, ўзининг катталигига қарамасдан агар гелда бемалол диффузияланиш хусусиятига ега.

Вирус антигени – вирус оқсиллари. Улар вирионнинг таркибида бўлади ва антигеннинг корпускуласини ифодалайди, уларнинг катталарини агар гели диффузияламайди. Вируснинг ерувчи антигенлари еса агар гелда бемалол диффузияланади. ДПР гелда қўйиш усули қуйидагидан иборат, агар гелининг қатламида бир нечта чуқурчалар қилинади ва уларга антигенлар ва зардблар шундай қилиб қўйиладики зардблар ва антигенлар бир бирига яқин бўлиши керак. Чуқурчалардан антиген ва зардблар гел қалинлигига диффузияланади. Ҳар қайси чуқурчадан барча томонга қараб диффузиялана бошлайди. Антиген ва зардблар тўлдирилган чуқурчалар орасидаги юзада бир–бирига қарама–карши диффузияланади, (гелда иккиласми диффузия). Агарда улар бир–бирига гомологик бўлса антиген- анитело комплекси ҳосил бўлади; у катта бўлганлиги учун бошқа диффузияланмайди, аммо чўкиб (преципитацияланади) оқиш преципитация чизиги ҳосил қиласи.

У гел юзасининг тиник фонида яхши маълум бўлади (52-расм).

Демак, диффузияланётган антиген ва зардоб бир бирига гомологик бўлмаса, преципитация чизиги ҳосил бўлмайди. Бу нуқтаи назар амалиётдаги қатор масалаларни ечади, улардан енг муҳимлари қуйидагилар:

1)ДПР схемаси ёрдамида қон зардбидаги (З) антителоларни унга гомологик СА антигенга (масалан вирусга ) нисбатан аниқлаб топади. Агарда зардоб З ўзининг таркибида СА специфик антигенга қарши антитело сақласа, З ва СА қўйилган чуқурчалар орасида преципитация чизиги ҳосил бўлади. Бундай преципитация чизиги назоратдаги нормал зардоб НЗ ва СА қўйилган чуқурчалар орасида пайдо бўлмайди.



. DPR yordamida antiteloni topish tasviri

2)Аниқ зардоб СЗ антителосига гомологик бўлган материалдаги номаълум (СА) топиш ДПР га ўхшашиб ёрдамида бажарилади (54 расм).

Текшириладиган материалда зардобдаги (СЗ) антителоларга гомологик антиген бўлса, А ва СЗ қўйилган чуқурчалар орасида преципитация чизиги ҳосил бўлади бироқ бошқа чуқурчалар орасида пайдо бўлмайди;




3)Номаълум вирусни фарқлаш 55-расмда тасвирланган ДПРнинг схемаси ёрдамида амалга оширилиши мумкин.Бу ерда СА номаълум антиген; СЗ<sub>1</sub> . . . . СЗ<sub>5</sub>-номаълум антигенларга антитело сақловчи зардблар.

Агар преципитация чизиги масалан СА ва СЗ<sub>3</sub> түлғазилған чуқурчалар оралиғида пайдо бўлса, демак текшириладиган антиген СЗ<sub>3</sub> зардобдаги антителоларга гомологиклигидан далолат беради.

4) Зардобдаги антителонинг титрини аниқлаш мумкин.

Бу ерда зардоб ўзининг енг юқори суюлтирилган даражасида гомологик антиген билан преципитация бериши чизигининг ҳосил бўлиши (бизнинг мисолимизда 1:16) Зардобдаги (СЗ) антитело титрининг кўрсатгичини белгилайди (56-расм).

ДПР петри ликопчасида, буюм ойнасида ва найчаларда қўйиш мумкин. ДПР буюм ойналарида қўйиш кенг кўлланилади. Уни амалга ошириш учун қуйидагилар керак: ёғизлантирилган буюм ойналари; 2-5 мл белгиланган пипеткалар ва пастер пипеткалари; ўткир учли 5 мм диаметрли найча ёки маҳсус қолип; намлантирилган камера; чуқурчадаги агар гелини чиқариб оладиган ўқув пероси ёки маҳсус мослама; физиологик эритмада ёки pH 7,2-7,4 фосфат буфер эритмасида тайёрланган 1,0–1,5% агар; антигенлар; зардоблар



Агарнинг тозалиги катта аҳамиятга ега, шунинг учун яхши тозаланган Дифко агаридан фойдаланилади

Иш учун яққол преципитация чизиги ҳосил қилаоладиган ва антиген+антитело комплекси ҳосил қилишини таъминлайдиган юқори титрли срецифик антигенлар ва зардблар олинади. ДПР қўйиш. Реаксияни қўйиш тартиби қўйидагилардан иборат:

Ёғизлантирилган буюм ойначалари совуқ ва текис жойда (столга) териб қўйилади. Пипеткага 60<sup>0</sup>C қиздирилган агардан 1,5 –2 мл олинади ва зигзаксимон ҳаракат билан аввал ойначанинг атрофларига қўйилади ва сўнгра ўртаси тўлдирилади, қўйиш пайти тўлқин ва пуфакчалар бўлмаслиги керак. Ойначага қўйилган агарнинг қалинлиги 1,5 – 2 мм бўлиши керак, сўнгра агарни қотишини таъминлаш учун 5-10 дақиқа қолдирилади.

Қотган агар қатламида чуқурчалар тайёрланади. Чуқурчаларнинг сони ДПР қайси мақсадда қўйилишига боғлик, чуқурчаларнинг диаметри 5мм, чуқурчалар орасидаги масофа 3-4 мм бўлади. Кўпинча чуқурчаларнинг икки турдаги жойлашиши қўлланилади.

Чуқурчаларни тайёрлаш учун уни ўткир найдаланилади. Агар тайёр қолип бўлмаса доираси тўғри келадиган ҳар қандай найда ёки кичик калибрли милтиқнинг (5,6 калибрли) патрон гилзаларидан фойдаланилади. У холда дастлаб қофозга чуқурчаларнинг ўзаро жойлашиш тасвири чизиб олинади ва агар қўйилган петри ликопчаси ёки буюм ойначаси тагига қўйилиб унга қараб чуқурчалар кесиб тайёрланади. Чуқурчада қолган агарни еса игна, пастер пипеткасининг уни билан, ёки ўқув пероси ёрдамида чиқариб ташланади. Чуқурчага қўйилган суюқликлар оқмаслигини таъминлаш учун, чуқурчани тубига еритилган суюқ агардан пастер пипеткаси ёрдамида томчи томизилиб сўнгра қайтадан тортиб олинади. Бу ҳолатнинг тасвири 57 расмда тасвирланганидек қўринишда бажарилади. Бироқ айрим ҳолларда яхши ёғизлантирилган ойнага еритилган агар яхши ёпишган бўлса, чуқурчага қўшимча суюқ агар томизилмаса ҳам унга қўйилган суюқликлар оқиб кетмайди ва преципитация чизиги нормада ҳосил бўлади.

Тайёрланган чуқурчаларга ДПР компонентлари (антигенлар ва зардблар) қўйилади. Компонентларни қўйганда чуқурчалар тўлиб бир бирига аралашиб кетишини олдини олиши керак. Бунинг учун яхши чўзилган пастер пипеткалари ёрдамида суюқликлар томизилади.

ДПР компонентлари томизилган буюм ойначаларида агар қуриб қолмаслиги учун намлантирилган камераларга жойлаштирилади. Намлантирилган камера сифатида ҳар қандай қопқоқли идишлардан (ексикатор, петри ликопчаси ва бошқалардан) фойдаланиш мумкин, уларга сувга ботирилган пахта ёки фільтр қофози қўйилади.

Намлантирилган камера хона хароратида қиздирилади ёки термостатга жойлаштирилади (термостатда) диффузияланиш камрок бўлсада тез бўлади.

ДПР нинг дастлабки натижасини ҳисоблаш 8-10 соатдан, асосийни 24 соатдан ва охиргиси еса 48 соатдан сўнг ўтказилади.

Петри ликопчасида ДПР қўйиш. Техник жиҳатдан буюм ойналарида қўйищдан фарқ қилмайди, фақат бу ерда агар қатламининг қалинлиги 3мм, чуқурчалар доираси ва улар орасидаги масофа ҳам бироз каттароқ бўлади. Шунинг учун натижани ҳисоблаш вақти 5-7 кунгача узаяди.

Капиллярларда ДПР қўйиш усули. Бу усул тажрибада кенг қўлланилмаганлиги сабабли биз унга тўхталмаймиз. Буюм ойналарида қўйиладиган ДПР препаратларни 48-72 соатдан сўнг қуритилиб, қора амидли ранг билан бўяш мумкин. Бу еса препаратларни узоқ муддатга сақлашга ва уни суратга олишга имкон беради. ДПР нинг ютуқлари қуийдагилардан иборат: қўйиш техникаси содда; жавоб олиш тез; компонентларнинг тозалиги шарт емас; стерил шароитда ишлашни талаб қилмайди; компонентлар ниҳоят кам микдорда талаб қилинади; хар қандай ерувчи антигенлар билан ишлаш мумкин; натижаларни суратга олиш мумкин.

Аммо унинг бу фазилатларини, ўзининг асосий камчилиги ҳисобланган кам сезувчанлиги қоплайди. Шунга қарамасдан вирус касалликларининг лаборатория диагностикасида ДПР кенг қўлланилади. Патматериалларда қутуриш, йирик шохли ҳайвонларнинг ринотрахеит, чўчқаларнинг африка ўлати, итларнинг ўлати ва бошқа касалликларни вирусларини топиш ҳамда отларнинг юқумли анемия, аденохирусларини, респиратор - синцитиал касаллиги, йирик шохли ҳайвонларнинг диарея касалликлари вирусларини фарқлашда ва йирик шохли ҳайвонларнинг қон зардбларида РС – вирусга қарши антителоларни аниқлашда кенг ишлатилади. ДПР сезувчанлигини ошириш мақсадида мусбат назоратлар билан қўйилади ва натижаси преципитация чизиқларининг букилган жойига қараб ҳисобланади.

Материал билан таъминлаш. Ёғизлантирилган буюм ойналари; 2 ва 5 мл белгилangan пипеткалар; пастер пипеткалари; 5,6 мм калибрли патрон гилзлари; 18- 24 см катталиқдаги тагига намлантирилган філтр қофози тўшалган ва қапқоқли кювета; намлантирилган філтр қофоз тўшалган Петри ликопчаси; перо ўрнатилган ручка; физиологик эритмада тайёрланган 1,2% агар; ньюкасл вируси билан иммунланган қуённинг қон зардоби; ньюкасл вируси билан заарлантiriлган товуқ ҳомиласининг аллантоис суюқлиги; қуённинг нормал қон зардоби; товуқ ҳомиласининг нормал аллантоис суюқлиги.

2. ПЗР – молекуляр биологиянинг експериментал усули бўлиб биологик материалдаги (намунадаги) нуклеин кислоталарининг кичик микдордаги маълум фрагментларини сезиларли даражада қўпайтириш имконини беради. ПЗР – ДНК амплификасиясидан ташқари нуклеин кислоталар билан бошқа қўплаб манипулясиялар (мутасиялар киритиш, ДНК фрагментларини ўстириш) ўтказиш имконини беради ҳамда биология ва тиббиёт амалиётида кенг қўлланилади. Масалан: Ирсий ва юқумли касалликлар диагностикасида, оталикни аниқлаш, генларни клонлаш, янги генларни ажратиш ва бошқалар. ПЗР 1983 йилда америкалик биохимик Кери Муллис томонидан кашф килинди.

Унинг мақсади ДНК нинг бирлиги молекуласини ДНК- полимераза ферменти ёрдамида кўп марта такрорий кўпайтириш орқали ДНК амплификасиялаш имконини берадиган усулни яратиш еди.

К.Муллис 1993 йилда ПЗР усулини кашф етгани учун Нобел мукофотига сазовор бўлди. ПЗР (ПСР)ни қўйиш (ўтказиш).

Усул сунъий шароитда (ин витро) ДНК маълум қисмини ферментлар ёрдамида кўп марта танлаб нусхалашга асосланган. Бунда маълум қисмлар агар улар текшириладиган намунада мавжуд бўлсагина нусхаланади.

ДНК нинг организмдаги амплификасиясидан фарқли ўлароқ ПЗР ёрдамида унинг нисбатан қисқа бир бўлаги (қисми) амплификасия қилинади. Одатдаги ПЗР усули ёрдамида нусхаланадиган ДНК бўлагининг узунлиги 3000 жуфт асосдан ошмайди (3 квр). Турли хил полимеразалар ёрдамида маълум шароитда қўшимчалар қўлланганда ПЗР фрагментининг узунлиги 20000 - 40000 жуфтли нуклеотидлардан ташкил топиши мумкин. Бу еса хромасома еукариот хужайраси ДНК сининг узунлигидан жуда ҳам кам. Масалан: инсон геноми тахминан 3 млрд жуфт асосдан ташкил топган.

Реаксия компонентлари.

ПЗР қўйиш учун енг содда ҳолатда қўйидаги компонентлар талаб қилинади.

- Амплификасия қилиниши талаб қилинган ДНК қисмини сақловчи матриса ДНК.
- Талаб қилинган ДНК фрагментининг қарама қарши учларидаги комплементар иккита праймерлар.
- ДНК полимеризасиянинг катализловчи термостабил фрагменти ДНК полимераза.

Полимераза ПЗР денатурасиясида қўллаш учун юқори ҳароратда узоқ вақт фаоллигини сақлаши лозим. Шу сабабли термофил Тхермус акуатисус (так полимераза). Пироцессус фуриосус (ПФУ - полимераза). Пироцессус woscey (ПWO- полимераза) ва бошқалардан ажратилган ферментлар ишлатилади.

- дезоксирибонуклеозид трифосфатлар (д АТП, д ГТП, д ТТП).
- полимераза ишлаши учун зарур бўлган  $Mg^{2+}$  ионлари.
- эритманинг иш қуватини – реаксия pH ини зарур шароитини таъминловчи буфер эритма. Таркибида қон зардобини албумини ва тузларини сақлади.

Реаксия аралашмасини буғланиб кетишини олдини олиш мақсадида пробиркага юқори ҳароратда қайнайдиган мой, масалан; вазелин қуйилади. Агарда қиздириладиган қопқоқ билан ёпилган амплікатор ишлатилса вазелин қўйилиши шарт емас. Пирофосфатаза қўлланилиши ПЗР – реаксияси боришига ижобий таъсир етиши мумкин. Бу фермент пирофосфат (нуклеотид трифосфатнинг ўсиб борувчи ДНК занжирига уланишининг иккиласида маҳсулоти) нинг ортофосфатгача гидролизланишини катализлайди. Пирофосфат ПЗР – реаксиясини ингибирлаши мумкин.

## ***Праймерлар.***

Праймерлар бир занжирли ДНК линиясининг 20-30 нуклеотиддан иборат м-ДНК га комплементар бўлган бир қисми (бўлаги), улар ДНК янги синтези жараёнида манба (хом ашё, “затравка”) бўлиб хизмат қиласди.

ПЗР – нинг спесификлиги матриса ва праймерлар ўртасида қисқа 180-300 асос узунлигига тенг синтетик олиго нуклеотидлар комплементар комплексини ҳосил бўлишига асосланган. Праймерларнинг ҳар бири матрисани иккита занжирининг бирига комплементар бўлиб, амплификацияниши лозим қисмининг боши ва охирини чегаралаб туради. Матриса праймер билан гибридлангандан сўнг (отжиг), охиргиси ДНК полимераза учун матриса комплементар занжири синтезида асос бўлиб хизмат қиласди.

Праймерлар учун енг муҳим характеристика праймер матриса комплексини ериш ҳарорати ( $T_m$ ) ҳисобланади.  $T_m$  – шундай ҳароратки, бунда ДНК матрисанинг ярми олиго нуклеотид праймерлар билан комплекс ҳосил қиласди.  $T_m$  ни ҳисоблаш формуласи.

$$T_m = 77,1 + 11,7 \lg [K^+] + 41(\Gamma+C) - 528 / L - 0,75 [DMCO]$$

Бунда:  $L$  – праймердаги нуклеотидлар сони.

$K^+$  - калий ионларининг моляр концентрасияси.

$\Gamma+C$  – барча гуанин ва ситозинларининг миқдори.

Праймерларнинг узунлиги ва нуклеотид таркиби ёки “отжиг” ҳароратининг нотўғри танланиш ҳолатида матриса ДНК нинг бошқа қисмлари билан комплементар комплекслар ҳосил қилиши ва бу ўз навбатида носпесифик маҳсулотлар юзага келишига олиб келиши мумкин. Ериш ҳароратининг юқори чегараси полимеразанинг оптимал таъсир ҳарорати билан чекланади (полимераза фаоллиги + 80 $^{\circ}\text{C}$  дан юқори ҳароратда пасайиб боради).

Праймерларни танлашда қўйидаги критерияларга амал қилиш керак бўлади.

$\Gamma, C$  – таркиб – 40-60%.

Праймерларнинг  $T_m$  яқинлиги (5 $^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслииги лозим).

- Носпесифик иккиласми структуралар “шпилка”, “димер” лар бўлмаслиги.
- 3<sup>1</sup> учларида гуанин ва ситозин келиши (жойлашиши). Улар молекуляр матриса билан 3 та водород боғларини ҳосил қилиши сабабли гибридланиш янада стабил, мустаҳкам бўлади.

ПЗР – амплификаторда ўтказилади. Амплификатор пробиркаларини даврий равишда 0,1 $^{\circ}\text{C}$  гача аниқликда совутиб ёки қиздириб туришини таъминлайдиган асбоб.

## ***Реаксиянинг бориши:***

Одатда ПЗР қўйиш учун 20-35 та сиклар бажарилади ва уларни ҳар бири 3 босқичдан иборат бўлади.

### **Денатурасия.**

Икки занжирли ДНК матриса 0,5-2 дақиқа давомида 94-96 $^{\circ}\text{C}$  да қиздирилади. Баъзан полимераза қўйишдан олдин бирламчи 2-3 дақиқа қиздириш йўли билан матриса ва праймерлар тўлиқ денатурасиясига

еришилади. Бу қайноқ старт деб номланади ва носпесифик маҳсулотлар микдорини пасайтиришга хизмат қиласи.

#### “Отжисе”.

Занжир узилгандан сўнг ҳарорат пасайтирилади. Бу босқичда праймерларнинг занжирли матриса билан комплементар боғланиши амалга ошади. Унинг ҳарорати праймерларни ериш ҳароратига тенг қилиб танланади.

Бу босқични қўлланиш вақти 30 сония ва бу вақт ичида полимераза бир неча юзлаб нуклеотидларни синтезлашга улгуради. Шу сабабли ериш ҳарорати  $60^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган праймерларни танлаш ва отжиг ҳамда елонгасия босқичларини  $60\text{-}72^{\circ}\text{C}$  ҳароратда бир вақтда ўтказиш тавсия этилади.

#### Елонгасия.

ДНК полимераза ферменти таъсирида ДНКни синтезлаш, праймерларин тузиш, матриса занжирини репликасия қилиш босқичи елонгасия дейилади.

Полимераза икки занжирни синтезини праймернинг матриса билан боғланувчи  $3'$  учидан бошлайди.

Елонгасия вақти ДНК полимеразанинг типи ва амплифиласияланувчи фрагментини узунлигига боғлик. Одатда ҳар 1000 жуфт асос ҳосил бўлиши учун 1 дақиқа кетади. Барча сикллар ниҳоясига етгач қўшимча якуний (финал) елонгасия ўтказилади. Барча 1 занжирли фрагментларни тузиб олиш учун, бу стадия 7-10 дақиқа давом етади.

#### **Махсус адабиётлар**

- Салимов Х.С., Қамбаров А.А. Эпизоотология, Дарслик, Тошкент, 2016 й. 560 бет.
- Парманов М.П. ва бошқ. «Хусусий эпизоотология». Дарслик. Самарқанд, 2010 й.
- Бакиров Б. ва бошқ. Ҳайвонлар касалликлари. Маълумотнома. Самарқанд. Ф. Насимов Х/К. 2019. 552 б.

#### **Хорижий адабиётлар**

- Quinn P.J. Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. Australia. 2013 year.
- M.Jackson Veterinary clinical pathology. America 2010 year.

#### **Қўшимча адабиётлар**

- Х.С. Салимов, Б. Сайитқулов, И.Х. Салимов. Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли лугат ва маълумотнома.-Т. ТАФАККУР НАСҲИРИЙОТИ”, 2013.
- Ветеринария медицинаси журнали. Т. 2018-2020.йиллар

## **2-Мавзу: Күйдирги ва оқсил касаллигининг замонавий диагностикаси ва олдини олиш усууллари.**

### **Режаси:**

**Машғулот мақсад** ҳар бир тингловчи мавзуни ўзлаштириш, Лаборатория текширувига қон олиб жўнатиш, қон намуналарини консервация қилиш (стабиллаш) йўлланма хатни тўлдириш ва юбориш тартиби.

**Күйдирги:** Касалликни олдини олиш, аниқлаш ва текширувлар натижасини хужжатлашириш. Хўжаликда даволаш ишларини ташкиллаштириш ва қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш.

### ***Материаллар ва жиҳозлар.***

Микроскоп.

Грамм усули бўйича бўёқлар.

Текшириладиган намуна (мусбат ва манфий таъсир етадиган терилардан олинган )

Преципитацияловчи күйдирги зардоби.

Күйдирги антигени.

Тайёр капсула ҳолидаги бўлган суртма(назорат учун микроскоп тагида туриши керак, талабаларга кўрсатишга).

Күйдирги – Лотинча Фебрис сарбунсулоса, инглизчада Антхрах, немисчада Милзбранд, франсузчада Фиевре, русчада Сибирская язва – ўткир кечадиган, септик, абортив, карбункулёз, ичак, ўпка ва локалангина шаклида намоён бўладиган ўта оғир инфексион касаллик бўлиб, септицемия, оғир интоксикация ва карбункулалар ҳосил бўлиши билан тавсифланади.

Бу касаллик билан одамлар, ҳайвонлар ҳамда паррандалар касалланади. Одамлар асосан тери күйдиргиси билан, чўчқаларда локалангина шаклларда ва мўйнали ҳайвонларда озиқ инфексияси сифатида кечади.

Күйдирги касаллиги классик формада ўтганда касалликни клиник белгиларига қараб бехато аниқлаш мумкин. Аммо спорадик ҳолларда ҳайвонлар касалликка гумон қилинганда ўта ҳушёрлик талаб қилинади. Шу сабабли күйдирги касаллилигига диагноз қўйишда комплекс текширув ўтказилиши шарт

Қўзғатувчиси – Б а с и л л у с а н т ҳ р а с и с - Басиллус авлодига, Басилласеае оиласига мансуб бўлиб, таёқчасимон, йирик (1-1,3x3,0-10,0), ҳаракаиз, грамм мусбат, якка ёки жуфт, қисқа-узун ипсимон, спора ва капсула ҳосил қилувчи аероб бақтари ядир.

Эпизоотологик текширув – усулида азиқ касаллик манбани топиш зарур. Күйдиргига касаллик манбай бўлиб, тупроқ, турар сувлар, ҳайвонлар ўлиги кўмилган жойлар, ҳайвонлар хом ашё маҳсулотларини қайта

ишлайдиган жойлар, тери қабул қилинадиган пунктлар, гүшт суяк уни тайёрлайдиган заводлар бўлиши мумкин.

Текшириш пайтида ўша территорияда Бас. Антҳрах ўчоғи борми? – йўқми? Бу ҳисобга олинади. Ўша ўчоқда ҳайвонлар (яйловда) боқилганми, йўқми? Куйдирги билан ўлган ҳайвонлар кўмилган жой, атрофдаги сув (кўлмақ, йигинди сувлар...) касалланган ҳайвонлардан секрет, екскретлар экологик муҳитни инфексиялади. Эпизоотологик текшириш пайтида қон сўрувчи бўғим оёқлиларни ҳам инобатга олиш керак, чунки касаллик трансмиссив йўл билан ҳам тарқалиши мумкин. Касалланган ҳайвонда ҳолсизланиш ва иситма кўтарилади. Агар ҳайвон ўлган бўлса, касаллик куйдиргига гумон қилинса, бундай ўликларни очмасдан текшириш ишларини олиб бориш керак: ўлик қотмайди, кучли шишиб кетади, тери ости клетчакасида ҳар хил хамирсимон шишларни қўрамиз, табиий тешиклардан кўпиксимон қон аралаш суюқлик оқиб турди, кўринадиган шиллиқ пардалар кўқимтири рангга бўялган, қон куйилган бўлади. Аммо ҳар доим бу ўзгаришлар бир хил бўлмайди. ЙАкунловчи ташхисни лаборатория текшириш усули билан қўйилади. Бунинг учун лабораторияга ҳайвоннинг қулоғидан суртма олиб жўнатилади. ЙОки икки томонидан яхшилаб боғлаб, қулоғининг пастки томонидан кесиб жўнатилади. Лабораторияда суртмани Грамм усули бўйича бўялиб микроскопда кўрилади. Суртмада капсула ҳолидаги занжир шаклида таёқчалар топилса, унинг натижасини кутмасдан, куйдиргига қарши тадбирлар ўтказишни бошлаш керак.

Серологик усул РП реаксияси билан текширилади, бунинг учун ҳайвон терисидан 10 x10 см кесиб олиниб, автоклавга қўйилади, кейин майдаланиб ҳажми 50мм бўлган банкачаларга 1:10 нисбатан тайёрланган карболли физиологик эритмага солинади. Банкача уй ҳароратида 16-20 соат сақланади. Шу пайт да куйдирги антиген екstractи ҳосил бўлади. Кейин флоринский пробиркасига воронка орқали азбест қоғози орқали филтрланади, тозаланади. Махсус уленгут пробиркасига куйдиргининг преципитация қилинган зардобидан 0,25-0,3 мл қуйилади, устига тозаланган эритмадан шу миқдорда куйилади. Қўйишда икки усул билан устига аста, пробирка девори бўйлаб суюқликнинг тагига қўйиш билан реаксия қўйилади. Реаксия натижаси 15 дақиқада аниқланади. Иккала суюқликнинг қўшилган жойида сарғиши – оқ ҳалқа ҳосил бўлса, мусбат реаксия ҳисобланади. Агар ҳалқа бўлмаса реаксия манфий ҳисобланади. Бу реаксиялар тери қабул қиласидиган жойларда қўйилади. Касалликни пастереллёз, брадзот, қорасон, газли шишлардан фарқлаш керак. Куйдирги касаллиги ўткир ўтиши туфайли жуда ҳавфли юқумли касаллик ҳисобланади. Соғлом ҳайвонларда олдини олиш мақсадида СТИ, ГНКИ, СҲтамм-55 вакциналари билан эмланади. Тирик пайтида касаллиги аниқланган ҳайвонлар тезда ажратилади. Ҳайвонларни бўғимоёқлилар, асосан қон сўрувчилардан ҳимоя қилиш керак. Касал ҳайвонларни даволашда махсус ёки симптоматик усулда олиб борилади. Даволаш қанча тез бошланса, натижаси самарали бўлади. Ўзига хос махсус усулдадаволашда, куйдирги касаллигига қарши тайёрланган гипериммун зардоб ёки иммунланган глобулин юборилади.

Зардоб катта миқдорда: катта ҳайвонларга 100-200 мл, қўй ва чўчқаларга 30-60 мл асосан вена қон томири орқали юборилади. Ва шу билан бир вақтда антибиотиклар (террамицин, окситетрациклин...) юборилади. Симптоматик даволаш мақсадида юрак қон томир системасига таъсир етадиган препаратлар юборилади. Ҳайвоннинг бошига совуқ компресс қўйилади ёки совуқ сув ҳам қўйиш мумкин. Агар карбункулалар, шишлар бўлса иссиқ фенолли компресс қўйилади. СҲиш атрофига 3-5 % ли карбол кислота эритмаси юборилади, терига камфора спирт суртиш ҳам яхши самара беради.

**ОҚСИЛ:** Касалликни олдини олиш, аниқлаш ва текширувлар натижасини хужжатлашириш. Хўжаликда даволаш ишларини ташкиллаштириш ва қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш.

*Материаллар ва жиҳозлар.*

Жадваллар, рангли расмлар.

Биологик препаратлар (Иммуналактон, реконвалесцент қони зардоби, вакциналар ҳамма турлари бўйича).

Қон олиш учун ишлатиладиган игналар.

Пахта.

Қайчилар (егри, тўғриси).

Стерилизатор.

Ҳар бир талаба халат ва бош кийимда бўлиши керак.

Бир бош бузоқни вивариядан олиб келиб кўрсатиш

Оқсил кўпинча ўткир кечадиган, тез тарқаладиган инфексион касалликдир. Шунинг учун оқ силга аниқ ташхис қўйиш ва унга қарши кураш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш яхши самара беради. Илгари соғлом бўлган хўжаликда ташхис қўйиш қийинчилик туғриши мумкин чунки, оқ сил аралаш инфексия бўлибкелиши мумкин. Бунда бизлар ташхис қўйишида чуқур – эпизоотологик текшириш ўтказиш керак. Асосий ётиборни хўжаликнинг иқтисодий алоқаларига қаратиш, оқ сил касаллигида транспорт, одамлар ва бошқа воситалар механик узатувчи бўлиб хизмат қиласиди.

**Оқсил** – Лотинча Апхтае епизоотисае, инглизчада Фоот-анд-Мойтхдисеасе, немисчада Маул-унд-клаунсеуче, франсузчада Фиевре апхтеусе, русчада ЙАшур – ўта контогиозли бўлиб, иситмалаш, оғиз бўшлигининг шиллик пардасида, елин ва туёқ оралиғида афталарнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Букасаллик билан жуфт туёқлилар ва одамлар касалланишади. Отлар оқ сил билан касалланмайди, визикуляр стоматитга сезгир. Қорамоллар ёппасига касалланади. Уларда ҳолсизланиш, иситманинг кўтарилиши, ёш молларда 41°C гача. Генерализация давридан кейин оғиз бўшлиғидан, елин сўргичларида, айрим жунсиз жойларида, туёқлар оралиғида везикула кейин афталар пайдо бўлади.

**Кўзғатувчиси** – Апхтае виридае, Апхтовирус авлодига, Писорнавиридае оиласига мансуб РНК ли, филтрланувчи вирус бўлиб, 20-25 нм катталикка егадир. Антигенли хусусиятига қараб 7 та серологик типларга ажратилган: О, А, С, Сат-1, Сат-2, Сат-3 ва Азия-1.

Хар бир тип бир неча варианларга ега: О-13та, А-32 та, С-5 та, Сат-1да 7 та, Сат-2да 3 та, Сат-3да 4та ва Азия-1да 2та. Оқсил вируси бир қатор бактерия ва вирусларни ўлдирадиган лизол, толуол, ефир ҳамда хлороформга анча чидамлидир.

Эпизоотологик маълумотлар. Эпизоотологик маълумотларни таҳлил қилаётганда мамлакатда мавжуд бўлган барча оқсилга носоғлом пунктларни эътиборга олиш зарур, чунки оқсил вируси минглаб км масофадаги епизоотик ўчоқдан, турли йўллар билан соғлом худудга кириб келади. Одамга касаллик ҳайвонларни бокқанда, уларнинг пиширилган сути ва шу сутдан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилганда юқади. Вирус организмга оғиз бўшлигининг шиллиқ пардаси, баъзан нафас йўллари ва шикастланган тери орқали тушади.

Касалликка кўпроқ йирик шохли ҳайвонлар чўчқалар мойил бўлиб, кўй, эчки ва ёввойи жуфт ҳайвонлар камроқ касалланишади. Касаллик ёш ҳайвонларда катталарига нисбатан оғир кечади. Касаллик манбаи – касал ҳайвонлардир.

Епизоотик таҳлилда илгари носоғлом хўжаликда қандай усулда диагноз қўйилганлигини, хўжаликга қайси йўл билан кириб келганлишигни инобатга олиш керак. Агар хўжаликда возикуляр стоматит тарқалган бўлса, уни фарқлаш керак.

СХўчқаларда бурун ойначасида, кўйларда юқори жағининг тиши пайдо бўлгандан кейин, организмда екзантема пайдо бўлгандан кейин, организмдаги ҳарорат ўз ҳолатига келади.

Оғиз бўшлиғида афталар ёрилиб, яралар пайдо бўлгандан кейин, кўпиксимон сулак оқа бошлади. Оқсил билан касалланган сигирларда сут бериш қобилияти пасаяди, сутнинг сифати ҳам ўзгаради.

Бузоқларда Оқсил жуда оғир ўтади, афтасиз шаклда, юқори ҳарорат билан утиб 12-30 соат ичида ҳайвонлар ўлиб кетади. Кўйларда ҳам қорамолларга ухшаш, иситма кутарилади оғиз бўшлиғида везикула, кейин афталар пайдо бўлади, лекин сулак оқмайди. Туёқ оралигига яралар пайдо бўлиб, чулоқланиб қолади. Лаборатория текшириши учун (Ветеринария қонуниятлари китобининг 1-том 190 бетида кўрсатилгандек намуна олинади).

Оқсил га лаборатория текшириш учун епителий деворидаги пуфакчалардан олинади. Бир марта текшириш учун 5-10 г епителий афта тоза идишга солинади, устига 10 марта кўп бўлган 50%ли тоза химиявий эритмага ега бўлган глицерин (РН-7, 47,6). (10 гр епителий афта 100 мл 50% глицерин эритмаси)га солинади. Текшириш учун фақат тоза намуна, хали ёритилмаган, пишган пуфакчаларни тоза қайчи билан кесиб олинади. Қорамоллардан тилдан, қўйлардан юқори жағининг тиҳсиз ёки туёқ оралиғидан чўчқалардан бурун ойнасидан олинади. Намуна бирданига 2-3 ҳайвондан олинади. Олинган намуна маҳсус оғзи маҳкам ёпиладиган идишга олиниб, усткига пахта, кейин пробка ва қопқоқ билан ёпилади. Олинган намуна вирус типини аниқлаш учун фойдаланилади.

Кейин талабларга махсус тайёрланган жадваллар, слайдлар, расмлар орқали ҳар хил ҳайвонларда Оқ сил касаллигининг клиник кечиши кўрсатилиди. Оқсил тез ва кенг тарқаладиган юқумли касаллик бўлганлиги туфайли, хўжаликларга катта иқтисодий зарар келтиришлиги сабабли ўз вақтида Ветеринария қонуниятлари 1 том, (178 бет ва 1987 йилда) қабул қилинган қўлланма асосида тадбир ўтказиш керак. Фақат қўлланмада кўрсатилганидек қатъий, тез касалликни йўқотиш тадбирларини тузиш зарур. Тадбирлар усули қуидагилардан иборат:

1. Соғлом хўжалик ва фермаларда Оқ сил касаллиги утмаслигининг олдини олиш ва шу типга қарши емлаш ишларини олиб бориши, зоосанитар ташкил этиш.
2. Касаллик чиқган хўжаликда ўз вақтида касаллик учоғини топиш ва уни тўлиқ йўқотиш, бу касаллик манбаи бўлмасин.
3. Носоғлом хўжаликда Оқ сил касаллигини йўқотиш тадбирларини ва карантин лойиҳасини тузиш ҳақида талабаларга тўлиқ Оқ сил касаллиги қўлланмаси асосида тушунтириш. Карантин пайтида ўтказиладиган ишлар, якунловчи дезинфексия, карантин олиш учун тузиладиган қарор лойиҳасини айтиб бериш керак (тузиладиган далолатнома шаклини тушунтириб, далолатнома ёзиш керак).
4. Карантин олингандан кейин ўтказиладиган ишлар яъни чеклаш қўйиш ҳақида ҳам тўлиқ маълумот айтиш лозим.

### **Назорат учун саволлар**

1. Куйдирги касаллигини аниқлаш усуллари.
2. Епизоотияга қарши тадбир режасини тузиш.
3. Куйдиргига лабораторияга патологик материал юбориш.
4. Карантин қўйиш учун қарор лойиҳасини тайёрлаш.
5. Оқсил касаллигига дастлабки ташхис.
6. Лабораторияга оқсил касаллигига патматериал жўнатиш.
7. Оқсил касаллигини олдини олиш ва йўқотиш тадбирлари

### **Махсус адабиётлар**

1. Салимов Х.С., Қамбаров А.А. Эпизоотология, Дарслик, Тошкент, 2016 й. 560 бет.
2. Парманов М.П. ва бошқ. «Хусусий эпизоотология». Дарслик. Самарқанд, 2010 й.
3. Бакиров Б. ва бошқ. Ҳайвонлар касалликлари. Маълумотнома. Самарқанд. Ф.Насимов Х/К. 2019. 552 б.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Х.С. Салимов, Б. Сайитқулов, И.Х.Салимов. Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли лугат ва маълумотнома.-Т. ТАФАККУР НАСҲИРИЙОТИ”, 2013.
2. Ветеринария медицинаси журнали. Т. 2018-2020.йиллар

### **3-Мавзу: Туберкулёз ва Бруцеллёз касалликларининг замонавий диагностикаси ва фермани ушбу касалликлардан соғломлаштириш.**

**Машғулот мақсад:** Тингловчиларга епизоотик ҳолатни тўғри тахлил қилиш, сил касаллигига диагноз қўйиш, бошқа юқумли касалликлардан фарқлашни ўргатиши. Йирик шохли ҳайвонлар ва парандаларга туберкулиннинг тери ичига юбориш техникасини ўзлаштириш.

Туберкулёз: Касалликни олдини олиш, аниқлаш ва текширувлар натижасини хужжатлашириш.

Хўжаликда даволаш ишларини ташкиллаштириш ва қарши кураш чоратадбирларини амалга ошириш.

#### **Диагноз қўйишининг комплекс усуллари**

**Эпизоотологик усул.** Сил касали бўйича епизоотик ҳолатни ўрганиш, ҳамма носоғлом пунктларни, соғломлаштириш вақти, пода тузилиши наслли буқалар қаерда ва қачон олиб келинганлиги ва хўжаликнинг, бошқа носоғлом хўжаликлар билан иқтисодий алоқасини аниқлаш. Аҳоли пунктларидағи шахсий хўжаликлар ҳайвон ва паррандаларини соғломлаштириш, ҳамда ҳайвонларга хизмат қиласидан кишилар соғлом борасида епидемиологик ҳолатни аниқлаш керак.

**Клиник усул.** Касалликда кўринадиган белгиларни аниқлашга имкон беради. Клиник белгиларидан яхши озиқланишига қарамай ҳайвонларнинг озиши, йўтал, нафас олишнинг тезлашиши, вақти-вақти билан иситманинг кўтарилиши, юзаки лимфа тугунларининг катталаниши, ич кетиши, сут суюқлашиб, унда фибрин парчаларининг йирингли бўлиши паррандалар кўкрак мускулиннинг атрофияланиши каби белгилар сил касалига шухба қилишга асос бўлади. Бу белгилар ҳамма вақт кузатилмайди ва диагноз қўйишига асос бўлаолмайди. Шунинг учун комплекс усуллардан фойдаланиб диагноз қўйиш керак.

Асосий тушунчалар:

#### **Аллергик усул**

Ҳайвонлар ва паррандалар сил касаллигини аниқлаш учун аллергик текшириш амалга оширилади. Сут емизувчилар учун тозаланган ППД (протеин, поулоифиед дериват, туберкулин ва ГПД туберкулин паррандалар учун қўллагилади). Ҳайвонлар ва паррандаларни аллергик текширишда асосан аллергик усули тан олинган, отларда еса томизиши усули билан аниқланади.

#### **Тери ичига юбориш усулини бажариш техникаси**

Туберкулинни тери ичига юборишдан олдин, тери қалинлиги кутиметр билан ўлчанади, жун қирқилади ва 70% етил спирт билан ишлов берилади. Туберкулин йирик шохли ҳайвонлар, буйвол, буғиларга бўйиннинг ўрта қисмига, буқаларда еса думининг остига, туяларнинг қорнига, қўй, эчки, ит маймунларда чотининг ички томонига ёки қўлтиғига, қоракузанларга интрапалпебрал яъни кўзнинг устки, қовоғига, паррандаларда сирғасининг бир томонига юборилади.

Туберкулин сут емизувчиларга (маймун ва қоракузандан бошқа) 0,2 мл, маймун, қоракузан ва паррандаларга-0,1 мл махсус кичик игналар ва шприцлардан фойдаланиб юборилади. Туберкулин юборилгандан сўнг, унга нисбатан вужудга келган реаксияни баҳолаш йирик шохли ҳайвонлар, буйволлар, туялар ва буғуларни текширганда 72 соатдан кейин, қўй, эчки, чўчқа, ит, мушук, мўйнали ҳайвонларни текширганда 48 соатдан кейин, паррандаларни текширганда esa 30-36 соат ўтгач, кейин баҳоланади. Реаксия баҳолангандаги тери қалинлиги кутиметр ёрдамида ўлчанади. Йирик шохли ҳайвонлар, буйволлар, туялар ва буғулар тери қалинлиги 3 мм, ва ундан юқорига шишса бошқа ҳайвонлар, паррандаларда туберкулин юборилган жойни териси шишса, қоракузанларда қовоғи шишса натижа ижобий ҳисобланади.

### **Кўзга томизиш усулининг техникаси**

Туберкулинни кўзга томизиш усули 2 марта 5-6 кун оралиқ вақти билан ўтказилади. Аллерген кўз қовоқлари йирилиб пастки қовоқ шиллиқ пардасига 3-5 томчи кўз пипеткаси билан томизилади. Агар ҳайвон кўзи заараланган бўлса бу усулни қўллаш мумкин емас. Текшириш натижаларини кўзга аллерген биринчи марта томизилгандан сўнг, ҳар уч соатда, яъни 3, 6, 9, 12 ва 24 соатдан кейин, иккинчи марта томизилгандан ҳам 3, 6, 9 ва 12 соатдан кейин ҳисобга олинади. Ижобий реаксияда кўзнинг шиллиқ пардалари қизаради, кўз шишада унинг ички бурчагидан йиринг оқа бошлади (шардозсимон).

### **Патологоанатомик усул**

Сил касалига диагноз қўйишда куйидаги органлар кўрилади. Сут емизувчиларнинг лимфа тугунлари, ўпкаси, жигари, талоғи, сут бези, плевраси, қорин бўшлиғи ичак ва бошқа органлари ва тўқималари, паррандаларда жигари, талоғи, ичаги, пайсимон суюклари текширилади.

Сил касалига хос ўзгаришлар юқорида кўрсатилган орган ва тўқималарда тугунчалар (туберкулалар) ҳосил бўлиши билан характерланади. Улар қаттиқ, кулранг ёки тўқ, кулранг творогсимон масса бўлиб қисман ёки тўлиқ оҳаклашган, бириктирувчи тўқимадан тузилган капсула билан қопланган бўлади. Жигар, буйрак, талоқ ва сут безлари сил жараёни бутун организмга тарқалганда заараланади. Сероз қаватлар (плевра брюшина, перикард) зааралангандаги, марваридли қўриниши юзага келади, бунда сероз қаватларда нўхат ҳажмидек тугунлар пайдо бўлиб, кулранг ёки пушти рангда ялтирайди, марваридни еслатади.

### **Лаборатория усули**

Бунда серологик ва бактериологик текшириш ўтказилади. Серологик текширишдаги йирик шохли ҳайвонларда комплемент боғловчи реаксия (РСК) қўлланилади. Реаксия комплекс сил антигени (КТА) билан қўйилиб, ҳайвонларни диагностик сўйиш мақадида ўтказилади. Бактериологик текширишлар қўринмаса ёки ноаниқ қўринса, ҳамда микобактериялар турини аниқлашда ўтказилади.

Бактериологик текширишда бактериоскопиядаги усулдан фойдаланилади (суртмалар тайёрлаб Сил-Нилсон усулида бўялади) соф ҳосилани ажратиб олиш (озиқ муҳитлар тухумли Левентейн-Гелберга ва Петрианяни муҳитларига экилади ва биосинов ўтказилади).

Биосинов қўзгатувчиси қайси турига мансублигини аниқлашда қўлланилади. Биосинов учун денгиз чўчкаси, қуён ва товуқлардан фойдаланилади.

Биосинов усули лаборатория ҳайвонларини зардобрар сил микобактериялар турини аниқлаш.

Ҳайвон тури	ЙУқтириш усули	Микобактериялар тури	
	Буқалар	Одамлар	паррандалар
Қуёнлар томирига	Генераллашган	Жигарда	
	Изолясия	Ўчоқли	Сил сепсиси
	Сил	Сил	
Денгиз чўчкалари	Тери остига	Генераллашган	Генеризация
	Сил		Сил
Паррандалар	Мускулига	Генераллашган	Сил

*Дифференциал диагноз:* Сил касалига диагноз қўйища контагиозли плевромония (ПВЛ) ва пастереллёз (кўкрак шакли) касалликларидан фарқлаш керак.

Сил касалининг дифференциал диагноз схемаси.

Ўпканинг заарланиши билан кечадиган касалликлар.

	ПВЛ (повал. воспол. легких) ўпканинг ялпи яллиғланиши
Кечиши: туберкулёз сурункали	Кечиши: ЙАшин тезлигида, ўткир, яrim ўткир ва сурункали
Йузаки лимфа тугунлари катталашган, ғадир-будур	ЙУқори лимфа тугунларида ўзраиш йўқ
ЙОриб кўрганда ўпкада, лимфа қаватларда	ЙОриб кўрганда ўпка мармар тугунларида, сероз, кўринишида сурункали ҳолларда
Баъзан елин тўқимасида ва бошқа орган ва тўқималарда творогсимон некротик массали тугунлар. Силга текширганда туберкулинизация натижаси Сил	Секвестлар силга текширганда салбий реаксия натижаси контагиозли плевропневмония (ПВА)

## Пастереллөз

Йориб күрганда крупозли пневмония күпроқ қизил гепатизация даврида. Кон қуиши, геморрагик ентерит. Силга текширганда реаксия натижаси салбий Пастереллөз (күкрак шакли).

## Сил касаллигининг олдини олиш ва йўқотиш чора тадбирлари

### Умумий қоидалар

Сил-юқумли касаллик бўлиб қишлоқ хўжалиги, ёввойи ҳайвонлар ҳамда паррандаларнинг сурункали кечадиган касаллигидир. Турли жароҳатланган орган ва тўқималарда туберкулалар ҳосил бўлиши билан характерланади.

Ферма, хўжаликлар епизоотик ҳолатига қараб касаллик бўйича соғлом ва носоғлом хўжаликларга булинади. Сил касаллигига текширилганда касал ҳайвонлар учрамаса, бундай ферма, пода ва хўжалик соғлом ҳисобланади. Агарда текшириш натижасида касал ҳайвон аниқланса, бундай ферма, пода ва хўжалик носоғлом ҳисобланади.

Хўжалик (ферма) поданинг носоғломлик даражаси инфексиянинг кечиши характеристи ва ҳайвонлар ўртасида касалликнинг тарқалишига қараб ўрнатилади. Агар касаллик 1-2 ой ичида ҳайвонларнинг умумий сонига нисбатан 25%гача топилса, унда сил касаллиги кам тарқалган деб ҳисобланади.

Сил бўйича носоғлом пунктларда соғломлаштириш қўйидаги усулда олиб борилади:

а) Ҳайвонлар системали равища аллергик усулда диагностик текширилади. Подадан туберкулинга ижобий реаксия берган касал ҳайвонлар гўшт учун юборилади.

б) Агарда соғлом раёнларда касаллик биринчи марта аниқланганда тарқалиш даражасидан қатъий назар ёки касаллик кенг ёппасига тарқалганда, ҳамда чўчқа ва паррандалар силидан қутулиш учун носоғлом пода, фермадаги ҳайвонлар мол бошини ҳаммаси гўштга сўйилиш учун жўнатилади, ферма мол бошидан озод қилинади, унда санитария тадбирлари амалга оширилади ва соғлом хўжаликлардан соғлом мол боши сотиб олиниб ферма қайтадан тикланади. Бундай усул пода, ферма ва хўжаликларни «А» пунктига кўрсатилган услугуб ёрдамида соғломлаштириш қўл келмаган ҳолларда ҳам ишлатилади.

Сил профилактикаси (олдини олиш)

(Умумий профилактика).

Соғлом хўжалик (фермада) ҳайвонларнинг сил билан касалланмаганлиги учун хўжалик раҳбарлари. Уставига асосан мажбурдир:

Сил бўйича носоғлом хўжаликдан соғлом хўжаликка (фермага) ҳайвонларни олиб кириш таъқиқланади. ЙАнги келтирилган ҳайвонларнинг соғломлиги ветеринария хизмати томонидан берилган гувоҳнома орқали тасдиқланган бўлиши керак.

Хўжаликка янги келтирилган ҳайвонлар 30 кунлик профилактик карантинда сақланади. Карантин пайтида ҳайвонлар силга қарши аллергик усул билан текширилади. Уларни умумий подаги, силга нисбатан соғлом еканлиги аниқланиб, ветврач ёки фелдшерлар рухсати билан киритилади.

Ҳайвонларни сил бўйича носоғлом хўжалик (ферма)даги ҳайвонлар билан аралashiб кетишига йўл қўймаслик, носоғлом хўжаликдаги ҳайвонларга қарайдиган одамларни фермага киритмаслик керак.

Ветеринария-санитария ва зоогигиена нормалари ва озиқлантириш, сақлаш каби ишларнинг бажарилиши таъминлаш (фермани ўраш, санитария ўтказиш пункти, дезобарер, дезинфексион гиламча механик тозалаш, профилактик дезинфексия, дезинсексия, дератизация, ҳайвонларни озиқлантириш ва сақлашни яхшилаш) керак.

(Махсус профилактика).

Соғлом хўжаликларда ва аҳоли пунктларида ҳайвонларнинг сил билан касалланганлигини ўз вақтида аниқлаш мақсадида режали равища профилактик диагностик текшириш ўтказиш, яъни туберкулинни тери ичига юбориш йўли билан текшириш ишлари олиб борилади.

Носоғлом хўжаликка қарашли соғлом фермаларда сигирлар ва насли буқалар 1 йилда 2 марта бузоқ ғуножин (қочар)лар уруғлантиришдан олдин ва кейин, ёш бузоқлар 2 ойликдан бошлаб 1 йилда 1 марта, она ва еркақ чўчқалар еса 1 йилда 2 марта сил касаллигига қарши аллергик текширишдан ўтказилади.

Ҳайвонлар 2 ойлигидан бошлаб тери орасига туберкулин юбориш билан текширилади.

Сигир (қочар), буйволлар, туялар бугозликнинг даврига қарамасдан силга қарши аллергик текшириш усули билан текширилади, она эчкилар, совликлар, она чўчқалар, биялар, ешаклар тукқанидан 1-2 ой ўтгач, буғулар (морал) ноябрдан февралгacha, она товуқлар тухум қўйишдан олдин текширилади.

Носоғлом қорамолчилик фермаларини силдан соғломлаштириш.

Силга нисбатан носоғлом ферма, пода ва хўжаликларни соғломлаштириш усуларини танлаш, касалликнинг кечиши ва тарқалишига боғлиқ (1.4. пунктга қаранг)

Соғлом туман, вилоят ва жумхуриятларда йирик шохли моллар ўртасида 1 марта сил касаллиги аниқланса, хўжалик носоғлом деб топилиб, карантин эмлан қилинади, носоғлом ҳайвонлар бош сонини соғлом ҳайвонлар билан тўлиқ алмаштирилади. Пода (форма)даги барча ҳайвонларни бузоқлари билан биргаликда 30 кун ичida сўйишга юборилади. Носоғлом ҳайвонлар тўдаси сўйишга олиб чиқилгандан сўнг фермада санация ишлари ўтказилади, (дезинфексия, механик тозалаш, санитария таъмирлаш ишлари, дератизация, охирги дезинфексия) ва карантин бекор қилинади ферма еса соғлом ҳайвонлар билан тўлдирилади.

Носоғлом паррандалар гўштга жўнатилади, якунловчи ветеринария санитария тадбирлари ўтказилгандан кейин, карантин олинади, хўжалик (сех) соғлом ҳисобланади.

Бруцелләз. Касалликни олдини олиш, аниқлаш ва текширувлар натижасини ҳужжатлашириш. Хўжаликда даволаш ишларини ташкиллаштириш ва қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш.

*Мақсад:* Соғлом хўжаликда бруцелләз касаллигига қарши олдини олиш чора тадбирларини ўзлаштириш

*Асосий тушунчалар:*

Бруцелләз сурункали кечадиган зооантропоноз касалликдир. Касалликнинг қўзғатувчиси *Бруселла* авлодига кириб куйидаги турлардан иборат:

1. *Бр. мелитенсис* – қўй ва эчкилар типи. Одам учун жуда хавфлидир
2. *Бр. аборлус бовис* – буқалар типи
3. *Бр. суис* – чўчқалар типи
4. *Бр. овис* – қўчқорларда юқумли епидидимит касаллигини қўзғайди.
5. *Бр. неотомае* – каламушлар типи
6. *Бр. санис* – итлар типи

Бруцеллар майда, полиморф шаклли, грамм (-) спора ҳосил қилмайдиган бактериялар. Буларни ўстириш учун глюкоза, глицерин қўшилган озиқа муҳитлар. Д-озиқа муҳити, плоскирев агари қўлланилади. Бруцеллаларнинг бўёқлар қўшилган озиқа муҳитларда ўсишда ва  $\text{CO}_2$  газини ҳосил қилишдаги фарқлар.

## 1– ЖАДВАЛ

Касалликнинг қўзғатувчиси	Фуксин 1:25000	Тионин 1:25000	$\text{CO}_2$ ҳосил қилиши
<i>Бр. Мелитенсис</i>	+	+	-
<i>Бр. аборлус бовис</i>	+	-	+
<i>Бр. суис</i>	-	+	+

Бруцелләз касаллигига диагноз, эпизоотологик маълумотларга, клиник белгиларига, аллергик ва лаборатория текшириш усулларига асосланаб қўйилади. Кон еса серологик реаксиялар ёрдамида текширилади.

## Бруцелләзниң комплекс диагностика усуллари

1. Эпизоотологик усул (касалликнинг учраши, касалликнинг тарқалиши, узатилиши)
2. Клиник усул (бола ташлаш, бурсит, орхит, от ва чўчқаларда абсесс)
3. Патанатомик усул (жигар, талоқ, буйракда абсесслар, хомилада қон қўйилиши, йирингда некротик тугунчалар...)
4. Аллергик усул (брүцеллин тери остига палпебрал юборилади).
5. Лаборатория текшириш усули:

а) Бактериологик усул. Грамм манфий, Козловский усулида бўялади.

Плоскирев агарида ўстирилади.

б) Серологик усул (РБП, РА, РСК. Сут ҳалқали реаксия).

г) Биологик синов усули (денгиз чўчқаларида, оқ сичқонларда) ўтказилади.

Дифференсиал диагноз. Бруцелләзни асосан лептоспироз, кампилобактериоз, трихомоноз касалликларидан фарқалаш керак.

## Жадвал 2

	Текшириш усуллари				
	Епизоотология	Клиник	Аллергик	Бактериологик	Серологик
1. Бруцеллөз	Қўй, эчки, қорамол, чўчка, туя, буғулар касалланади	Аборт, бурсит артрит, орхит абсесс	K	гр. Козловский усулида, типик колониялар ҳосил қиласи	РПБ, РА, КБР, сут халқали реаксия
2. Кампило-бактериоз	Қорамол, қўйлар касалланди	Метрит, вагинит abort			гр. Ҳаракат РА чан
3. Трихомоноз	Сут емизувчи ҳайвонлар	Аборт (2-3 ой-лигда) қинни шиллик пардаларида тугунчалар ҳосил бўлади (трихомонадли киргич)			Полиформ шакли узунлиги 8-25 мкм Петровский озиқа мухитида ўстирилади

### МАТЕРИАЛЛАР ВА ЖИХОЗЛАР:

1. Бруцеллөз касаллигининг олдини олиш учун ўтказиладиган чора тадбирлар

ЙАГИ олиб келинган ҳайвонлар 30 кунлик профилактик карантин пайтида бруцеллөзга серологик усуллар билан, қўй, эчкилар аллергик усул билан, қўчкорлар еса инфексион епидедимитга серологик усул билан текширилади. Подадаги айrim ҳайвонлар ижобий натижа кўрсаца, буларда бруцеллөз касаллигининг диагнози тасдиқланса, шу подадаги ҳамма моллар сўйилади. Салбий натижа кўрсатган наслли қора моллар носоғлом хўжаликда ишлатилиши мумкин.

Сут-товар, наслчилик, бўрдоқчилик фермаларида гўшт учун сотиб олиб келинган, ферма ходимларининг ўзига тегишли ҳайвонларни сақлаш ман этилади.

Касал ҳайвонларнинг носоғлом хўжаликдаги ҳайвонлар ҳамда соғлом ҳайвонлар билан бир жойда сақланиши, боқилиши сугорилиши ман этилади.

Ҳайвонларнинг хўжаликдан чиқарилиши, сотилиши, фақат 12 ойдан кейин бир йил ўтгач, амалга оширилади. Бруцеллөз ваксинаси билан эмланган ҳайвонлар наслчилик мақсадида жумхуриятдан ташқарига сотилмайди.

Бруцеллөз касаллигидан соғлом хўжаликларда соғломлик ҳақида давлат ветеринария инспекторлари томонидан берилган махсус гувохнома бўлиши керак.

Ҳамма ҳайвонлар вақтида бруцеллөзга текширилиб турилади.

Ҳайвонларни сақлаш учун ветеринария санитария тартиби ўрнатилади.

Хўжаликдаги ҳайвонлар бруцеллёз касаллигига гумон қилинса, хўжалик раҳбарлари, ферма ва ҳайвон егалари тезликда ветеринария мутахассис раҳбарлари, ферма ва ҳайвон егалари тезликда ветеринария мутахассисларига хабар қилиб, касал ва гумон қилинган ҳайвонларни ажратиб, сут ва сут маҳсулотларни олиб чиқармаслик ва уларни заарсизлантирмасдан ҳайвонларга бермаслик мажбуриятини оладилар.

Хўжалик вет.врачи носоғлом ҳайвонларни текшириб, диагнозни аниқлаш учун лабораторияга патологик материал жўнатади ва карантин қўйишга киришади.

2. Бруцеллёзга қарши ўтказиладиган чора тадбирлар

Хўжаликда бруцеллёз касаллиги аниқланса, карантин эмлан қилинади.

2.1. Карантинда хўжалик раҳбарлари хўжаликнинг чегараларида кеча-кундуз навбатчилик қиласидиган карантин постлар ташкил этишлари керак.

2.2. Карантин эмлан қилинган хўжаликка ҳайвонларни кирғизиш, чиқариш, ҳайвонларни бир гурухдан бошқа жойга ўтказиш, ҳайвон кўргазмаларини, бозорларни ўтказиш, касал ҳайвонлардан бузоқ олиш, касал ҳайвонларни шахсий хўжаликларга сотиш ман этилади.

2.3. Клиник белгилар мавжуд бўлган ҳайвонлар abort қилган ва серологик текширишда ижобий натижа кўрсатган ҳайвонлар ажратилади ва 15 кун давомида гўштга топширилади. Хўжаликда бундай ҳайвонларни сўйиш ман этилади.

2.4. Касал ҳайвонлар боқилган яйловлар ёзги пайтда 2 ойдан кейин, қишида 3 ойдан кейин соғлом ҳайвонлар учун фойдаланиш мумкин. Бу яйловларда тайёрланган хашаклар 2 ой сақлангандан кейин носоғлом ҳайвонларга берилади.

2.5. Носоғлом хўжаликдаги қўй ва эчкиларни соғиш, дезинфекцияланмаган териларга ишлов бериш, сутларидан пишлоқ ва барча маҳсулотларни тайёрлаш ман этилади.

2.6. Қўй ва эчкилардан олинган жун бромметил-спирти билан заарсизлантириши керак.

2.7. Ўлган ҳайвонларнинг гавдалари, ташланган ҳомилалар ўша захоти куйдирилади (утилизацияланади).

2.8. Клиник белгилари мавжуд бўлган ҳайвонларнинг сути 5% формалдегид, креолин қўшилиб заарсизлантирилиб, истеъмолга яроқсиз ҳолатга келтирилади.

2.9. Бруцеллёз касаллигига серологик текширганда, ижобий натижа кўрсатган ҳайвонлардан олинган сут қайнатилади ёки сариёғ ҳолатга ўтказилади.

2.10. Носоғлом хўжаликдаги соғлом ҳайвонлардан олинган сут пастеризацияланади 70 С° 30 минут 85-90 С° да ўтказилади ёки сут қайнатилади.

2.11. Носоғлом хўжаликда албатта зоогигиена ва дезинфекция, дезинсексия, дератизация ишларини олиб бориш шарт. Дезинфекция учун 20%ли янги сўндирилган оҳак, ДП-2 препарати, 2% ўювчи натрий, 2% формалдегид, 0,5% глутар алдегид эритмалари қўлланилади.

2.12. Касал ва касалликга гумон етилган ҳайвонларнинг гўнги, тўшамалари ем-хашакларининг қолдирилади, ёки биологик, химик-физик усуллар ёрдамида заарасизлантириланди. (Биотермик усул).

### 3. Носоғлом хўжаликларни соғломлаштириш чора тадбирлари

3.1. Соғлом вилоят, жумхуриятларда биринчи марта бруцеллёз касаллиги рўйхатга олинганда, носоғлом хўжаликларни соғломлаштириш подадаги ҳайвонларни бутунлай (тўлик) соғлом ҳайвонлар билан алмаштиришга асосланган. Кўшни фермалардаги ва шахсий хўжаликлардаги моллар ҳар 15 кунда 2 марта серологик усулда текширилади. Емланиш ўтказилмайди. ЙАкка касал бўлган ҳайвонлар учраган хўжаликларда еса юқорида кўрсатилган чора тадбирлар ўтказилади.

3.2. Касаллик кенг тарқалган хўжаликларда ўтказиладиган соғломлаштириш бруцеллёзга қарши ваксиналарни кўллашга асосланган. Емлаш ишлари жумхурият ветеринария бош бошқармаси йўриқномаларига ва вилоят ветеринария бошқармасига буйруғига биноан ўтказилади.

3.3. Бруцеллёз сурункали шаклда ўтадиган подада диагностик текширишлар билан аниқланган касал ҳайвонлар 15 кун ичидаги гўштга топширилади. Ундан кейин подадаги ҳайвонлар систематик тарзда ҳар 15-30 кунда бир марта серологик усул ёрдамида пода бўйича икки марта кетма-кет салбий реаксия олгунга қадар текширилади. Гурӯҳ бўйича 2 марта салбий серологик натижа олингач, 6 ой ветеринария назорати учун қолдирилади.

Шу давр ичидаги бу моллар тўдаси 2 марта серологик усул билан текширилади. Текширишда салбий натижа кўрсаца, ҳайвонларда бруцеллёз сабабли абортлар кузатилмаса, подадаги ҳайвонлар соғлом деб ҳисобланади. Агарда контрол текширишда (6 ой давомида), ижобий натижа кўрсатган ҳайвонлар учраса, улар подадан чиқарилади ва гўштга топширилади, қолган ҳайвонлар еса систематик серологик текширишга қўйилади ёки подадаги ҳайвонлар бузоқлар билан биргалиқда ҳаммаси гўшт учун сўйилади. Икки йил давомида шу усул ёрдамида хўжалик соғломлаштирилмаса, носоғлом подадаги ҳайвонлар билан алмаштирилади. Соғломлаштирилаётган хўжалиқдаги ҳайвонлардан олинган сут зарасизлантирилади (қайнатилади ёки пастеризацияланади, ёки сариёғ тайёрланади).

3.4. Умумий ҳайвонлар сонининг 25% дан кўпроғи касал бўлган хўжалиқда соғломлаштириш ҳамма касал ҳайвонларни гўштга топшириш усулида олиб борилади. Клиник белгилари мавжуд бўлган ҳайвонлар ўша заҳоти, буқалар 8-ёшли сигирлар, бузоқлар 3 ой давомида гўштга топширилади. Бола ташлашнинг олдини олиш мақсадида ҳамма сигирлар 19-чи штаммидан тайёрланган ваксина билан эмланади.

3.5. Ғуножин ўстириш, бурдоқичилик комплексларида касал аниқланган подадаги ҳамма ҳайвонлар 12-30 кун давомида гўштга, қолганлари еса 6 ой давомида топширилади. Карантин олинишидан олдин, шу ва кўшни хўжалиқдаги моллар, шахсий моллар ҳаммаси серологик усул билан (РА, РСК) текширилади.

#### 4. Кўйчилик (эчкичилик) хўжаликларда ўтказиладиган соғломлаштириш чора-тадбирлари

4.1. Соғлом хўжаликда биринчи марта бруцеллёз касаллиги аниқланса, носоғлом подадаги ҳамма ҳайвонлар қўзичоқлари билан биргалиқда гўштга топширилади. Касал қўй ва эчкиларнинг гўштидан ҳасиб, консерва тайёрланади. Қолган ҳайвонлар 30 кун давомида 2 марта серологик (РА, РСК, РБП) ва аллергик усул билан текширилади ва 2 марта салбий натижа олингунча текширилади. Емлаш ўтказилмайди, санация ўтказилади. Текширишда касал ҳайвонлар чиқиб турса, отардаги ҳамма қўйлар гўштга топширилади.

4.2. Носоғлом нохиядаги соғлом хўжаликдаги ҳайвонлар ва ёзда яйловга хайдаладиган қўй эчкилар ваксина билан эмланади. Қўй ва эчкиларда вакцинация ўтказиш схемаси (РЕВ-1) 1,3,5, ойликдаги қузичноқлар эмланади ва 1 йилдан кейин серологик текшириб кўрилади. (РБП, РСК). Катта ёшдаги қўй ва эчкилар қочиришдан 2 ой олдин эмланади, 2 йил ўтгач, қочиришдан 2 ой олдин ревакцинацияланади, 2 йил ўтгач кейин серологик текширилади. Носоғлом хўжаликда қўлланиладиган емлаш схемаси.  
Ҳамма қўй ва эчкилар серологик текширилади.

+ гўштга топширилади  
серологик текширилади  
+ гўштга топширилади  
+ гўштга топширилади

- эмланади, 2 йилдан кейин  
|  
- ревакцинацияланади (такрор эмланади)

#### Назорат учун саволлар

1. Туберкулёз касаллигига дастлабки ташхис.
2. Тери ичига юбориш усулини бажаришни айтинг.
3. Туберкулёз касаллигини олдини олиш ва йўқотиш тадбирлари.
4. Бруцеллёз касаллигига дастлабки ташхис.
5. Бруцеллёз қўзғатувчиларини санаб ўтинг.
6. Бруцеллёз касаллигини олдини олиш ва йўқотиш тадбирлари

#### Махсус адабиётлар

1. Салимов Х.С., Қамбаров А.А. Эпизоотология, Дарслик, Тошкент, 2016 й. 560 бет.
2. Парманов М.П. ва бошқ. «Хусусий эпизоотология». Дарслик. Самарқанд, 2010 й.
3. Бакиров Б. ва бошқ. Ҳайвонлар касалликлари. Маълумотнома. Самарқанд. Ф.Насимов Х/К. 2019. 552 б.

#### Қўшимча адабиётлар

1. Х.С. Салимов, Б. Сайитқулов, И.Х.Салимов. Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли луғат ва маълумотнома.-Т. ТАФАККУР НАСҲИРИЙОТИ”, 2013.
2. Ветеринария медицинаси журнали. Т. 2018-2020.йиллар

#### **4-мавзу: колибактериоз ва салмонеллез касалликларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг замонавий инновацион усуллари.**

**Мақсад:** Колибактериози касаллиги диагнози, ажратма диагнози, қарши кураш тадбир чоралари билан танишиш.

**КОЛИБАКТЕРИОЗ:** Касалликни олдини олиш, аниқлаш ва текширувлар натижасини хужжатлашириш. Хўжаликда даволаш ишларини ташкиллаштириш ва қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш.

#### **МЕТЕРИАЛЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР:**

Микроскоп, буюм ойначалари, Грамм усули бўйича бўёклар, текшириладиган намуна, стандарт тамға мазок, иммурсион мой, рангли жадваллар, маҳсус анатоксинлар, слайд, ўқув қўлланмалари, дарслик.

#### **Асосий тушунчалар**

Диагноз, ажратма диагноз

Иммунитет

Умумий ва маҳсус даволаш

Карантин чора тадбирлари

Хўжаликни соғломлаштириш, профилактик воситалар

(Солибастериосис) - Ёш ҳайвонларнинг ўткир кечадиган юқумли касаллиги бўлиб, унга асосан 1 қунликдан 8 қунликгача бўлган ёш ҳайвонлар мойилдир. Касалликка хос белгилар бўлиб, ентерит, бактеримия, сепсис ва кучли ҳолсизланиш ҳамда кучсизланиш ҳолатлари ҳисобланади.

**Тарихий маълумот** – колибактериоз олдинги асрдан бошлаб, сут емизувчи ёш ҳайвонларнинг "оқ ич кетиш" касаллиги деб юритилган. Касаллик 1893 йилда Иенсен томонидан аниқланган. Бундан ташқари, мазкур касаллик бўйича Р.Менингер (1927); И.Деметер (1931)лар етарли илмий кузатишлар олиб бордилар. 1930 йиллардан бошлаб, С.Н.Вшелеский, Н.А.Михин, Р.А.Сион касалликни батафсил ўрганиб, Н.А.Михин томонидан специфик қон зардоби тайёрланган. 1940-1960 йилларда Ф.Кауфман, Й.А.Е.Коляков, А.М.Ахмедовлар серогруппалар устидан кузатишлар олиб бордилар. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти олимларидан А.М.Ахмедов, А.К.Ситиков, И.Б.Бурлуцкий, Й.А.Ж.Жиянов ва З.С.Хопулатовлар Ўзбекистон шароитида касалликнинг тарқалиши билан батафсил шуғулланиб, маҳсус профилактика борасида салмоқли улуш қўшдилар. Ветеринария фанлар номзоди Б.Туракулов қатор йиллардан бери маҳаллий штаммдан тайёрланган ваксина ишлаб чиқиб, хўжаликларда қўллашда улкан ишларни амалга ошириб келяпти.

**Қўзғатувчиси** – касалликнинг Соли групласига оид микроорганизмлар чақиради. Унинг асосий вакили бўлиб Е. Соли. ҳисобланади. Бузоқларда ентеропатоген ешерихиянинг қатор серогруппалари учрайди. 08, 09, 015, 026, 041, 055, 078, 0101, 0115 ва ҳакозалар.

**Чидамлилиги** – қуритилган оқсилли муҳитларда, ҳайвон ахлатида, шилимшиқ моддалар ва қонда ичак таёқчалари ойлаб яшай олади. Қиздиришга унча чидамли емас. 75-80°C да дарҳол ўлади.

Бизнинг шароитда ёз пайтлари тез нобуд бўлади. Шунинг билан биргалиқда, у соғлом ҳайвон танасида яшаб, ташки муҳитга ажралиб туради.

**Эпизоотологик маълумот** – қолибактериоз касаллигига ҳамма турдаги ҳайвонларнинг ёшлари мойилdir. ЙАнги туғилган ёш ҳайвонлар биринчи куниданоқ касалликга чалинади. Баъзида катта ёшдаги ҳайвонларнинг колимастит ва колиендометрит билан касалланиши ҳам қузатилади.

Колибактериознинг келиб чиқишида хўжалик шароитининг таъсири катта. Зах, қоронғи, ески биноларда ёш ҳайвонларнинг сақланиши, бўғоз ҳайвонларнинг зарурий озуқалар билан балансли озиқлантирмаслик ҳоллари, санитария масалаларининг талаб даражасида өмаслиги ёш ҳайвонларнинг юқумли касалликлари келиб чиқишида, жумладан қолибактериозда ҳам тезлаштирувчи омиллардан биридир.

**Патогенези** – соғлом бўлиб туғилган ёш ҳайвон ичагининг шиллиқ пардаси микроорганизмларнинг ўтишига кескин тўсқинлик қила олади. Агарда ёш ҳайвон нимжон бўлиб туғилса, унинг ҳимоя воситаси жуда пасаяди ва унга тушган патоген микроорганизм шиллик пардадан ўтиб кетади. Микроорганизм чиқарган ендотоксин яллиғланиш жараёнини чақиради. ЙАллиғланиш жараёни еса, ўз навбатида микроорганизмнинг яна чуқурроқ ўтиб боришига таъсир кучини ўтказади. Бактериянинг қондаги кўпайиши, ривожланиши туфайли, бутун организмга тез тарқайди ва унинг токсини орқали марказий нерв системасига таъсир етиб, унинг функсиясини бузади. Натижада коматоз ҳолат пайдо бўлади.

**Касалликнинг кечиши ва клиник намоён бўлиши** – касаллиқда яширин давр бир неча соатдан бир суткагача давом етиб, клиник намоён бўлиши ҳамма ёш ҳайвонларда асосан, бир хил кечади. Касал ҳайвон ётади, тумшуқлари қуруқ бўлиб, кўзнинг шиллиқ пардалари қонталаб кетади. 1-2 кун ўтгач септик ҳолатга ентерит қўшилади. Ич кетиш ўта суюқ бўлиб ўтади, кўпиксимон, хаво пуфакчалари аралашган бўлиб, оқ-кўкимтирроқ рангда намоён бўлади ва ачқимтил хид тарқатади. Ич ўтганда хазм бўлмаган сут, сузмасимон лахта-лахта бўлиб ўтади.

**Патанатомик ўзгаришлар** – ўлган ҳайвон танаси озғин бўлади. Орқа тешик атрофи ва орқа оёқлар жуда ҳам ахлат билан ифлосланган бўлади. Шиллиқ пардалар кучли қонсизланади. Ошқозонда пишлоқсимон масса кузатилади, қўйқали зардоб тўпланиб қолади. Ошқозоннинг шиллиқ пардаси қизариб қон қўйилган бўлади. Ингичка ичакда суюқ шилимшиқ озиқ-овқат қолдиқларининг аралашмаси кузатилади. Ингичка ва йўғон ичакларнинг шиллиқ пардалари шишиб, шилимшиқ суюқлик билан қопланган бўлади, гиперимия ва қон қўйилиш рўй беради. Лимфа тугуллари катталашиб, қизариб кетган бўлади. Талоқ кучли ўзгармайди. Буйрак ва жигар қонсизланиб, капсула тагларига қон қўйилиши кузатилади.

**Диагноз** – эпизоотологик маълумотлар асосида, клиник белгилари ва патанатомик ўзгаришлар инобатга олинган ҳолда қўйилади. Бу кўрсаткичлар ҳаммаси бактериологик текширишлар натижаси билан тасдиқланади.

Унинг қайси серологик группага оидлиги коли сывороткалар билан текшириб аниқланади. Микробиологик текшириш қуйидагича амалга оширилади. Биринчи куни органлар ва ингичка ичакларнинг пардасидан олиб, сунъий муҳитларга еқилади ҳамда мазок қилиб текширилади. Иккинчи кун Еndo, Левин, МПБ ва Симмонс муҳитларига колониялар екиб текширилади.

Учинчи кун еса, еқилган муҳитлардан антиген тайёрланиб, серогруппа аниқланади ва оқ сичқонларга юқтирилиб. Тўртинчи кун биопроба аниқланади. Шундан кейин еса, антибиотикларга сезувчанлиги аниқланади.

**Ажратма диагноз** – колибактериознинг клиник намоён бўлиши сальмонеллёз ва диспепсия жуда ўхшаш бўлади. Бу ерда нафакат клиник белгиларини, балки унинг эпизоотологиясини ва патанатомик ўзгаришларни ҳам инобатта олинади ҳамда албатта, бактериологик текшириш усулларига мурожаат қилинади. Колибактериоз сальмонеллёздан фарқли ўлароқ биринчи кунданоқ бошланади. 7-8 кунлигигача касалланиб бошида иситма кўтарилса ва ентерит кузатилса, қолибактериозга гумон қилинади. Салмонеллёзда еса, асосан 7-10 кунликда бошланади, бир неча ойгача давом этиши мумкин.

Колибактериоз септицемия кучли ривожланиб, тўтовсиз ич кетади, қатъий кучсизланиб, ётиб қолади. Салмонеллёзда клиник белгилар секинроқ ривожланади, лекин ҳар доим тананинг иситмаси баланд бўлади. Йориб кўрилганда талоқда кучли ўзгаришлар кузатилмаслиги, жигарда еса, некротик ўчоқларнинг бўлмаслиги қолибактериозга хос патанатомик ўзгаришлардан дарак беради. Салманеллез ўткир кечганда қондан микроорганизмлар ажратилади (гемокултура).

**Токсик диспепсия** – бу ҳам дастлабки қунлардан бошланиб, тўтовсиз ич кетади. Нимжонланиб ётиб қолади. Лекин тана ҳарорати кўтариilmайди. Сероз қопламаларда қон қўйилишининг кузатилмаслиги ва талоқнинг ўзгармаслиги диспепсияга хос хусусиятдир. Колибактериозда лабараторияга жунатилган патматериаллар (қишида ўлимса бутунлай, ёзда бўлса найсимон суюк ва паренхиматоз органларнинг бўлаклари) 30% глицерин эритмасига солиб юборилади. Намуналардан ешериҳия ажратиб олинади ва унинг серотиплари аниқданади. Бунинг учун типоспецифик зардоблар қўлланилади.

**Даволаш** – касалликга ўз вақтида аниқ диагноз қўйилгач, даволаш диетадан бошланади. Увўз сути ҳамда физиологик эритма ёки бўлмаса, аччиқ қилиб дамланган қора чой совитилиб берилади. Йуқорида қайд қилинган суюқликларнинг 1 литрига хом тухумни аралаштириб бериш яна ҳам фойдалироқдир. У нафакат тўйимлилигидан ташқари, таркиби лизоцим моддасига ҳам бойдир. Шунинг учун ҳам, даволаш хусусиятига егадир. Колибактериозда антибиотикларни қўллаш яхши самара беради. Лекин антибиотикларни ишлатишдан аввал, нисбатан ажратиб олинган ешериҳиянинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаб олиш шартдир. Шундагина биз микроорганизмга таъсир ета оладиган дориворларни танлай оламиз ва даволаш самарали бўлади. Колибактериозда биофабрика ва биоцехларда тайёрланган сыворотка ва бактериофаглар мавжуддир. Сывороткалар тери остига юборилади, фаглар еса ичирилади. Даволаш эффекти жуда ҳам юқоридир.

**Иммунитет** – увуз сутининг таркиби врачларга маълум. Шунинг учун бу тўғрида тўхталишига ҳожат йўқ. Носоғлом хўжаликларда бўғоз сигир ва совлиқларнинг туғишидан 1,5-2 ой олдин поливалентли ГОА формал тимерсол ваксина ишлатилади. Мушак орасига 14 кун оралиғида икки маротаба юборилади. Сигирлар учун 10-15 мл, қўйларга 3-5 мл дозада ишлатилади.

**ВИЕВ** – тавсия етган протектан препарати увуз сутидан 30 минут олдин перорал 10-15 мл, кейинчалик 10 мл 5 марта увуз сути билан, кунаро бериб борилади. Ўзбекистон шароитида Ўз ВИТИда тайёрланган ваксинани қўллаш ҳам яхши фойда беради.

Олдини олиш – ёш ҳайвонларнинг ичак-ошқозон инфексиялари асосан санитария аҳволи паст, тўйимли озуқалар билан озиқлантириш йўлга қўйилмаган фермаларга хос касалликлардандир. Шунинг учун ҳам бу ерда асосий масала шу факторларни йўқотиш билан биргаликда ҳайвон организмнинг резистентлигини оширишдан иборат. Бу тадбир ҳайвонлар бўғозлик давридан бошланиши керак. Бўғоз ҳайвонларга балансли, тўйимли озуқа бериш ва мацион қилинилиши талаб этилади.

**САЛМОНЕЛЛЙОЗ** касаллиги диагнози, ажратма диагнози, қарши кураш тадбир чоралари билан танишиш.

#### **МЕТЕРИАЛЛАР ВА ЖИХОЗЛАР:**

Микроскоп, буюм ойначалари, Грамм усули бўйича бўёқлар, текшириладиган намуна, стандарт тамға суртма, иммерсион мой, рангли жадваллар, махсус анатоксинлар, слайда, ғув ՚флланмалари, дарслик.

#### **Асосий тушунчалар**

1. Диагноз, ажратма диагноз
2. Иммунитет
3. Умумий ва махсус даволаш
4. Карантин чора тадбирлари
5. Хўжаликни соғломлаштириш, профилактик воситалар

Салмонеллэз (паратиф) ёш ҳайвонларнинг юқумли касаллиги бўлиб, иситма кўтарилиши ва ичак-ошқозон фаолияти бузилиши туфайли, ич кетиши билан ўтадиган касалликдир. ўткир кечганда ич кетиб, иситма чиқади, сўринкали кечганда еса, ўпка жароҳатланади, бўғинларда артрит кузатилади.

**Тарихий маълумот** – бу группага оид микроорганизмлар Салмон ва Смит томонидан 1885 йилда аниқланган. Унинг номини касалликка ва унинг қўзғатувчисига беришни 1934 йилда халқаро микробиологлар жамияти лозим деб топган ва у маъқулланган. Собиқ СССР да 1929 йили қўйлар паратифини П.Тавелский аниқлаб рўйхатга олди. Ҳар хил тур ҳайвонларнинг салмонеллёзи 1934-1956 йиллар мобайнида Р.Сион, П.Андреев, П.Соломкин, К.Светков, И.Поддубский, Н.Михин, С.Вишелесский ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ўзбекистонда еса А.Ахмедов, А.Сиддиқов, И.Бурлуцкийлар касалликни ўрганиш борасида ўз ҳиссаларини қўшганлар. Касалликни ўрганишда енг салмоқли иш профессор И.И.Архангелский томонидан амалга оширилган.

У советлар тузуми даврида ўз замонасининг дунёга машхур олими еди. Шу кафедрага ўн йил мудирлик қилган ҳамда салмонеллёзга қарши тайёрланган ваксинанинг муаллифи ҳамдир. Дунё буни тан олиб, 1970 йилларга қадар ишлатилиб келинди. Т.Расолов, Р.А.Бабаевлар 1950-1955 йилларда профессор И.И.Архангельский раҳбарлигида аспирантурани ўтаб, номзодлик ишини бажарган. Уларнинг мавзуси асосан, салмонеллёзнинг специфик профилактикаси ва унинг иммунитетига бағишлиланган. ЙУқорида қайд етилган ваксина ҳозир ҳам қўлланилиб келинмоқда, лекин бироз такомиллаштирилган.

**Иқтисодий зарар** – салмонеллёздан жуда катта иқтисодий зарар келади. Ўртacha 1-10% гача бузоқлар касалланиб, шундан 20-30%и ўлади. Бундан ташқари мажбурий сўйиш ҳам бўлади. Касалларни даволаш учун катта маблағ ажратилади.

**Касалликнинг қўзғатувчиси** – касаллик қўзғатувчиси Салмонелла группасига оид бўлиб, бузоқларда Салмонелла дублин, баъзида еса тупҳимуриум томонидан чақирилади. Чўчқаларда Салм.чолерае суси, қўзиларда Салм.абортус овис, қулунларда еса С.абортус еқви. Полиморф ҳолатда учраб, анилин бўёқлар билан яхши бўялади. МПА ва МПБ яхши ўсади. Салмонеллалар индол ҳосил қилмайди, сероводород ажратади, сутни ивитмайди. Лакзота ва сахарозада ўзгариш бўлмасдан, глюкоза, маннит, малтозада, газ ва кислота пайдо бўлади. Серологик дифференсияси учун еса, монорецептор *O* ва *H* зардобалардан фойдаланилади. Оқ сичқонлар ва салмонеллага жуда сезувчан. Денгиз чўчқалари ҳам чалинувчан, микроорганизм кучли заҳар чиқаради (ендотоксин). Каттароқ дозада лабаратория ҳайвонларига таъсир қиласи, венага юборилганда еса қишлоқ хўжалик ҳайвонларига ҳам кучли таъсир етади. Салмонелланинг токсини одамга ҳам қаттиқ таъсир етиб, озиқ-овқатга тушгудек бўлса, кучли заҳарланиш бўлади.

**СҲидамлилиги** – салмонеллалар юқори ҳароратга анча чидамли. 70-75<sup>0</sup> С да 15-20 минут сақланади. Совуқ ҳароратда еса 3-4 ой сақланади. Гўнгда ва сувда ойлаб сақланади. Дезинфексия учун еса 3% ишқор, 20% хлор оҳагининг эритмаси 5% ксилонафтларни қўллаш яхши натижада беради.

**Касаллик эпизоотологияси** – бузоқлар кўпинча бир ҳафтадан касалланиб, у 2 ой ва ундан катта ёшдагиларда ҳам учрайди. ЙУқиши асосан алиментар содир бўлиб, она танасида ривожланаётганда юқиши кам кузатилади. Мойил танадан ўтиш туфайли бактериянинг вирулентлиги ошиб, яхши ривожланган бузоқлар ҳам касалга чалинаверади. Салмонеллёз кўп ҳолларда касаллик қўзғатувчиси билан ифлосланган сут ва обрат орқали юқади. Елинда сут жуда кам ҳолларда салмонелла билан заарланади. Йош ҳайвонлар емганда ёки соғиш жараёнида сигирлар ифлос жойларда сақалнганлиги туфайли елинга салмонелла билан заарланган ахлатлар тушиши касаллик келиб чиқишига сабаб бўлади. Айниқса, бу ҳолат ҳайвоннинг иссиқ кунларда, яъни ёз ойларида яққол намоён бўлади.

Касалликнинг эпизоотологиясида бактерия ташувчи ҳайвонлар катта хавф туғдиради, чунки улар ойлаб ўз ахлати билан патоген микроорганизмларни ташқи муҳитга чиқариб юради. Соғлом хўжаликка шундай молларнинг келиб қолиши жуда катта хавф туғдиради ва касаллик тарқатади. Салмонеллалар катта ёшдаги ҳайвонлар ичакларида ҳам бемалол яшай олади. Асосий касаллик тарқатувчи манбаи бўлиб, касал ҳайвон ҳисобланади.

Касал ҳайвондан ич кетиш туфайли чиққан суюқ ахлат, ўта бактерия кўп тўпланган объект бўлиб, ҳамда сийдик ва бошқа екскретлар ҳам ташқи муҳитни салмонеллалар билан заарлайди. Жумладан носоғлом хўжаликда мутахассис ва мол боқарларнинг кийим-кечаги, идишлар, курак супирги ҳамда бошқа инвентарлар бактерия билан кучли ифлосланади. Бактерия қуриб қолган органик муҳитларда бемалол яшай олади.

Шунинг учун ҳам қуриб қолган ахлат, бурун ва оғиздан ажраган суюқликлар кийим-кечак, идиш ҳамда молхона деворлари, охурларга ёпишиб олиб узоқ муддат салмонеллёз резервуарларини бунёд етади. яхши боқиши, асраш, шароити яратилмаганди, салмонеллёз йилнинг ҳамма фаслларида учрайверади. Лекин ёш ҳайвонларнинг касалликка мойиллиги қишиш ва ерта баҳор ойларида ўта ошиб кетади. Чунки бу пайтга келиб организмнинг резистентлигини тушириб юборадиган қатор омииллар юзага келади. Қулинлар салмонеллёзи одатда спорадик ҳолатда учраб, асосан она организмида юқади (внутри утроб). Туғилгач, киндик орқали, ёки емганда сут билан, бактерия билан ифлосланган хашак орқали юқишилар иккинчи даражали бўлиб, қўпинча катта ёшдаги қулинлар еса сут емиш жараёнда ўзига юқтиради.

Патогенез- салмонелла оғиз орқали тушгач, ичакка боради. Ичакда кўпайиб ендотоксин ажратади ва яллиғланиш чакиради. Агарда организмнинг резистентлиги пасайган бўлса, ичак деворидаги лимфа аппаратига ўтади, кейин еса лимфа ва қон системасига тушади. Шундай қилиб микроорганизм ичак деворлари орқали организмга тушгач, септицемия юзага келиб, шунга хос ҳамма клиник белгилар намоён бўлади. Салмонелла ажратган токсинлар касалликнинг патогенезида катта рол ўйнайди. Касал организм нафақат бактериялар билан ифлосланган, балки унинг ажратган заҳари билан ҳам заҳарланган. Бунинг организмга таъсири туфайли екссудатив жараён кетади, шиллик пардаларда еса кучли геморагтик ўзгаришлар кузатилади.

Жигар, талоқ ва буйракларда некрозга учраган жойлар кузатилади. Қонга тушган токсинлар марказий нерв системасига таъсири қилиб, бутун организмга ўз таъсири кучини ўтказади. Касалликнинг кечиши ва клиник намоён бўлиши-салмонеллёз бузоқларда ўткир ва сурункали кечади. Ўткир кечиши - тананинг ҳарорати жуда кўтарилиб кетади ( $40\text{-}41^{\circ}\text{C}$ ). ЙУракнинг иш фаолияти оғирлашади (ритмик пулси минутига 110-150 тагача уради). Нафас олиш бир дақиқада 60-80 бўлади. Биринчи кунданоқ сероз конюктивит юзага келади, кўз ёши кўп оқади. Бузоқларнинг ташқи муҳит таъсирига реаксияси пасайиб кетади, қўпинча бошини биқинига ташлаб ётади. Ўз ҳохиши билан турмайди. Иштаха бекарор бўлиб, баъзида сут ичади, айrim ҳолларда еса сут ичишдан бош тортади. 2-3 кун ўтгач ич кетиш бошланади.

Ич кетганда шилемшиқ модда аралаш бўлиб ўтади. Ҳаво пуфакчалари аралаш ҳолда ич ўтиб, ўта ёқимсиз хид таратади, кейинчалик еса қон аралаш ич кетади. Касаллик оғир кечганда буйракда жароҳат кечаётгандилиги қузатилади. Тез-тез сийиб, оғриқ сезади. Сийдикнинг умумий миқдори камаяди. Сийдик типик бўлмасдан оқсил епителия тўқималари аралаш бўлади. Оғир кечганда еса иситма жуда ҳам баланд кўтарилади.

Касал бузоқ ётиб, ташки муҳит шароитларига реаксия бермасдан 5-10 кун ўтгач ўлади. Касаллик енгилроқ кечганда еса ич кетиши тўхтаб, ҳарорат тушади ва касаллик сурункали кечишга ўтади. Бу ҳолат юзага келгач, ичак-ошқозон жароҳати енгиллашиб, нафас олиш органларининг жароҳати юзага келади. Бурун оқиши, шилемшиқ ва йиринг аралаш бўлади. Аввалига қурук, секин йўтал тўтиб, кейинчалик еса, оғир йўталга айланади. Жараён асосан бронхитдан бошланиб, кейинчалик пневмонияга айланади.

Айрим ҳолларда еса бўғинлар жароҳатланиши ҳам содир бўлиб, шишади ва оғриқ сезади, жойида иситма бўлиб, юриб туриши қийинлашади. Чўчқаларда еса, ўткир, ярим ўткир ва сурункали кечади. Йош чўчқаларда ўткир, каттароқ ёшдагиларда еса сурункали кечади. Ўткир кечиш – септик ҳолат билан намоён бўлиб, тананинг ҳарорати  $41-42^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади. Оғир нафас олиб, тўшамалар орасига бошини суқиб олади, емишдан бош тортади, кўпинча ётади. Кучли ич кетиши қузатилади. Айрим ҳолларда ич оғриқ кучайиб ўтиргандек ҳолатга ўтади. Кўз кучли яллигланиб, конюктивит бўлади, қўзи йиринглаб уни оча олмасдан қолади. Ич кучли кетиши туфайли аҳвол оғирлашиб, 5-7 кун ўтгач чўчқалар ҳалок бўлади. Буйрак иш фаолиятининг бузилиши туфайли қорин, кулоқ-жағ ости бўлимининг териларида кўқимтири дөглар пайдо бўлади. Вақтида даволанмаса 50-80% чўчқалар нобуд бўлади.

Ярим ўткир ва сурункали кечиши – кучли намоён бўла олмаган септик жараён юзага келади. Вақти-вақти билан тана ҳарорати кўтарилади, юрак уриши тезлашиб нафас олиш оғир кечади. Ич кетиши бошланиши билан юқоридаги белгилар пасайиб, иштаҳа бўғилади. Вақти-вақти билан ич кетиши, ич қотиши билан алмашади. Айрим ҳолларда, ентерит ҳайвон ҳалок бўлгунга қадар давом ётади. Касаллар озиб кетади, шиллик пардалар анемик ҳолатда намоён бўлади, терилари тиришиб, кир, шоҳсимон пўстлоқлар билан қопланади. Баъзида пневмония юзага келиб, нафас олиш оғир кечади, хириллаб бурундан шилемшиқ суюқлик оқади. Чўчқалар ўсишдан қолади.

Қулунларда еса тугилгунга қадар (бия қорнида) юқтириб, касал бўлиб тугилади. Емишга харакат қилмайди, жуда қийналиб туради. Нафас олиш қийинлашиб, тана ҳарорати  $40^{\circ}\text{C}$  га кўтарилади. 1-2 кун ўтгач, ич кетиши бошланиб, кейин ҳалок бўлади. Бироз ёши катта, қулунларда артрит пайдо бўлади. Буғинлар шишиб, оғриқ сезади. Оқсоқланиб, юриши қийинлашади. Каттароқ ёшдаги қулунларда ич кетиши камроқ учрайди. Агарда, кучли ич кетиши кузатилса, албатта ўлимга олиб келади. Енгил кечганда қулунлар жуда секинлик билан тузалиши ҳам мумкин. Ўсишдан қолиб, узоқ кечган артрит туфайли оёқларда деформация ҳолати намоён бўлиши ҳам кузатилади. Бу еса ўз навбатида уларни яроқсизга чиқаришга олиб келади.

Қишлоғанда пайтларидан лаборатория текшириши учун ёрилмаган ўлимса, ёз пайтларидан еса ёрилган ўлимсадан паренхиматоз органлар 30% стерилланган глицеринг солиб юборилади. Патанатомик ўзгаришлар – ҳамма ёш ҳайвонларда асосий ўзгариш қорин бўшлиқларидан пайдо бўлади. Енг кучли ўзгариш талоқда содир бўлади: у кескин катталашади, кўкимтирик қизғиш рангда бўлиб, қорайиб кетади, четлари ўтмас айланма ҳолатда намоён бўлади. Ошқозоннинг шиллик пардалари шишиб, қизариб кетади, бўлинмачаларда кучли қон қувилиши содир бўлади.

Ингичка ичақда газ тўпланиб, шишган бўлади, катарал яллиғланади. Брижейка, лимфа тугунлари катталашган ва конталаган, епикард, ендокард ва плеврада қон қувилиши бўлади. ўткир ва ярим ўткир кечганда ўлимса озғин бўлади. СХўчқачаларнинг терисида, қорнининг пастида, қорнида ва қулоғида кўкимтирик доғлар пайдо бўлади. Буғинлар жароҳатланганда, шишибди ва серрофибриноз екссудат ҳосил бўлади.

Лимфа тугунларидан пишлюқсимон масса кузатилади. Касаллик сурункали кечганда ўпканинг кучли яллиғланиши кузатилиб, у асосан олдинги бўлакчаларда мавжуд бўлади. Кўкимтирик, қизғиш, қорамтирик-қизғиш рангда ҳамда қаттиқлашган ва ғадир-будур ҳолда намоён бўлади.

Диагноз – ўткир кечганда септик ҳолат кузатилади: ҳолсизланади, иштаҳа йўқолади, иситма баланд бўлади ва ич кетади. Сурункали кечганда еса, буғинлар ва ўпка кучли жароҳатланади. Биринчи 10 қунликда гемо култура ажратилади, яъни бу пайтда қонда бактерия бўлади. Сурункали ҳолатга ўтгач, бактерия ўпкага ва буғинларга тарқалади. 7-10 кундан кейин қонда агглютинилар пайдо бўлиб РА ижобий натижада беради.

Ажратма диагноз – касалликни токсик диспепсия ва колибактериоздан фарқлаш керак. Бу иккала касаллиқда ҳам биринчи кундан касалланиш пайдо бўлади. Бу жойда асосан, салмонеллёзнинг ўткир ҳолати инобатга олинади. Колибактериознинг бошланишида иситма баланд бўлади, диспепсияда еса ҳарорат тушиб кетади. Бу иккала касаллик ҳам ўткир кечади. Салмонеллёзда талоқ кучли ўзгариб, кескин катталашади. Колибактериозда бирозгина шишибди холос, диспепсияда еса ўзгармайди. Диплококк инфекциясида еса талоқ каучуксимон бўлиб қолади.

Даволаш – клиник текшириш ва термометрия ўтказилгач, бузоқларни куйидаги гуруҳларга бўлишни тавсия этилади: 1). соғломлар, 2). касалга гумон қилинганлар, 3). аниқ касаллар, 4). тузалганлар. Гуруҳларда ўзига беркитилган инвентар ва бокувчилар тайинланган бўлиши зарур. Тўйимли ва сифатли озиқлантиришни йўлга қўйиш керак. Даволаш учун левомицетин, синтомицин, трибрессин тавсия этилади. Пневмония асорати кузатилганда еса, антибиотиклар, супфаниламиналар билан биргалиқда қўлланилганда яхши натижада беради (норсульфазол, дисульфазол, етазол, супфадин, супфадемизин). Нитрофуран қаторига оид фуразолидон, фурацинлар қўлланилади. Фуразолидонларнинг ефекти юқоридир. Гипериммунли салмонеллезга қарши ишлатиладиган антитоксин қўллаш ўта юқори фойда беради.

Синтомицинни сут билан суткасига 3 марта бериш тавсия этилади. Биринчи марта 1 кг оғирлигига 0,04г, иккинчи ва учинчи маротаба еса, 0,02-0,03 г тавсия этилади. Рецидивнинг олдини олиш учун тузалгач, яна 2 кун синтомицин бериш давом эттирилади. Терромицин ва биомицин 3 кун давом эттирилади. Террамицин ва биомицин 3 кун 0,02г, 1 кг оғирлигига бериб борилади. Буларга қўшимча қилиб мускул орасига пенициллин инексия қилиш ҳам мумкин.

Ҳар доим ҳам дориворларга нисбатан микроорганизмларнинг сезувчанлигини аниқлаган ҳолда ҳаракат қилиш даволашнинг фойдалилик коеффицентини оширади ва талаб ҳам шуни тақозо етади. Бу вазифа лабараториялар зиммасига юклатилган.

Иммунитет- касалдан тузалган ҳайвонларда иммунитет пайдо бўлади. Иммунизация ўтказиш учун тегишли ваксиналар мавжуддир. Салмонеллёзга қарши ишлатиладиган концентрацияланган формал квасли ваксина носоғлом хўжаликларда туғишига икки ой қолганда 10-15 мл дан, 8-10 кун оралиғида юборилади. Бузоқлар 1-2 кунлигида 3-5 кун оралиғи билан икки марта эмланади. 1-2 ойлик бўлгач, бузоқлар реваксинация қилинади. Қўйларнинг салмонеллёзга қарши қўлланиладиган формал тиомерсал ваксина мавжуддир.

### **Емлаш схемаси.**

Қўйларнинг ёши	Ваксинанинг дозаси (мл)	
	Биринчи	Иккинчи
20 кунликдан 3 ойгacha	1-2	2-3
3 ойликдан 1 ёшгacha	1,5-2	2-3
Биринчи тўғиши	3-4	4-5
3 ёшдан бошлаб	4-5	5-6

- Чўчқалар паратифида қўлланиладиган ТС-177 штаммдан тайёрланган қуритилган, тирик ваксина қўллашдан аввал 1 млдан физиологик эритмада еритилади. Ваксина 2 ҳафталиқдан бошлаб тери остига 2 марта юборилади. 2-ҳафталиқда 0,3 мл 1 ой ўтгач 0,8 мл, 1-4 ойликда 0,5 мл, 4 ойликдан кейин 1 мл юборилади. Булардан ташқари, сувда сузуви паррандалар учун ҳам ваксина бор. Ҳозирги пайтда ассоциирован ҳолатдаги ваксина ҳам қўлланилади. Ишлаб чиқаришга жорий қилинган ҳар қанақа ваксинани ҳам қўллаш наставленияга қатъий амал қилган ҳолда ишлатилади. Олдини олиш – салмонеллёзга қарши кураш, молларни қочирган кундан бошлаб, бутун бўғозлиқ даври давомида амалга оширилади. Шу вақтда тўйимли ва тавсия этилган озуқа билан биргаликда, парвариш ҳамда мационга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Айниқса, бу тадбирни бўғозлиknинг иккинчи ярмида алоҳида эътиборга олиш шарт. Ёш туғилган бузоқларга унинг резистентлигини ошириш учун ацидофилин, ацидофилбулон култураси (АБК) ҳамда пропионбулон култураси (ПАБК) ни бериб бориш тавсия этилади.

Агарда касаллик чиқиб қолгудай бўлса, дарҳол юқорида қайд қилинган усул ва препаратлар билан даволанади. Туғилган ёш ҳайвонлар келтирилган ваксиналар билан эмланади. Салмонеллёзда хавфли муаммо, касаллик қўзғатувчисининг манбаи бўлиб, касал ҳайвонлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, уларни вақтида диагноз қўйиб, ажратиб олиш (изолясия ва жорий дезинфекция ўтказиш) ўта зарурдир.

Дезинфекция учун 2% актив хлор, 20% хлор оҳагининг эритмаси, **5%** хлорли ёд, 2% формалинлар тавсия этилади.

Бактерия ташувчи ҳайвонлар қатъий ҳисобга олиниб, улар билан ишлаш керак. Улар клиник белги намоён қиласлиги сабабли, бактериологик ва серологик текширишларга мурожаат қилган ҳолда аниқланади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Колибактериоз билан қайси ҳайвонлар касалланади.
2. Колибактериоз клиник белгилари ва унинг кечиши.
3. Колибактериоз маҳсус ва умумий даволаш.
4. Салмонеллёзга характеристика.
5. Салмонеллёзга касалликдан келадиган иқтисодий зарар.
6. Салмонеллёзга эпизоотологияси ва патогенези.

#### **Маҳсус адабиётлар**

1. Салимов Ҳ.С., Қамбаров А.А. Эпизоотология, Дарслик, Тошкент, 2016 й. 560 бет.
2. Парманов М.П. ва бошқ. «Хусусий эпизоотология». Дарслик. Самарқанд, 2010 й.
3. Бакиров Б. ва бошқ. Ҳайвонлар касалликлари. Маълумотнома. Самарқанд. Ф.Насимов X/К. 2019. 552 б.

#### **Хорижий адабиётлар**

1. Quinn P.J. Veterinary Microbiology and Microbial Disease Infectious Diseases of the Dog and Cat. Australia. 2013 year.
2. M.Jackson Veterinary clinical pathology. America 2010 year.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Ҳ.С. Салимов, Б. Сайитқулов, И.Ҳ.Салимов. Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологиясига оид изоҳли лугат ва маълумотнома.-Т. ТАФАККУР НАСҲИРИЙОТИ”, 2013.
2. Ветеринария медицинаси журнали. Т. 2018-2020.йиллар

## **5-Мавзу: Паррандаларнинг инфексион касалликларининг замонавий диагностикаси ва уларни даволашнинг замонавий инновацион усууллари.**

**Машғулот мақсади:** Касаллик диагнози, ажратма диагнози, қарши кураш тадбир чоралари билан танишиш.

### **Материал ва жиҳозлар:**

Микроскоп, суртма, рангли жадваллар, штамм, вакциналар, пат.материал, слайда, биопрепаратлар, ишланма, дарслик.

### **Асосий тушунчалар.**

1. Диагноз, ажратма диагноз
2. Иммунитет
3. Умумий ва махсус даволаш
4. Карантин чора тадбирлари
5. Хўжаликни соғломлаштириш, профилактик воситалар

Паррандалар юқумли ларинготрахеит касаллиги, вирусли касаллик бўлиб, асосан товуқлар касалланади, касалликка хос белги кекирдак, нафас органлари шиллиқ қаватининг катарал, фибринли, геморрагик яллиғланиши ва конюктивит билан кечади.

1925 й. АҚШ да Меем ва Тицлерлар биринчи марта касалликни ўрганишди. Ўзоқ вақт юқумли бронхитдан фарқлай олинмаган. Бичс, Шелк ва Хоун олимлари бу икки касаллик аълоҳида қўзғатувчилари борлигини тажрибада исботлашди. АҚШ – да паррандалар касалликларини ўрганувчи махсус комитет «юқумли ларинготрахеит» деб атади. 1931 й. Касаллик жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида учрайди.

Иқтисодий зарари – катта, ўлим, гўштга топшириш, олдини олиш профилактик воситаларга катта харакатлар сарфланади.

Қўзғатувчиси – вирус, *Cселус оиласига Женнериа* синфиға мансуб. Вирус нафас тизими епителиал тўқималарида ривожланади. Фильтрлардан ўта олади.

Вирус 9-12 кунлик товуқ эмбрионида култура ҳосил қиласди, енг юқори титр юқтирилгандан 73 – соат ўтишидан кейин ҳосил бўлади.

Вирус паст ҳароратда узоқ сақланади, музлатилганда 19-30 ой, ифлосланган сув, озуқа, пат, тупроқда 273 сутка, гўштда 18°-20°да 30-кун, парранда ўлкасаларида 31- кун сақланган.

**Дезинфекторлар:** НаОН, кон, крезол, хлорли оҳак, формалин креолин аралашмаси 3:1, 15 мл 1<sup>м3</sup> ҳисобида чанлатилади.

Табиий шароитда товуқ, товуслар касалланади. Йилнинг совуқ фаслларида қўпроқ учрайди, сабаби қўзғатувчи совуқ шароитга чидамли. Кекирдакда казеоз, фиброз, геморрагик тикин ҳосил бўлади, юқиши аероген, нафас йўллари ептелийсида ривожланади. Инкубацион даври 2-30 кун, бу кўпинча омилларга боғлиқ, вируслар сони, вирулентлиги, организмнинг резистентлиги, иммун фаолияти даражаси ва ҳоказоларга боғлиқ. Касаллик ўткир, ярим ўткир, сурункали формада кечади.

**Диагноз:**

- клиник
- эпизоотологик
- пат.анатомик
- биосинов – товук әмбрионига юқтириш
- серологик
- микроскопия – хорионаллантоис парда тамға мазок тайёрланиб Гимза усулида бўялиб – маҳсус доначалар қизил рангли, ситоплазмада кўрилади.

Ажратма диагноз – авитаминоз А, респиратор микоплазмоз, чечак, юқумли наスマрқдан фарқлай билиш шарт.

Авитаминоз А-дан фарқлашда асосий йўл жигар тўқималарида Вит А миқдорини аниқлаш бу масаланинг ечимиdir. Қолавреса юқиш характери бўлиш бўлмаслиги ҳам катта аҳамият касб етади.

Юқумли бронхит касаллигига қон оқиб туриш кекирдак колсоларида ва бронхларда кузатилади. Йуқумли бронхитда инфантилизм кузатилади (жинсий) касал товуқлар тухуми силлиқ бўлмайди, деформация кузатилади, гадир-будир тухум тутғади. Чечак – клиник белгилари билан ажралиб туради. Респиратор микоплазмоз – сурункали кечиши, товуқлар тухумдан қолиши, ариқлаб кетиши, энг ишончлиси биопроба. Биосинов учун гомогенлаштирилган патматериал физиологик эритмада суюлтирилди 1:100, ва пеницеллин стрептомицин 3-5 минг ЕД/1мл.га шу ҳисобдан қўшилади.

Колаверса юқтириш интратрахеал, конюктивага, клоакага юқтирилади.

Даволаш:

1. Инкубаторга тухум олинадиган товуқлар бир ҳафта олдин мушак орасига 100 минг ЕД 1 мл балиқ ёғида еритиб юборилади.
2. Конюктивитларида ёд буғи фойдаланилади. 0,3 г ёд кристали 0,03 г алюминий кукуни билан аралаштириб  $1\text{ m}^3$  ҳисобига чанглатилади. Мана шундай чини идишларга 10-15 мм узоқликда қўйиб – қайноқ сувдан 1-2 мл томизиб қўйилса ёд буғланади, товуқхонани 30-40 мин герметик ёиб қўйилади.

Ёд буғларининг аерозол буғлантириш 4-7 кунда бир такрорланади. Бунинг самараси яхши. Касалдан соғайган паррандаларда иммунитет 5-7 ой давом етади, қонда антителалар 2-3 ой сақланади.

